

ISSN 2181-9521

№ 12-son, 2020



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL





Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Ф А Р М О Н И

Мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизimini такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган **муносиб кадрларни танлаш** ва лавозимга тайинлаш ҳамда **судьялар фаолиятини холис баҳолаш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмаганлиги** бу борадаги ишлар шаффофлигининг етарлича таъминланмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, суд ҳокимияти тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, **коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизimini самарали йўлга қўйиш** талаб этилмоқда.

Суд тизimini малакали ва ҳалол пок кадрлар билан тўлдириш, суд органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича **давлат сиёсатининг асосий йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташқи таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш;

судьяликка кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек, судьялар фаолиятини баҳолашда холислик ва шаффофликни таъминлаш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил жорий қилиш;

судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда

суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муросасиз ҳолат деб баҳолаш;

судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали юксак профессионал судьялар корпусини шакллантириш.

2. Судьялар олий кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) ва Олий суднинг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

а) **2021 йил 1 февралдан бошлаб** суд тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, Кенгаш ва суд тизими фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида:

илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб боришни йўлга қўйиш;

судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилиши муносабати билан 2021 йил 1 январдан ушбу судларнинг малака ҳайъатларини шакллантириш.

3. Судьяларнинг юридик жавобгарлиги масаласини ҳал этиш пайтида уларнинг **одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш** мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб:

судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши кўзғатилганлиги ёки кўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилади;

судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун қақришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилади;

суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти га йил якуни бўйича ахборот тақдим этиб борилади.

4. Кенгашнинг судларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни тизимли равишда бартараф қилиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасидаги қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган, фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимини жорий қилиш;

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизида Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясини тузиш;

Судьялар касбий тайёргарлигини ташкиллаштириш шўъбасини тугатиш;

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш шўъбаси негизида матбуот хизмати ва биринчи бўлим, шунингдек, ижро аппарати негизида ахборот-таҳлил, мурожаатлар билан ишлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тузилмалари ҳамда архив ва девонхона ташкил этиш;

Кенгашга келиб тушаётган шикоятларни умумлашма таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида судьялар малака ҳайъатлари билан биргаликда аниқ чоралар белгилаш вазифасини юклаш;

судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини рағбатлантиришни йўлга қўйиш, **“Ибратли судья” мукофотини**, одил судловни амалга оширишда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб пенсияга чиққан судьялар учун **“Суд фахрийси” кўкрак** нишонини жорий этиш;

Кенгаш ҳузурида амалдаги моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиявий характерга эга бўлган маслаҳатлар ҳамда судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларига тушунтиришлар бериш ваколатига эга бўлган жамоатчилик асосида фаолият юритувчи **Судьялар клубини** (кейинги ўринларда – Клуб) ташкил этиш.

Белгилансинки, Клуб ўз фаолиятини Кенгаш томонидан тасдиқланадиган Низом асосида амалга оширади ва унинг доимий масъул аъзолари таркиби кўп йиллик иш тажрибасига, чуқур билим ва юксак обрў-эътиборга эга бўлган амалдаги ва фахрий судьялар орасидан шакллантирилади.

5. Кенгаш (Х.Б.Ёдгоров) **бир ой муддатда:**

Судьялар ассоциацияси (У.Қ.Мингбоев) ва Олий суд (К.Ф.Камилов) билан биргаликда Клуб ташкил

этилиши ва фаолиятини бошлаши бўйича чоралар кўрсин;

“Ибратли судья” мукофоти ҳамда **“Суд фахрийси”** кўкрак нишонини билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

6. Кенгаш раисининг доимий асосда фаолият юритувчи ўринбосари лавозими жорий этилиши муносабати билан Судьялар олий мактабининг Илмий ва ахборот-таҳлилий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозими тугатилсин.

7. Кенгаш ҳузурида судьялар ҳамжамияти органи бўлган ва ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган судьяликка номзодларнинг Судьялар олий мактабига кириш ва яқунлаш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлиб берган мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича имтиҳон комиссияси тузилсин ҳамда унинг қарорлари устидан Кенгашга шикоят қилиш тартиби белгилансин.

8. Қуйидагилар:

Суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Судьялар олий кенгашининг янги тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Кенгашда ташкил этилаётган янги тузилмалар ва лавозимларнинг шакллантирилиши Кенгаш тузилмасини мақбуллаштириш натижасида бўшаётган 4 та штат бирликлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Кенгаш (Х.Б.Ёдгоров) Олий суд (К.Ф.Камилов) ва Судьялар ассоциацияси (У.Қ.Мингбоев) билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда суд органлари тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш масалаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик иммунитетини шакллантириш борасида комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

10. Кенгаш манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Р.Иноятов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2020 йил 7 декабрь

**“ODILLIK MEZONI”
илмий-амалий,
ҳуқуқий журнал**

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Сахифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билан юридик фанлар бўйича диссерта-
циялар асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:

odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-рақам билан
кайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба қайд
этилиши керак.

Босишга 25.12.2020 да руҳат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок
Бунюртма № 12
Адади 2352

Баҳоси келишилган нарҳда

“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Юнусобод тумани,
Олой кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Давр кўзгуси

6

Инсонпарварлик ва адолат – янги жамиятнинг бош мақсади



Кун мавзуси

9



Суд ислохотларидан кўзланган мақсад инсон манфаатларини таъминлашдир

Масъулият мезонлари

12

Судьялар касбий этикасини шакллантириш – давр талаби



Қиёсий таҳлил

14



Суд ҳимоясида бўлган халқаро ҳуқуқий кафолатлар ва уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси

Янги жамият

17

Судьялар мустақиллигини таъминлаш, соҳада коррупциянинг олдини олиш янги босқичга кўтарилади



Мутахассис мулоҳазаси


18



Жиноят қонунининг юридик шахсларга нисбатан амал қилиши доираси юзасидан айрим назарий-ҳуқуқий муаммолар

Янги босқич **23**

Маъмурий суд ишларида “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун қўлланилишидаги долзарб масалалар



Судья минбари **26**

Иқтисодий процессда адвокатга ишончнома зарур(ми)?




Нуқтаи назар **30**

Конституция – инсон ҳуқуқларининг муҳим кафолати



Эксперт фикри **32**

Вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилишда психологик алоқа ўрнатишнинг ўзига хос хусусиятлари



Муҳим мавзу **35**

Эр-хотиннинг ворисликдаги ҳуқуқий муаммолари



Таҳлил **38**

Жиноят ҳақида хабар бермаслик институтини юзага келтирувчи омиллар ва уларнинг ечими



Муносабат **40**

Адолат – қонун устуворлиги



Инсон ва жамият **42**

Ногиронлиги бўлган шахслар учун меҳнат қонунчилигида қандай кафолатлар берилган?



Мулоҳаза **44**

“Биз коррупцияга қаршимиз” деган шиорнинг ўзи етарли эмас!



Эътироф **48**

Буни умр дерлар...



Тадқиқот **50**

Мутлақ ҳуқуқлар гарови амалга оширилишининг таҳлили (товар белгилари мисолида)




Судебная этика **55**

Этика судьи и его психология



Судебно-правовая реформа **56**

Вопросы усиления мер по противодействию коррупции в судебной системе Республики Узбекистан



Совокупность правил поведения **62**

Перспективы внедрения антимонопольного комплаенса в Республике Узбекистан





Холмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши раиси

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТ – ЯНГИ ЖАМИЯТНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Бугун адолат оддийгина айтиладиган шунчаки бир сўз эмас, балки, жуда катта маъно касб этадиган муҳим тушунча сифатида янги жамиятнинг асосий мақсадига айланди. Қадимдан халқимиз адолатни ҳаётнинг бош маъноси, тараққиётнинг таянч нуқтаси деб қараб уни ҳалоллик, инсонпарварлик, уят, ор-номус тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тушунган. Шу ўринда ХХ асрнинг бошларида миллатнинг виждони сифатида майдонга чиққан улуг маърифатпарвар бобомизнинг адолат ҳақидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим.

“Адолат деб бошқаларнинг мол ва ному-сини риоя қилмакни айтилу. Адолат яхши хулқларнинг фоили, зулмнинг муқобилидур. Адолат ва марҳаматли кишилар ўзига лойиқ кўрмаган бир ишни ўзгаларга раво кўрмас. Киши адолат ва инсоният вазифасини ёлғуз ўзи бузуқ ишлардан сақланмак ила адо қилолмас. Балки ўзи баробар жинядошларини хато ва фаноликларини тузатмак ва яхши йўлга саъй қилмак ила адо қила билур. Адолатни риоя қилган кишилар ҳеч бир кишига жабру зулмни хоҳламас ва жонли нарсаларга бекорга озор бермас.... Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси, давлат ва ҳукуматларнинг узун яшамови адолатга боғлидур”.

Буюк ота-бобомизларидан қолган мана шу эзгу анъананинг мантиқий давоми сифатида адолатни таъминлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналиши, давлат ва жамият олдида турган энг асосий вазифа деб белгилади. Деярли барча маъруза ва чиқишларида, халқимиз билан ўтказадиган учрашув ҳамда мулоқотларида адолатни қарор топтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. Ва бу борада куйидаги фикрларини билдирадилар: **“Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун кўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт.”**

Оммавий ахборот воситалари орқали кўриб турганимиздек, айти пайтда бутун дунёда рўй бераётган туб ўзгаришлар, тобора мураккаблашиб бораётган геосиёсий вазият, аллақачон глобал тус олиб улгур-

ган пандемия келтириб чиқарган чуқур иқтисодий инқироз шароитида инсонни кадрлаш, унинг манфаатларини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Мана шундай мураккаб бир даврда инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш орқали уларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш сўнгги йиллардаги демократик ўзгаришлар, шиддатли тус олган тизимли ислохотларнинг моҳиятини ташкил этмоқда.

Қабул қилинганлигининг 28 йиллиги халқимиз томонидан катта шодиёналар билан нишонланган Конституциямизнинг муқаддимасидан бошлаб, жуда кўплаб моддаларида “инсон ҳуқуқлари”, “инсонпарварлик”, “адолат” тушунчалари асосий ўринни эгаллайди.

Энг муҳими, ушбу конституциявий қоидалар бугун ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топиб бормоқда. Жумладан, вақтида оғир, ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланган минглаб одамларнинг оқлангани, яна минг-мингаб жазо ўтаётган инсонларнинг жазодан муддатидан олдин озод этилаётгани, ҳатто амалдаги қонунларимизга зид равишда давлатимиз ҳудудидан чиқиб кетган аёллар ва болаларнинг уруш ўчоғи — Суриядан юртга олиб келиниши, уларнинг соғлиғини тиклаш, шарт-шароит яратиш чоралари кўрилганлиги ҳам адолатнинг бир кўринишидир.

Бугунги кунда жиноятдан жабр кўрганларни химоя қилиш, уларга етказилган зарарлар қопланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, айрим ҳолларда жабрланганларга давлат томонидан моддий ёрдам кўр-

сатилаетгани, ҳатто зарар давлат ҳисобидан тўлаб берилаетгани ҳам адолатдандир.

Жиноят учун жазо муқаррар, лекин юқорида қайд этилган ишлар амалда жазо тайинлашдан мақсад ўч олиш эмас, балки шахсни қайта тарбиялаш эканлигини, инсон ҳақ-ҳуқуқининг жамиятимизда нақадар қадрланаётганлигини ҳамда асосий Қомусимизга асосан, инсон ҳуқуқлари устунлиги таъминланаётганлигини кўрсатади.

Адашган, жиноят кўчасига кирган кишини кечиритиш инсонпарварликнинг энг олий кўриниши бўлиб, бевосита Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар йили минглаб одамлар афв этилаётганлиги қадриятларимиз қадрланаётгани ҳамда қонун устуворлиги ва адолатни қарор топтириш борасида олиб борилаётган қатъий саъй-ҳаракатлар бўлиб, бу ҳам ижтимоий адолатга садоқат намунаси.

Бу борадаги статистик маълумотларга эътибор қаратамиз. Сўнгги йилларда **жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича 10 дан ортиқ фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Биргина 2019 йилда Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида биноан жиноий қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв этилиб, эркин ҳаётга қайтарилди.**

2020 йилда эса билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Одил судловни таъминлаш борасидаги тизимли ислохотлар натижасида судлар томонидан илк маротаба 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилинди. Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафилигига олинди.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли органлари мутасаддилари ҳамда дунёнинг нуфузли экспертлари томонидан юксак инсонпарварлик намунаси сифатида эътироф этилган Жасликдаги жазони ижро этиш колониясининг ёпилганлиги тарихий воқеаликлардан бири бўлди. Шубҳасиз, бу ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг амалий намунаси. Ўтган 2019 йилда дунё ҳам-жамиятининг диққатига сазовор бўлган

яна бир эзгулик ғояси билан суғорилган лойиҳа амалга оширилди. Яъни, "Меҳр-1" ва "Меҳр-2" инсонпарварлик тадбирлари доирасида Яқин Шарқдаги қуроли мижаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

2020 йил декабрь ойида "Меҳр-3" инсонпарварлик операциясининг навбатдаги босқичи доирасида, Сурия мамлакатининг жанговар ҳаракатлар давом этаётган қисмидан жами 98 нафар юртдошимиз, яъни 25 нафар аёл ва 73 нафар бола Ватанимизга қайтарилди. Болаларнинг 14 нафари чин етим эканлиги кўнгилларни ларзага солади.

Эътибор қилинг, ўтган тўрт йилда ўн мингдан ортиқ юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди. Натижада манзил-колониаларда жазони ўтаётган пенсия ёшидаги 709 нафар маҳкумга пенсия пуллари тўлаб берилмоқда.

Инсонпарварлик ва адолат ҳақида фикр юритилганда, биринчи навбатда суд органлари кўз олдимишга келади. Дарҳақиқат, жамиятимизда адолатни қарор топтиришда жуда муҳим тузилмалардан бири суд ҳокимияти бўлиб ҳисобланади. Зеро, судьянинг иш бўйича қабул қиладиган қарори инсон ва жамият тақдири билан боғлиқ бўлиб, тўғри ва адолат нуқтаи назаридан қабул қилинган қарор жамият тинчлиги, оқилолигини таъминлашга хизмат қилса, аксинча адолатдан зарра чекинган ҳолда қабул қилинган қарор, нафақат иши судда кўрилган тарафлар тақдирига, балки бутун жамиятга салбий таъсир



этади. Одамларнинг судга ва алал-оқибат мавжуд тузумга нисбатан ишончсизлиги ва норозилигини келтириб чиқаради.

Судьялар фуқаролик, жиноят, маъмурий ёки иқтисодий ишларни кўришда, қандай иш кўрилишидан қатъи назар ҳар бир алоҳида ишни кўриб, тўхтамга келишда, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлашга ва аниқланган ҳолатларга амалдаги қонунлар асосида ҳуқуқий баҳо беришга ҳамда ўз қарорининг нафақат қонуний ва асослантирилганлиги, балки адолатлилигига ҳам эътиборли бўлиши шарт. Ана шунда, фуқароларимиз жамиятимизда **адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилади** ва суд чинакам адолат кўрғонига айланади.

Шу боис суд органлари фаолиятини бугунги давр талаблари даражасида такомиллаштиришга, судьянинг мустақиллигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, одил судловга эришишнинг энг муҳим омилларидан бири, судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб, етарлича билим ва тажрибага эга, мустақил қарор қабул қилиш салоҳияти бор бўлган, шу билан бирга юксак маънавиятли судьялар билан шакллантиришни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда биринчи марта суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган, суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва унда белгиланган вазифалар бугунги кун талабига жавоб берадиган, ҳар томонлама профессионал ва етук судьялар корпусини шакллантиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарорга кўра суд тизимида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, суд корпусини назарий билим ва касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта ташкил этилган

Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасида халқаро стандартларга мос равишда янги бир тизим ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Ушбу таълим даргоҳининг 2019-2020 ўқув йили магистратура таълим босқичини муваффақиятли тамомлаган 20 га яқин илк қалдирғочлар бугунги кунда судьялик лавозимларида фаолият юритмоқда. Ўтган ўқув йилида магистратура босқичига 60 нафар тингловчи қабул қилинган бўлса, бу йил 75 нафар тингловчи қабул қилинди.

Айтиш керакки, бугунги кунда судьяларни лавозимга танлаш ва тайинлаш, шунингдек, улар малакасини оширишнинг самарали ва демократик ташкилий-ҳуқуқий механизмлари изчил такомиллаштирилмоқда.

Судьялик ўта оғир ва масъулиятли, шу билан биргаликда шарафли вазифа бўлиб, адолатни қарор топтириш учун аввало судьянинг ҳаёт тарзи ҳалол ва покликдан иборат бўлиши, мажозий айтганда, адолат тарозисини тортиш жараёнида унинг қалби ҳам, кўли ҳам қалтирамаслиги керак.

Шунингдек, албатта судьянинг маънавияти юксак, илми зиёда бўлиши талаб этилади. Бежиз, Давлатимиз раҳбари мустақил ва профессионал судьялар корпусини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратмаяпти. Судья қачонки мустақил бўлса, шунда судьянинг ҳолислиги таъминланади ва алал-оқибат қонунийлик, адолат устуворлигига эришилади.

Бундан ташқари, ҳар бир судья ўзига юклатилган вазифани амалга оширишда хатоликка йўл қўймаслик учун ўз касбий билимини ошириш устида доимий ишлаши талаб этилади. Буни ҳам яширмасдан айтишимиз керакки, бугун ҳамма судьяларимиз ҳам бундай шарафли вазифани виждонан бажараётгани йўқ. Бунинг оқибатида судьялар фаолиятида жиддий хато-камчиликлар кузатилаяпти. Судьяларимиз томонидан йўл қўйилаётган хато-камчиликларни тузатиш, аввало унга йўл қўймаслик мақсадида Судьялар олий кенгаши томонидан бир қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, судья одил судловни амалга ошириш, ҳар бир ишни адолатли ҳал этишда ўзини вояга етказган, билим ва мартаба берган ўз халқи олдидаги шахсан жавобгарлиги ва масъуллигини доимо ёдда туттиши зарур.

СУД ИСЛОҲОТЛАРИДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДИР



Шерзод АБДУҒОДИРОВ,
юридик фанлар доктори

Бугунги кунда суд — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муқаддас санаб, уларни давлат томонидан кафолатланишида, Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда “Ижтимоий адолатга садоқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортга қайтмайдиган демократик ислоҳотлар” жараёнида энг муҳим институтлардан бири сифатида фаол иштирок этиб келмоқда.

Кўйида мамлакатимизда сўнгги 4 йил ичида ушбу йўналишда амалга оширилган ислоҳотларнинг энг асосий жиҳатлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчимиз.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича:

➔ судлар тизимида судья ёрдамчиси лавозими таъсис этилди;

➔ судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш механизми бўйича суд раисларининг судьяларга нисбатан интизомий иш кўзғатишига оид ваколати тугатилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича:

➔ қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди;

➔ фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилди;

➔ вилоят миқёсидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилинди;

➔ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинди;

➔ ишни назорат тартибида кўриб чиқадиган суднинг ишни биринчи инстанция судига ёхуд апелляция ёки кассация инстанция судига янгидан кўриб чиқиш учун юборишга оид ваколатлари аниқлаштирилди;

➔ бир-бирини такрорловчи ваколат ва инстанцияларни қисқартириш, шунингдек барча суд инстанцияларида тарафларнинг тортишув принципини таъминлаш орқали жиноят

ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилди;

➔ нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари томонидан юридик хизмат кўрсатиш янада такомиллаштирилиб, нотариал идораларга электрон муурожаат қилиш тартиби белгиланди ва кўрсатилаётган хизматлар учун давлат божини тўлаш бўйича электрон тўловлар жорий этилди.

Одил судловга эришиш даражасини ошириш бўйича:

➔ терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди;

➔ жиноят процессига ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судгача ва судда иш юритишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди;

➔ хўжалик юритувчи субъектлар ўрта-сисдаги низолар бўйича судга муурожаат қилишдан аввал эътирозни мажбурий тақдим этиш тартиби ўрнатилди;

➔ фуқаролик ва хўжалик, шу жумладан, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини қўллаш кенгайтирилди, судгача фуқаролик ва хўжалик низоларини ҳал этишнинг механизмларини белгилловчи яраштирув жараёни медиаия институти жорий этилди;

➔ почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиб, бу орқали “Хабмас корпус” институтини қўллаш доираси кенгайтирилди ҳамда тергов иши юритилиши устидан суд назорати кучайтирилди;

➔ одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган фуқаролик даъволари бўйича давлат божи ставкаларини ундириш

тартиби ва уларнинг миқдорлари қайта кўриб чиқилиб, унинг миқдорлари камайтирилди;

➔ судларга қамоққа олиш ёки уй қамови тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди;

➔ судланганлик ҳолатини тугатиш, судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асослари уларни қисқартириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилди, судланганликни тугатиш муддатлари қисқартирилди;

➔ вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазолар либераллаштирилиб, процессуал ҳаракатларни ўтказишда уларнинг ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилди;

➔ ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали ахлоқ-тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтиришга қаратилган “мажбурий жамоат ишлари” тариқасидаги жиноий жазо киритилди ва бошқа шу каби бир қатор ишлар амалга оширилди.

✔ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартирилди;

✔ ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди;

✔ судлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва суд кадрлари захирасини тайёрлаш мақсадида амалдаги суд мажлиси котиби лавозими тугатилиб, судлар тузилмаларига судья катта ёрдамчиси лавозимлари киритилди;

✔ суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгиланди;

✔ судларнинг апелляция ва кассация инстанциялари куйи турувчи суднинг қарорини ўзгартирган ёки бекор қилган тақдирда ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан туриб, яқиний қарор чиқариш бўйича ваколатлари такомиллаштирилди.



▶▶▶ процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан: жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний таъйиқ ва бошқа шафқатсиз, заъиринсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда; гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда; жиноят процессида иштирок этаётган шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик оқибатида уни чалғитган ҳолда; мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан процессуал ҳаракатларни ўтказиш оқибатида; номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан; дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан; мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги қатъий этиб белгилаб қўйилди;

▶▶▶ шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ёки ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган фактларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутган ҳолда жиноий жавобгарлик белгиланди;

▶▶▶ процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш қатъий тақиқлаб қўйилди;

▶▶▶ ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиртиш (ўта оғир жиноятлар бўйича), тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда мажбурий видео қайд этиш амалга оширилиши белгиланди.

Очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича:

➔ судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари

раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказилиши йўлга қўйилди;

➡ судларга мурожаат этишида давлат божларини тўлаш бўйича амалдаги имтиёзлар ва давлат божлари ставкалари қайта кўриб чиқилди;

➡ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг ҳолислиги ва шаффофлигига ишончни ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссиялар тузилди;

➡ шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга таъшириш тартиби жорий этилди;

➡ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига улар томонидан шахс ушланганидан сўнг унинг ушлангани ва ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларини ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбурият юкланди;

➡ прокурор, суриштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини кўзгатиш, жиноят иши кўзгатишни рад этиш, тафтиш тайинлаш, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан бевосита судга шикоят қилиш тартибини жорий этиш белгиланди;

➡ суд ишларини ҳал этишга аралашини, жумладан ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиши, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда таъсир ўтказиш ҳолатлари бўйича жавобгарликни кучайтириш вазифалари белгиланди.

Инсон ҳуқуқларини кафолатлаш:

➡ шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан бозглиқ тезкор тадбир амалда яқунланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан бозглиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши таъминлини шартлигини белгилаш;

➡ айбига қрорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш;

➡ жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш;

➡ ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш;

➡ агар суд тергов вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича барча тарафларга бериш;

➡ агар суд тергов вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича барча тарафларга бериш;

➡ шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўриляётганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш;

➡ судланувчининг жиноят содир этилишига дахли бўлмаганлиги асоси билан оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда жиноятни ҳақиқатда содир этган шахсни аниқлаш ва айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш учун жиноят ишини прокурорга юбориш тартибини ўрнатилиш;

➡ оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қоида вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтиммиш ёшдан ошган эркаклар ва эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги;

➡ вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмаслиги чораларини белгилаш каби бир қатор вазифалар белгиланди.



Нурали ҚУРБОНОВ,
Судьялар олий мактаби
Касбий кўникмалар
кафедраси мудир, ю.ф.н.
доц. в.б

СУДЬЯЛАР КАСБИЙ ЭТИКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Судьяликнинг юксак мақоми, шасхнинг тақдирига таъсир қилувчи қарор қабул қилишга доир судьялик ваколатининг муайян шахсга берилганлигининг ўзи халқаро ҳужжатлардаги мавжуд стандартларнинг барчасини ўзида мужассам этган судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексига сўзсиз риоя этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунида судьялар судьялик шаънини, судьялар одоб-ахлоқи қоидаларини қатъий сақлашлари, одил судловнинг обрўсини, судьялик кадр-қимматини тушириши ёки судьянинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилишлари шарт дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьяларининг одоб-ахлоқ кодексига судьянинг мажбуриятлари этиб, судья одоб ва ахлоқнинг юқори стандартларига амал қилиши, ушбу Кодекс нормаларига сўзсиз риоя этиши, ҳар қандай вазиятда ҳаққоний бўлиши, суд ҳокимиятининг нуфузини туширадиган ва судьянинг обрў-эътиборига путур етказадиган ёки унинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши шартлиги, ушбу Кодексга риоя этиш судьянинг қалб амри, ҳаётининг қоидаси бўлиши, жамиятнинг суд тизимига, одил судлов малакали, мустақил, холис ва адолатли тарзда амалга оширилаётганлигига бўлган ишончни мустаҳкамлашга кўмаклашиши кераклиги, судья ўз қасамёдига содиқ қолиши, шунингдек, фаҳм-фаросатлилиқ, хушмуомалалиқ, ҳалоллик, матонатлилиқ, илмга чанқоқлик хислатларига эга бўлиб, жамиятда юксак судьялик мақомига муносиб бўлиши шартлиги, судья юксак маънавий-ахлоқий савияга ва малакага эга бўлмасдан судьялик ваколатларини амалга оширишга ҳақли эмаслигини доимо ёдда тутиши шартлиги кўрсатилган.

Судья ўз фаолиятини амалга оширадиган экан, у аввало юксак касб эгаси эканлигини, ўз фаолиятини фақат қонунларда белгиланган талаблар асосида амалга ошириши мумкинлигини, бунинг учун суд тизими обрўсини ва судьялик масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда адолатли қарор чиқариши

лозимлигини билиб яшаши ҳамда фаолият юритиши лозим.

Зеро, ҳуқуқшунос олима М.Ражабова “ҳақиқий судья ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли қарор қабул қилишга қодир бўлиши керак. Ана шундагина елкасидаги улкан масъулиятни оқлаган бўлади. Судьянинг ҳалоллиги жамиятда адолат тантана қилишига асос бўлади” – деб бежизга айтмаган.

Судьялар одоб-ахлоқ кодекси қоидаларига судьяларнинг сўзсиз риоя қилишлари судьялик ваколатини амалга оширишга ҳақлилиги ва судьялик мақомига муносиблигининг муҳим шартидир.

Шу ўринда ахлоқ тушунчасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, “ахлоқ” – арабча сўз бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия, одоб деган маъноларни англатиб, инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, шахсий ва умумий манфаатларни мувофиқлаштириб туриш асосида ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган муайян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат нормаларининг мажмуи деган тушунчани англатади. Жамиятда ҳар қандай касбга оид ўзига хос хулқ-атвор, юриш-туриш қоидалари мавжуд. Касбий этика — ҳар бир касб-ҳунарда хос ахлоқий норма, принцип ва сифатларни ўрганади ва ҳаётга татбиқ этади. Жамиятда мутлақ, абдий ва ўзгармас ахлоқ мавжуд эмас. Ахлоқ тарихан ўзгарувчан ва нисбий мустақилликка эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Ушбу тушунчадан ташқари, касб ахлоқи деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, у жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ қилувчи аниқ касбий бурч, шаън, ор-номус, кадр-қиммат каби хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўринишидир. Юқоридаги тушунчалар у ёки бу касбнинг ўзига хос

ажралмас қисми сифатида намоён бўлади. Ушбу одоб-ахлоқ, касб этикаси бирор бир шахс томонидан яратилмаган. Ушбу тушунчалар авлоддан авлодга ўтиб, сайқалланиб, шаклланиб келган.

Бундан ташқари, судьянинг касбий фаолиятини амалга оширишдаги ва хизматдан ташқари вақтдаги одоб-ахлоқ қоидалари белгиланган. Бу судьянинг хизматдан ташқари вақтда амалга ошириш билан боғлиқ чекловлар бўлиб, у хўжалик фаолиятида иштирок этиши, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатлари, давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик масалалари, суд процесси иштирокчилари билан ўзаро муносабатлари, турмушда одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиши лозим.

Судья одил судловни амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг суд томонидан ҳимоя қилиниши суд ҳокимияти органлари фаолиятининг асосий мақсади эканлигини унутмаслиги лозим.

Судья ўз шаъни ва кадр-қимматини сақлаши, одоб-ахлоқ нормаларига риоя этиши, камтар, хушмуомала бўлиши ҳамда қўполликка йўл қўймаслиги шарт.

Мамлакатимизда Судьялар одоб-ахлоқ кодексининг янги таҳрирда қабул қилиниши суд мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим омил бўлди десак, муболаға бўлмайди. Судьялар одоб-ахлоқ кодекси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисидаги”, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунларига, судьялар одоб-ахлоқини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига ҳамда жамиятдаги одоб-ахлоқ меъёрларига асосланиб ишлаб чиқилган. Шу билан бирга 2002 йил 26 ноябрда Гаага шаҳрида қабул қилинган “Бангалор тамойиллари” асоси ҳисобланган мустақиллик, холислик, ҳалоллик ва поклик, этник нормаларга риоя қилиш, тенглик, компетентлик ва интилувчанлик тамойиллари ҳам ўз аксини топган.

Юртимизда судьяларнинг одоб-ахлоқи ҳақидаги қоидалар асрлар давомида шаклланиб келган.

Мисол учун, Бурҳониддин ал-Марғиновичнинг “Ал-Ҳидоя” асарида алоҳида “Китоб адаб ал-қози” деган боб мавжуд. Унда қозилик лавозимига лойиқ кишилар, уларнинг шартлари, қозининг одоби, ҳукм қи-



линаётганда ўзини тутиши ҳамда жамиятда одамлар билан аралашиб юриш шарт-шароити ҳақида баён этилган.

Шунингдек, қозилик одоби ҳақида битилган алоҳида китоблар ичида имом Мовардийнинг “Одоб ал-қози” китоби алоҳида аҳамият касб этади. Бу китобда исломда қадимдан қозилик ишлари қанчалик мукамал тарзда фаолият юритилганлиги айтиб ўтилган.

“Қози ҳар доим ўз устида ишлаб, билимини ошириб бориши, қатъиятли, матонатли, ҳар бир ишда шахсий манфаат изламаслиги, эътиборли, босиқ, тўғрисиқ, хушмуомалали бўлиши билан бирга, қўполлик, шафқатсизлик, ёлғончилик, иккиюзламачилик каби ишлардан холи бўлиши лозим. Шунингдек, у адолатли қарорларни қабул қилиши зарур”.

Бугунги кунда судьялар ўз касбий фаолиятларини амалга оширишда мустақиллик, холислик ва беғаразлик, тенглик, адолатлилик, ҳалоллик ҳамда лаёқатлилик принципларига амал қилишлари талаб этилади.

Амалда судьяларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлаш давлат ва жамият ривожининг, шунингдек, судьяларнинг адолатли қарорлар қабул қилиши фуқароларнинг давлатдан розилигини таъминлашнинг асосий шартларидан биридир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, жамиятда адолатли қарорлар чиқарилишига эришишимиз учун касбига фидойи бўлган ҳалол ва виждонли судьяларни танлаш, уларни касбий етуқликка эришишлари учун таълим ва тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу мақсадда, судья мунтазам ўз устида ишлаши, ўз иш юритишида бўлган ишларни кўришда унинг моҳиятини чуқур англаб, адолатли қарор қабул қилиши лозим. Шу билан бирга судья кибру-ҳаво, манманлик каби иллатларга берилмаслиги, ҳаётда оддий ва камтар ҳамда маданиятли бўлиши лозим. Агар судьяда бу хислатлар мужассам бўлса ва доимо шунга амал қилса, бу судья ва суд тизими нуфузини оширади.



**Бахтиёр
ПЎЛАТОВ,**
Ўзбекистон
Республикаси
Бош прокуратура-
тураси
Академияси
профессори

СУД ҲИМОЯСИДА БЎЛГАН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ИФОДАСИ



**Зафарбек
ТУРСУНОВ,**
Ўзбекистон
Республикаси
Бош прокуратура-
тураси Акаде-
мияси катта
ўқитувчиси

Мамлакатимиздаги ҳуқуқий адабиётларда суд муҳокамасини юритишни эркинлаштириш асоси деб қандай ҳолатларни ҳисоблаш кераклиги хусусида ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Шу боисдан суд муҳокамасини юритишнинг либерал (эркин) асоси деганда суд муҳокамасида инсоннинг суд ҳимоясига ва адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини назарда тутувчи халқаро-ҳуқуқий кафолатларни оғишмай амалга оширишни тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ ўз ичига қуйидаги элементларни олади: а) бирор бир фуқаролик ҳуқуқи бузилганда ёки фуқаро жиноят содир этишда айбланганда одил судловнинг таъминланиши; б) судьялар мустақиллиги таъминланган ҳолда ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига асосланган ривожланган суд тизимининг мавжудлиги. Ишнинг қонун асосида ташкил этилган судда кўрилишига бўлган ҳуқуқ деганда иш қайси судга тегишли бўлса, ўша судда кўрилишига бўлган ҳуқуқ тушунилади. Баъзан бундай ҳуқуқ “ўз судьясига бўлган ҳуқуқ” деб ҳам аталади. Қонунда белгиланмаган судларни ташкил этиш тақиқланади; в) адолат талабларига жавоб берадиган суд жараёнини таъминлаш.

Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 10-моддасида баён этилган бўлиб, унга мувофиқ “Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоялаш ва унга қўйилган жиноий айбловнинг асослангандирлигини аниқлаш учун тўла тенглик асосида унинг иши ошкора ва барча адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига эга”. Бу ҳуқуқ 1966 йилги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”нинг 14-моддаси 1-бандида ва “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси”нинг 6-моддасида янада кенгроқ ўз ифодасини топган.

Қайд қилинган ҳужжатларга кўра, “Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар ким ўзига қўйилган жиноий айбловнинг кўрилишида ёки бирор бир фуқаролик процессида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда қонун асосида ташкил этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва ошкора муҳокама этилиши ҳуқуқига эга”.

Гап, аввало, айбсизлик презумпцияси ҳақида бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида айбсизлик презумпцияси мустақамлаб

қўйилган бўлиб, унинг таърифи қуйидагича тарзда берилган: “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиши учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас” (26-модда). Таърифлардаги фарқлар шундан иборатки, умумэтироф этилган халқаро меъёрларга мувофиқ айбсизлик презумпцияси фақат суд ҳукми билан эътироф этилиши шарт эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасида белгиланган асосларга кўра, жиноий жазо ва жавобгарликдан озод қилиш институти мавжуд. Унга кўра шахснинг айбдорлиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатишга рухсат берилади. Бироқ, айбланувчи бунга қарши эътироз билдирмаган тақдирдагина шундай қарор қақришга йўл қўйилади. Акс ҳолда иш судга оширилиши шарт, суд эса барча процессуал талабларга риоя қилган ҳолда ҳукмда фуқаронинг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги масалани ҳал этади.

Назаримизда, Жиноят-процессуал кодексининг шу моддасида иммунитет (дахлсизлик) ҳуқуқига эга бўлган шахсни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш рад қилинган, руҳий ҳолати бузилиши билан боғлиқ бўлмаган ақлий ривожланишда ортда қолганлиги оқибатида содир этган ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини тўлиқ англай олмаган ва ўзини бошқара олмаган, Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, жазолаш учун ушлаб берган давлат розилик бермаган ҳолларда, ушбу айбловлар бўйича иш юритиш тугатилиши лозимлиги

каби нормаларнинг ўрин олиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу тариқа халқаро меъёрлар ва уларнинг ўзлаштирилиши нуқтаи назаридан ёндашганда, ишни судда кўрмасдан туриб айбланувчини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиб-қоидалари айбсизлик презумпциясига зид эмас. Айбланувчида айбсизлик презумпциясидан келиб чиқувчи ўз айбсизлигини исботлаш мажбуриятининг йўқлиги ва бартараф этилмаган шубҳа-гумонларнинг айбланувчи фойдасига талқин этилиши каби юридик оқибатлар халқаро меъёрларда ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (26-моддаси) ҳам бир хилда таърифланган.

Халқаро меъёрларда айбсизлик презумпциясидан ташқари жиноят ишлари бўйича одил судловнинг минимал кафолатлари ҳам назарда тутилган. Унда минимал кафолатларга амал қилиш – бу ҳали судловнинг тўлалигича адолатли бўлишидан далолат эмаслиги таъкидланади. Булар бор-йўғи минимал кафолатлар бўлиб, улар ҳеч бир шароитда миллий қонунчилик ва суд амалиёти томонидан рад этилмаслиги лозим.

Одил судловнинг минимал кафолатлари таҳлили, уларнинг айримларини истисно этганда, қолган барчаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда назарда тутилганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга минимал кафолатларнинг айримлари Жиноят-процессуал кодексда инobatга олиниб, суд амалиётида қўлланиши мумкин. Масалан, айбланувчини асосланмаган сансоларликларсиз судланиш ёки Европа Конвенциясида айтилганидек, “оқилона муддатда” судланиш ҳуқуқига тааллуқлидир. Аввало, айбланувчининг бундай ҳуқуқини қонунда қайд этиш лозим бўлади. Шу билан бир қаторда, республикаимизнинг амалдаги Жиноят-процессуал кодексда жиноят ишларини судда кўришнинг энг кам муддати икки ой ва энг кўп муддати олти ой қилиб белгиланган. Айбланувчи ҳибсда сақланаётган бўлса, ишни якуний ҳал қилиш муддати янада қисқа бўлиши лозим. Шунингдек, қамоқда сақлашнинг максимал муддати қисқартирилиб, 7 ойгача қилиб белгиланди.

Жиноят ишлари бўйича одил судловга қўйиладиган минимал талаблардан ташқари, халқаро меъёрлар яна: а) қонунга ҳилоф равишда суд қилиш ва ноқонуний қамоққа олиш орқали фуқарога етказилган зарарни ундиришни (Бундай ҳуқуқ ва уни амалга ошириш тартиби ЖПКнинг 301-313-моддаларида назарда тутилган бўлиб, бу моддалар амалда ишламоқда ва қўлланилмоқда); б) жиноят қурбонига кўмаклашишнинг зарурлигини (Бундай кўмак бериш биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 27 августдаги қарорида мустаҳкамланган эди. Унда ҳар бир инсон бузилган ҳуқуқининг тикланишини ва ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ундирилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги таъкидланади); в) ишнинг юқори

турувчи суд инстанциясида қайта кўрилиши ҳуқуқини; г) бузилган ҳуқуқларни самарали тиклашга бўлган ҳуқуқни; д) битта жиноят учун такроран судланиш ёки жазоланишни ман этишни назарда тутати.

Жиноят қурбонига кўмаклашувнинг зарурлигидан келиб чиқиб, БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари Декларацияси қабул қилинди. Декларацияда, хусусан, жиноят қурбонларига одил судловга изн беришни ва адолатли муомалани таъминлаш зарурлиги таъкидланади. Миллий қонунчиликка мувофиқ, фуқаролар ўзларига етказилган зарар учун тезда товон олиш ҳуқуқига эга. Декларациянинг 6-бандида суд процедуралари жиноят қурбонлари эҳтиёжларига кўпроқ даражада жавоб бериши учун уларга қуйидаги йўллар билан кўмаклашиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилган:

а) суд муҳокамасидаги мавқеи ва эга бўлган ҳуқуқларига, айниқса оғир жиноят содир этилган ҳолларда кўрилган ишларнинг муддатлари ва натижаларига доир ахборотларни қурбонларга тақдим этиш;

б) шахсий манфаатларига тааллуқли бўлган ҳолларда, айбловга зиён етказмасдан ва тегишли миллий одил судлов тизимига биноан суд муҳокамасининг тегишли босқичларида жиноят қурбонларига ўз фикр ва истакларини баён этиш ва кўриб чиқиш имкониятини таъминлаш;

в) бутун суд муҳокамаси давомида жиноят қурбонларига тегишлича ёрдам кўрсатиш;

г) жиноят қурбонларига ноқулайлик туғдирадиган ҳолатларни имкон қадар камайтириш, зарур бўлганда уларнинг шахсий ҳаётини муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, гувоҳлар ва уларнинг оилалари хавфсизлигини таъминлаш ва уларни дўқ-пўписа ва ўч олишдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

д) ишларни кўришда асоссиз кечиктиришларга барҳам бериш ва қурбонларга товон тўлаш ҳақидаги қарорларни бажариш.





Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКни таҳлил қилсак, жабрланувчига берилган ҳуқуқлар жиноят қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация талабларига мос келишига амин бўламиз. Жиноят қурбонларига нисбатан адолатли одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги Декларациянинг 7-моддаси эътиборга лойиқдир. Бу моддада зарур ва имкон бўлганда жабрланувчи билан айбланувчининг ярашувига кўмаклашиш ҳамда жиноят қурбонига етказилган зарарнинг ундирилишини таъминлашни тавсия этилади. Эҳтимол, бу тавсия Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда жабрланувчининг айбланувчи билан ярашуви муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилишнинг янги шаклини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилгандир. Унда жабрланувчига етказилган зарарни барта раф этиш жавобгарликдан озод қилиш шартларидан бири сифатида кўрсатилган (ЖКнинг 66-1-моддаси).

Айбланувчининг юқорида кўриб чиқилган процессуал ҳуқуқларидан ташқари, халқаро нормалар яна қуйидаги ҳуқуқларни ҳам назарда тутди: а) ҳар бир маҳкумнинг ўз ишининг юқори турувчи суд инстанциясида қайта кўрилишига бўлган ҳуқуқи; б) ҳар бир инсоннинг бузилган ҳуқуқларини самарали тиклашга бўлган ҳуқуқи; в) битта жиноят учун такроран суд қилишни тақиқлаш.

Бундан ташқари, Пактнинг 14-моддаси 4-бандида шундай дейилади: “Вояга етмаганларга нисбатан суд процесси уларнинг ёши ва қайта тарбияланишига кўмаклашиш истаги ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилмоғи керак”. БМТ Бош Ассамблеяси бу гоёни ривожлантириб, Пекин қоидалари сифатида аталдиган, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг минимал стандарт қоидаларини қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 87-моддасида вояга етмаганларни жинойий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш имкониятлари назарда тутилган. Республикамиз ЖПКнинг 60-бобида Пекин қоидаларига мос келадиган, вояга етмаганлар ишларини юритишга доир бир қатор махсус қоидалар белгилаб берил-

ган. Жиноят-процессуал кодексида қонунда мавжуд бўлган қоидага биноан вояга етмаганларнинг жинояти тўғрисидаги ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилиши мумкин (ЖПКнинг 19-моддаси), лекин чиқарилган ҳукм ҳар доим ошкор эълон қилиниши лозим. Шунга айтиш керакки, Халқаро Пактнинг 14-моддасига кўра, агар вояга етмаганнинг манфаати тақозо этса, вояга етмаганга нисбатан чиқарилган ҳукм ошкор қилинмаслиги мумкин.

Халқаро ҳуқуқий кафолатларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий этилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига бир қатор мажбуриятлар юкланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш; шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирор бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш; ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш тақиқланди.

Адолатли суд муҳокамасида бўлган ҳуқуқларни белгиловчи халқаро ҳуқуқий кафолатлар сифатида миллий жиноят процессуал қонунчилигимизга хорижий тажрибада кенг ва самарали қўлланилиб келатган “Айбга иқдорлик тўғрисидаги процессуал битим” ва “Ҳамкорлик тўғрисидаги процессуал битим” деб номланган янги институтларни жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди.

Фикримизча, мазкур халқаро-ҳуқуқий андозаларни дастлабки терговда ҳам, судда ҳам амалга ошириш ва бажариш, уларга амал қилиш судда ишларни кўришни эркинлаштириш асосларини бевосита мустаҳкамлайди ва суднинг жиноят ишини ҳал этиш ҳамда адолатли, қонуний ва асосли ҳукм чиқариш функциясини амалга оширишга имкон яратувчи муҳим кафолат бўлиб ҳисобланади.



Завқий ҚУРБОНОВ,
жиноят ишлари
бўйича Бухоро
вилоят судининг
судьяси

СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, СОҲАДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ



Нурбек РАҲИМОВ,
жиноят ишлари
бўйича Бухоро
вилоят судининг
бўлим бошлиғи

Судья профессионал фаолиятини амалга ошириш жараёнида фақат қонунга бўйсунган ҳолда мустақил ҳаракат қилиши, шунингдек суд тизимида коррупцияга йўл қўйилмаслиги одил судловга эришишнинг энг асосий мезонлари бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назаридан келиб чиқиб айтиш керакки, Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 7 декабрда имзоланган “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон суд органлари фаолиятини давр талаблари даражасида такомиллаштиришга мустаҳкам замин яратади.

Биринчидан, Фармонда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда соҳада коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ҳаётий хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Бунда суд тизимига етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган муносиб кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш ҳамда судьялар фаолиятини холис баҳолаш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмаганлиги бу борадаги ишлар шаффофлигининг етарлича таъминланмай қолишига сабаб бўлаётганлиги суд ҳокимияти тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини самарали йўлга қўйиш талаб этилаётгани қайд қилинди.

Иккинчидан, суд тизимини малакали ва ҳалол пок кадрлар билан тўлдириш орқали коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, суд органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш юзасидан аниқ вазибалар қўйилди.

Жумладан, 2021 йил 1 февралдан бошлаб суд тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, Кенгаш (бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши назарда тутилмоқда) ва суд тизими фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида:

- илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб боришни йўлга қўйиш;

- судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш назарда тутилган.

Маълумки, Фармонда асосий вазифа сифатида белгиланган судьялар корпусини ҳалол ва пок, ҳар томонлама лаёқатли кадрлар эвазига шакллантириш жараёнидаги энг муҳим босқич бўлган илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб боришни йўлга қўйиш Кенгаш

фаолиятининг очиқлигини таъминлаш баробарида судьяликка энг муносиб номзодларни танлашда ҳолисликка, ҳаққонийликка эришишга олиб келади.

Судьяларнинг юридик жавобгарлиги масаласини ҳал этиш пайтида уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида 2021 йилдан бошлаб бир қатор янги тартиблар жорий этилиши белгиланди.

Судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши кўзгатишнинг икки қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилади;

судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гўмон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиринишга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилади;

суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якуни бўйича ахборот тақдим этиб борилади.

Ўзбекистон Судьялар олий кенгаши таркибидаги Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негзида Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси тузилади.

Хулоса қилиб айтганда, Фармонда белгиланган вазибалар ижросининг таъминланиши судьяларнинг адолат ва ҳақиқат қарор топишига қаратилган профессионал фаолиятини янги жаҳият қўяётган талаблар даражасида ривожлантиришга ҳуқуқий асос бўлади.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган том маънодаги демократик ўзгаришлар, хусусан суд тизимидаги кенг кўламли ислохотлар биз судья ва суд органлари ходимларига алоҳида масъулия юклайди.



Зафарбек НУРМАТОВ,
Тошкент давлат
юридик университети
тадқиқотчиси, жиноят
ишлари бўйича Тошкент
шаҳар суди судьяси

ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ЮРИДИК ШАХСЛАРГА НИСБАТАН АМАЛ ҚИЛИШИ ДОИРАСИ ЮЗАСИДАН АЙРИМ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг амал қилиш доираси таҳлили мамлакатимизда жиноят қонуни жисмоний шахслар томонидан содир этилган қилмишларга нисбатан ҳаракатда бўлишини кўрсатади. Яъни, амалдаги қонунчиликка кўра, жиноят қонуни юридик шахслар, шунингдек, ҳайвонлар ва жонсиз предметларга нисбатан татбиқ этилмайди. Жумладан, агар инсон соғлигига зарар етказган ҳайвонлар жиноят қуроли сифатида амал қилган бўлса, бунинг учун ҳайвон эгаси ёки бошқа шахс жиноий жавобгарликка тортилиши лозим¹.

Бу борада М.Усмоналиев шундай фикр билдиради: жисмоний шахс ҳисобланмайдиган шахслар (юридик шахслар), бошқа тирик мавжудотлар (ит, хўкиз, ваҳший ҳайвонлар), жисмлар жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар. Масалан, рақибидан ўч олиш мақсадида қопогон итни қўйиб юбориш натижасида жабрланувчининг баданига шикаст етказилса, жиноятнинг субъекти ит эмас, балки унинг эгаси ҳисобланади. Эгаси йўқ ёки қутурган ит кишини тишлаб жароҳат етказса, у ит ўлдирилса, жиноятнинг субъекти сифатида эмас, балки бошқа кишиларга ҳам жароҳат етказмаслиги ёки қутуриш касаллиги тарқалишининг олдини олиш мақсадида йўқ қилинади².

Ўрта асрлар ҳуқуқ тарихида ҳайвонлар ва ҳашоратлар (масалан, чўчқалар, буқалар, қуртлар, чигирткалар) жиноятнинг субъекти деб эътироф этилгани тўғрисида гувоҳликлар мавжуд³.

Жиноят субъектлари доираси фақат жисмоний шахслар билан қатъий чеклангани юридик шахслар (корхоналар, муассасалар, ташкилотлар) ҳам жиноятнинг субъектлари бўлишлари мумкин эмаслигини англатади.

Юридик шахслар ўз-ўзича ҳам қонуний, ҳам ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга умуман қодир эмас. Агар юридик шахсларнинг айрим вакиллари томонидан жиноятлар содир этилган бўлса, юридик шахслар эмас, балки уларнинг айна шу вакиллари жиноий жавобгарликка тортилади.

Сўнги йилларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар муносабати билан жиноят ҳуқуқи назариясида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги масалага қизиқиш кучайди. Юридик шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкинми, деган

масала атрофидаги баҳсда келтириладиган асосий далиллардан бири шундан иборатки, инсон ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг ҳақиқий хусусияти ва ижтимоий хавфлигини англаш ёки уларни бошқаришга қодир. Ўзбекистон жиноят қонунчилигига мувофиқ фақат онгли равишда иш кўрган ақли расо шахс айбдор деб эътироф этилиши мумкин. Бундан ташқари, ўз ҳаракатларини англаш ва уларни бошқариш қобилияти туғилган пайтдан бошлаб эмас, балки муайян ёшга тўлгандан сўнг, ҳаёт тажрибаси тўпланишига қараб пайдо бўлади. Масалан, бирон-бир корхонада техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари бузилиши оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, жиноий жавобгарликка корхона эмас, балки шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс тортилади (ЖК 257-моддаси). Шундай қилиб, жиноий жавобгарлик – бу индивидуал жавобгарликдир. Бундан ташқари, юридик шахсларнинг жавобгарликка тортилиши жиноят ҳуқуқининг муҳим принципи – айб учун жавобгарликка ҳам зид ҳисобланади. Умуман олганда, юридик шахслар жиноий жавобгарликка тортилганида жазо мақсадларига эришишда бир қанча асосли саволлар юзага келиши табиий.


Ўз навбатида аксарият хорижий мамлакатларда (Испания, Швейцария, Япония) ҳам юридик шахслар жиноий жавобгарлик субъектлари деб эътироф этилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр инкор этилади⁴.

Айна вақтда ўзининг дахлсиз ҳуқуқий мақоми билан машҳур бўлган бошқа мамлакатлар (Англия, Италия, Канада, Франция, Германия, Финляндия, Норвегия, АҚШ, Ирландия, Дания, Люксембург, Португалия, Нидерландия, Шотландия, Хитой, Австралия, Литва)нинг жиноят қонунчили-

гида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига йўл қўйилади ва улар жиноятларнинг субъектлари деб эътироф этилиши мумкин⁵.

Юридик шахсларнинг жавобгарлиги, масалан, Франция ЖКга мувофиқ, икки ҳолатнинг мавжудлиги билан белгиланади: жиноий қилмиш, биринчидан, юридик шахс фойдасига, иккинчидан, унинг раҳбари ёки вакили томонидан содир этилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, юридик шахсларнинг жавобгарлиги барча жиноий қилмишлар учун эмас, балки норматив ҳужжатда тўғридан-тўғри айтиб қўйилган жиноятлар учун келиб чиқади. Францияда жиноий қилмишларнинг кенг доираси учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Бундай жиноятлар орасида инсониятга қарши жиноятлар, ҳаётга қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида тажовуз қилишлар, инсоннинг дахлсизлигига тажовузлар, гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда тарқатиш, камситиш, қўшмачилик, одамларда тажрибалар ўтказиш, шахсий ҳаётга тажовузлар, ёлғон хабар бериш, мол-мулкни талон-торож қилишнинг барча турлари, терроризм бор. Франция Жиноят кодексига кўра юридик шахс (давлатдан ташқари) тамом бўлган жиноят учунгина эмас, балки жиноят содир этишга суиқасд қилиш учун ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин. Юридик шахслар учун жазолар тизимида асосий ўринни кўп миқдордаги (250 млн. франккача) жарималар эгаллайди, бундан ташқари, қуйидаги жазо турлари қўлланилади: юридик шахс фаолиятини тугатиш; бирон-бир (тиббий, тижорат, банк, бошқа) фаолият билан шуғулланишни тақиқлаш; юридик шахснинг жиноий қилмиш содир этилган бирон-бир муассасаси ёки корхонасини ёпиш; давлат билан тузиладиган шартномаларда иштирок этишни тақиқлаш; аҳоли омонатларини жалб қилишни тақиқлаш ва чеклар ёки кредит карточкаларини муомалага чиқаришни тақиқлаш; суд назорати остига олиш. Бундан ташқари, юридик шахс жавобгарликка тортилгани жисмоний шахснинг жавобгарлигини истисно этмайди⁶.

Хитой Халқ Республикаси ЖКда ҳам юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилган. Жамият учун хавfli фаолиятни амалга ошираётган ширкатлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, жамоалар ва компаниялар жиноий жавобгарлик субъектлари бўлишлари мумкин. Санаб ўтилган субъектлар Хитой ЖКда ташкилотлар ёки муассасалар томонидан содир этиладиган жиноятлар учун белгиланган қоидаларга мувофиқ жиноий жавобгар бўлади. Корхона фақат жарима тариқасидаги жазога тортилиши мумкин. Юридик шахс жиноий жавобгарликка тортилганига қарамай, унинг бевосита раҳбарлари ва бошқа масъул ходимлари умумий асосларда жисмоний шахслар сифатида жиноий жавобгарликка тортилади. Уларга



нисбатан оғир жазо тайинланиши мумкин. Масалан, қурол, ўқ-дори, радиактив материаллар ёки қалбаки валюта контрабандаси учун, айбдор корхона бўлган тақдирда, жисмоний шахслар – ижрочилар ёки корхона бошқарувчилари мол-мулки мусодара қилинган ҳолда умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазосига тортилади, корхонага эса жарима солинади⁷.

Нью-Йорк штатининг Жиноят кодексига биноан айрим жиноятларнинг субъекти сифатида, масалан, корпорациялар эътироф этилади (уларга нисбатан жарима, ишлаб чиқаришни тўхтатиб туриш сингари санкциялар қўлланилади). Юридик шахсларга (масалан, экологик жиҳатдан зарарли корхоналарга) нисбатан жиноят-ҳуқуқий санкцияларни қўллашнинг мақсади улар мазкур корхона эгаси ёки раҳбарининг қўлига “уриш”дангина эмас, балки тегишли корхонанинг барча ходимлари учун экологик жиҳатдан зарарли ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият билан шуғулланишни тақиқлашдан иборат. Бундан ташқари, мазкур масала наинки экологик, балки ҳўжалик-иқтисодий жиноятларга ҳам тегишлидир⁸.

Шундай қилиб, бир қатор хорижий давлатларнинг жиноят ҳуқуқига кўра юридик шахслар ҳам (давлатдан ташқари) жиноий қилмиш ва жиноий жавобгарлик субъектлари бўлиши мумкин. Улар ҳам иқтисодий, экологик ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликлар, ҳам шахсга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Шу маънода Япония тажрибаси ҳам диққатга сазовор бўлиб, бу ерда ҳўжалик жиноятлари соҳасида ташкилотларнинг маъмурий жавобгарлиги билан бир вақтда жисмоний шахслар – мазкур ташкилотлар вакилларининг жиноий жавобгарлиги ҳам қўлланилади. Ҳўжалик қонунларининг қоидалари асосан маъмурий вазифаларни ҳал қилгани боис, санкцияларда оғирлик маркази маъмурий чораларга тушади, жиноий жазо эса, аксинча, қўшимча элемент вазифасини бажаради. Санкциялар сифатида бир вақтнинг ўзида фаолиятни тугатиш тўғрисида қарор чиқа-

риш ва жарима қўлланиши мумкин. Аини ҳолда маъмурий мақсадларга эришишга қаратилган маъмурий чоралар ва жиноий жазо фарқланади⁹.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги институти қонун йўли билан мустаҳкамлашни таклиф қилаётган олимлар Россияда ҳам мавжуд. Масалан, А.В.Наумов, А.С.Никифоров, С.Г.Келина сингари олимлар ўз ишларида мазкур муаммони ечишнинг илмий мақсадга мувофиқлиги ва амалий аҳамиятини асослашга ҳаракат қиладилар. Улар Россия Федерацияси Жиноят кодексининг алоҳида бўлимида юридик шахслар учун жиноий жавобгарликни назарда тутишни таклиф қиладилар. Уларнинг фикрича, бу ерда юридик шахс тушунчасига (фуқаролик ҳуқуқида ишлаб чиқилган) таъриф берилиши, унинг жиноят субъекти – жисмоний шахс белгиларидан фарқ қиладиган белгилари баён этилиши, шунингдек жиноий жавобгарлик асоси ва мазкур шахслар учун жазо турлари бошқача таърифланиши лозим¹⁰. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги институти ҳозирги вақтда Россия жиноят қонунчилигида эътироф этилмаган.

Бизнинг назаримизда, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини жорий этиш фойдасига куйидаги далилларни келтириш мумкин.

Фан-техника тараққиёти жадал суръатларда ривожланаётган ва бунинг оқибатида турли техноген ҳалокатлар содир бўлаётган, атроф муҳитни ифлослаш, инсоннинг яшаш муҳитига тузатиб бўлмайдиган зарар етказиш ҳоллари юз бераётган ҳозирги давр шароитида юридик шахслар фаолияти ўзининг шикастли оқибатларига кўра жамият учун айрим шахсларнинг жиноий

хулқ-атвориغا қараганда кўп қарра хавфлироқдир, унинг кўлами эса юридик шахсларга нисбатан анча қаттиқ ҳуқуқий санкциялар қўллаш зарурлиги тўғрисида ўйлашга мажбур қилади.

Бунга мисол қилиб Нюрнберг жараёнини келтириш мумкин. Нюрнберг Халқаро трибунали айрим вакилларни – Учинчи рейхда олий давлат, ҳарбий ва партиявий лавозимларни эгаллаган одамларнигина суд қилмаган. Гитлер ҳокимият тепасига келган пайтдан бошлаб улар ҳам Германия, ҳам Европадаги барча йирик воқеаларнинг иштирокчилари бўлган. Шу сабабли уларнинг устидан ўтказилган суд нацистлар тузуми, бутун фашистлар Германияси устидан судга айланган¹¹.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги институти қилмиш ва оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳам, қасд ва эҳтиётсизлик шаклидаги айбнинг мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳам ўз ичига олиши мумкин (айниқса, юридик шахс номидан ва унинг манфаатларида юридик шахс вакили – жисмоний шахс ёки орган иш кўрган ҳолда). Ижтимоий хавfli натижага унга кўзи етиш ва унинг олдини олиш имконияти доирасидан ташқарида (казус ёки объектив тасодиф), зарурий мудофаа, охири зарурат ҳолатида, асосли таваккалчилик вазиятида, фактик ёки юридик хато таъсирида, қонунийлиги ёки ғайриқонунийлиги аён бўлган фармойишни бажариш жараёнида эришиш ҳоллари ҳам аҳамиятга эга бўлиши мумкин¹². Шунга ўхшаш гапни бошланғич жиноий фаолият, жиноятни содир этишдан илтифат қайтиш ҳақида ҳам айтиш мумкин. Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги муаммосига иштирокчилик институти яқин туради. Муайян шароитларда жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларнинг маълум қисми эътиборга олиниши мумкин. Уларнинг орасида, бир томондан, биринчи марта жиноят содир этиш, бошқа томондан эса, бир нечта жиноятни такроран содир этиш ва ҳоказолар бор.

Юридик шахсларнинг жиноятнинг субъекти деб эътироф этиш тарафдорлари ва муҳолифлари нуқтаи назарларининг таҳлили куйидаги хулосаларга келиш имконини беради.

Биринчидан, мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг йилдан йилга такомиллаштириб борилиши, жамиятда шахслар ўртасидаги муносабатларда юридик шахсларнинг ўрни ва кўлами кескин ошиб бораётганлиги, ўз навбатида юридик шахслар томонидан (уларнинг вакиллари тимсолида бўлса-да) давлат ва жамиятга зарар етказиш ҳолатларининг ҳам ошиб бориши кузатилмоқда. Бу эса, юридик шахсларнинг мансабдор шахсларига, шу билан биргаликда юридик шахсларнинг ўзларига нисбатан ҳам юридик жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

“Темур тузуклари”дан

Жумладан, бирор ташкилотнинг экологик қонун ҳужжатларига риоя қилмаганлиги оқиба-тида атроф-муҳитга жуда кўп миқдорда зарар етказиш ҳолатларига нисбатан мансабдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилгани ҳолда, юридик шахсларнинг етказилган зарар учун жавобгарлик фақат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Аммо белгиланган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мазкур ҳолатга нисбатан самарадорлиги, ўйлашимизча, нисбатан паст. Соҳа мутахассисларидан Ш.Қобилоннинг таъкидлашича, бугунги кунда ҳаракатлардаги қонунларимизда атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жиноий жазоларнинг самарадорлиги жуда пастдир, ҳатто суд амалиётида экологик жиноятлар учун зарар миқдорини аниқлаш тажрибаси деярли йўқ¹³. Шундай экан, экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, шу билан биргаликда бошқа ўзига хос соҳаларда юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгилаш зарурати мавжуд. Қолаверса, кишилик тараққиётининг ҳозирги босқичида жамият бозорнинг трансмиллий корпорациялар томонидан монополиялашуви, ишлаб чиқаришда, транспортда ва кундалик ҳаётда инсон ҳуқуқлари, техника хавфсизлиги қоидалари бузилишининг салбий оқибатларидан деярли ҳимоясиз ҳолатга тушиб қолди. Мазкур муаммоларнинг битта ечими сифатида, биз, жиноят қонунида юридик шахслар жиноий жавобгарлиги институтининг жорий этилишини кўриб чиқиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, аксарият ривожланган хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини ўрганиш юридик шахслар учун жиноий жавобгарлик белгиланиши ҳолатининг самарали эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан биргаликда, кўплаб халқаро ҳужжатларда ҳам юридик шахслар учун жиноий жавобгарлик белгилаш талаби мавжуд. Жумладан, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенциянинг 10-моддасига асосан, ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ҳуқуқий тамойилларини ҳисобга олиб, уюшган жиноий гуруҳларга дахлдор юридик шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутмоғи даркор¹⁴. Бу борада ушбу Конвенцияга қўшилмаган ҳар бир давлат қўшилиш тadbирларини кўриб, ўз қонунчилигида Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига дахлдор юридик шахсларни жавобгарликка тортишнинг миллий-ҳуқуқий асосларини яратиши шартдир¹⁵. Шунингдек, БМТнинг "Коррупцияга қарши конвенцияси"нинг 26-моддаси "Юридик шахсларнинг жавобгарлиги" деб номланади ва унда қуйидагилар белгиланган: 1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ҳуқуқий принцип-ларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳара-



катларда иштироки учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради. 2. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги, иштирокчи Давлатнинг ҳуқуқий принципларига риоя қилиш шартида, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий бўлиши керак. 3. Бундай жавобгарликнинг юқлатилиши жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлигига зарар етказмайди. 4. Ҳар бир иштирокчи Давлат, хусусан, ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка тортилаётган юридик шахсларга нисбатан самарали, мутаносиб ва тўхтатувчи таъсирга эга бўлган жиноий ёки жиноий бўлмаган чоралар, шу жумладан пуллик жарималар қўлланилишини таъминлайди¹⁶.

Мазкур масала юзасидан махсус тадқиқотлар олиб борган Р.Зуфаров, Б.Ахраров ва У.Мирзаевлар "Конвенциянинг 24-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда коррупциявий жиноятларда иштироки учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини жорий этиш керак"¹⁷, деган хулосага келишган.

Бизнингча ҳам мазкур хулоса ўринлидир. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 2-бобида (Кодекснинг амал қилиш доираси) ЖКнинг юридик шахсларга нисбатан ҳам амал қилиш доирасини белгилаш, "Юридик шахсларнинг жавобгарлиги" деб номланган 17¹-моддани киритиш, унда қайси жиноят турлари учун юридик шахсларга нисбатан жавобгарлик белгилаш мумкинлигини аниқ кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, амалдаги жиноий жазо тизими фақат жисмоний шахслар учун мўлжалланган бўлиб, уларни хусусияти, мезонлари ва шартларини юридик шахсларга нисбатан татбиқ этиш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабдан, агар жиноят қонунига юридик шахсларнинг жавобгарлиги институтини киритиш таклифини билдириш, ўз навбатида уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазо тизимини ҳам кўриб чиқишни талаб қилади.

Бизнингча, ЖК 43-моддасини қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Жиноят содир этишда айбли деб топилган юридик шахсларга нисбатан қуйидаги жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян фаолият билан шувулланишни тақиқлаш;
- в) юридик шахсни тугатиш”.

Ўз навбатида, ЖК 43-моддаси биринчи қисмига “Жиноят содир этишда айбли деб топилган” сўзларидан сўнг, “жисмоний” сўзини киритиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, амалдаги жиноят қонунига мувофиқ, юридик шахслар учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши жазодан кўзланган мақсадга эришиш имконини бермайди. ЖК 42-моддаси иккинчи қисмига кўра, “жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”. М.Усмоналиев таъбири билан айтганда, “юридик шахсларга нисбатан бундай мақсадларни қўйиб бўлмайди, уларга ана шу мақсадларни амалга оширишнинг таъсир чораларини ҳам қўлланиши мумкин эмас”¹⁸. Демак, жиноят қонунига юридик шахсларнинг жавобгарлиги институти киритилар экан, бу ҳолат жиноий жазодан кўзланган мақсадларни ҳам кўриб чиқиш заруратини юзага келтиради. Дарҳақиқат, амалдаги қонунда белгиланган мақсадлар фақат жисмоний шахсларгагина қўйилиши мумкин.

Шу сабабдан, ЖК 42-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш тақлиф қилинади:

“Юридик шахслар учун тайинланадиган жазо жиноят оқибатини бартараф этиш, жиноий фаолиятнинг давом этишига тўсқинлик қилиш ҳамда янги жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”.

Ўз навбатида, ЖК 42-моддаси иккинчи қисмидаги “жазо” сўзини “Жисмоний шахслар учун тайинланадиган жазо” сўзлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкин, бугунги кунда ижтимоий муносабатлар субъектлари фаолиятидаги кескин ўзгаришлар, жамият ва давлат ҳаётида юридик шахсларнинг ўрни ва кўламининг кескин кенгайиши, улар томонидан содир этилаётган қонунга хилоф қилмишларнинг ортиши ва етказиладиган зарар миқдорининг юқори эканлиги, ўз навбатида, шундай муаммоларни ечиш юзасидан кўплаб илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси, амалдаги халқаро ҳужжатлар талаби мамлакатимизда юридик шахслар учун жиноий жавобгарлик институти жорий этиш заруратини кўрсатади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иванов В.Д. Уголовное право. Общая часть. Учебник. – Ростов-на-Дону, 2002. – С. 88.
2. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 232.
3. Пионтковский А.А. Учение о преступлении по советскому уголовному праву. – М., 1961. – С. 252.; Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. Учебник под ред. Б.В.Здравомыслова. – М., 1996. – С. 203.
4. Уголовный кодекс Швейцарии 1937 года (по состоянию на апрель 2002 года). – СПб., 2002. – С. 151.; Уголовный кодекс Японии 1995 года (по состоянию на 1 января 2002 года). – СПб., 2002. – С. 52.; Спасеников Б.А. Проблемы субъекта преступления в уголовно-правовом регулировании. Монография. Часть 1. – Архангельск, 2001. – С. 16–17.
5. Волженкин Б.В. Уголовная ответственность юридических лиц. – СПб., 1998. – С. 18–19.; Крылова Н.Е. Уголовная ответственность юридических лиц во Франции: предпосылки возникновения и основные черты // Вестник Московского университета. 1998. №3. – С. 69.; Антонова Е.Ю. Юридическое лицо как субъект преступления: опыт зарубежных стран и перспективы применения в России. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Владивосток, 1998. – С. 38.; Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве. – СПб., 1999. – С. 78–81.; Уголовное законодательство Норвегии 2002 года. – СПб., 2003. – С. 75–76.; Уголовный кодекс Австралии 1995 года. – СПб., 2002. – С. 89.; Уголовный кодекс Литовской республики 2000 года. – СПб., 2003. – С. 133–134.
6. Крылова Н.Е. Уголовная ответственность юридических лиц во Франции: предпосылки возникновения и основные черты // Вестник Московского университета. 1998. №3. – С. 69–80.
7. Кузнецова Н.Ф., Цзян Хуэйлинь. Реформа уголовного законодательства Китая // Вестник Московского университета. 1998. №4. – С. 65–76.
8. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Учебник. – М., 1997. – С. 137.
9. Такэхито Сонэ. Теория и практика хозяйственного уголовного права в условиях рыночной экономики Японии // Вестник Московского университета. Серия 11 «Право». 1998. №4. – С. 77–83.
10. Наумов А.В. Уголовный закон в условиях перехода к рыночной экономике // «Советское государство и право». 1991. №2. – С. 28–35.; Никифоров А.С. Об уголовной ответственности юридических лиц // «Уголовное право: новые идеи». – М., 1994. – С. 43–49.; Келина С.Г. Ответственность юридических лиц в проекте нового Уголовного кодекса Российской Федерации // «Уголовное право: новые идеи». – М., 1994. – С. 50–60.
11. Картье Р. Тайны войны. После Нюрнберга. Загадки Третьего рейха. – М., 2005. – С. 35.
12. Никифоров Б.С. Юридическое лицо как субъект преступления // Уголовное право. 2000. – С. 52–53.
13. Қобилов Ш. Экология қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлики такомиллаштириш муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2002. – Б. 117.
14. Конвенция против транснациональной организованной преступности. – М.: Норма-М, 2002. – С. 6.
15. Маткаримова Г.А. Халқаро жиноят ҳуқуқи: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: И.М.Умаррахунов. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 64.
16. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.). 24-ст.
17. Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик: Монография. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 168.
18. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 234.

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИДА “МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚЎЛЛАНИЛИШИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР



Жўрабек НЕМАТОВ,
ТДҶУ Маъмурий ва
молия ҳуқуқи кафедраси
доценти, юридик
фанлар доктори

2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг (бундан кейинги ўринларда МТТт Қонун) қабул қилиниши билан маъмурий ҳуқуқ соҳасида янги давр бошланди, десак муболаға бўлмайди¹. Чунки ушбу қонун ривожланган хорижий давлатлар стандартлари даражасида ҳамда миллий қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг энг замонавий қоидаларини мамлакатимизда жорий этди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниш тарихи ҳамда ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги таҳлилларни² умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, қонуннинг қабул қилиниши осон кечмаган, мураккаб назарий, амалий саволларни юзага келтирган. Бироқ, натижада МТТт Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон маъмурий ҳуқуқининг ривожланишида янги даврни бошлаб берди дейиш мумкин.

Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини бундан кейин ривожлантириш билан боғлиқ бир неча йўналишларни келтириб ўтиш мумкин³. Мазкур мақолада уларнинг айримлари, хусусан, маъмурий судлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини МТТт Қонунга мувофиқлаштириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий қоидаларини суд амалиётида қўллашга доир зарур чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилади.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг хусусияти шундаки, улар маъмурий органларнинг маъмурий ҳужжатни (бундан кейинги ўринларда маъмурий акт) қабул қилиш билан боғлиқ бир хил процессуал қоида ва стандартларини белгилайди. МТТт қонун қабул қилингунига қадар бундай бир хил қоида ва стандартлар мавжуд бўлмаган.

Бундан ташқари, маъмурий тартиб-таомиллар маъмурий шикоят ва маъмурий судлов институтлари учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. МТТт қонуннинг қабул қилиниши билан эндиликда юқори турувчи органлар ва маъмурий судлар томонидан маъмурий органларнинг маъмурий актларига нафақат моддий, балки процессуал қоидалар асосида ҳам тегишли ҳуқуқий баҳо бериш имкони кенгайди. Процессуал қоидаларга риоя этмаганлик маъмурий актнинг мазмунига таъсир этадиган бўлса, юқори турувчи орган ёки маъмурий суд томонидан бекор қилиниши, қонунга хилоф деб топилши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, мазкур маъмурий актларнинг бекор қилиниши, ўзгартирилишига олиб келади ёки ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги эътироф этилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий ор-

ганлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарорининг 20-бандида “маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя этилган-этилмаганлигини, башарти норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай талаблар (шакл, муддатлар, асослар, тартиб-таомил ва ҳ.к.) белгиланган бўлса. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя қилмаслик, фақат, башарти бу ҳолат унинг қонунийлигига таъсир қилган ҳолдагина, аризани (шикоятни) қаноатлантириш учун асос бўлиши мумкин” лиги келтириб ўтилган. МТТт қонуннинг 19-моддасига кўра “Маъмурий ҳужжатлар ва маъмурий ҳаракатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг принципларига мувофиқ бўлиши керак. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиқлик маъмурий ҳужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқишига олиб келади”.

Шунга кўра, МТТт қонуннинг асосий процессуал қоидалари, жумладан, асосий принципларни қўллаш (5-19-моддалар), маъмурий иш юритишда ҳолисликни таъминлаш (31-32-моддалар), маъмурий иш юритишда процессуал муддатларни (36-модда) ва тегишли тарзда хабардор қилиш (33-модда) қоидаларини бузиш, маъмурий акт мазмуни, маъмурий актни асослантириш (53-54-моддалар) ҳамда маъмурий актни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топилш (59-модда)га оид қоидаларини бузиш тегишли қарорлар қонунийлигига жиддий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар бўлиб ҳисобланади.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг маъмурий судлов ишларини юритиш билан боғлиқлиги хусусида бир қанча ҳуқуқшунослар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Жумладан, О.В. Морозованинг таъкидлашича, маъмурий тартиб-таомиллар қоидалари маъмурий судлов билан боғланмаса, қувватланма-



са, декларатив қоидалар бўлиб қолади. Шунинг учун ушбу икки институтнинг алоқаси жуда кучли⁴.

М.О. Ефремов ҳам ўз илмий ишида маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий судлов ишларини ўзаро боғлиқ институтлар сифатида таҳлил қилишини кўриш мумкин⁵.

А.А. Никольскаянинг таъкидлашича, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик ишлаб кетиши учун тегишли суд амалиётини ривожлантириш ва маъмурий амалиётни шу орқали тўғрилаб бориш жуда муҳим⁶.

Н.Саванович ҳам маъмурий тартиб-таомилларнинг батафсил ёритилиши муайян бир ишда тегишли расмий қоидаларга риоя этилганини текшириш имконини беришини таъкидлайди. Чунки, бундай қоидаларга амал қилмаслик қабул қилинган қарорнинг бекор қилинишига асос бўлади. Маъмурий тартиб-таомилларни текширадиган тизим маъмурий судлов ишларини юритишдир⁷.

Й. Пуделька ҳам маъмурий ҳуқуқда икки асосий қонун – маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун ва оммавий-ҳуқуқий низолар юзасидан суд иш юритуви тўғрисидаги процессуал қонун мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини келтириб ўтган⁸.

Республикамиз олимларидан И.А. Хамедов, Л.Б. Хван ва И.М. Цай маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий судлов (маъмурий юстиция) институтларининг мақсади бир хиллигини ва улар ўзаро яқин алоқада эканлигини таъкидлашади⁹.

Бу борада Е.С. Канъязов ҳам МТТ қонун нормаларини муваффақиятли амалга ошириш омили сифатида маъмурий судлов институтининг марказ ва жойларда сифатли ва объектив фаолият юритишига боғлиқлигини кўрсатиб ўтган¹⁰.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий судлов институтларининг боғлиқлиги қуйидагиларда ҳам кўринади.

Аввало, маъмурий судлар маъмурий иш юритувда маъмурий тартиб-таомиллар принципларига тўлиқ риоя этилганлигини текширади. Бу борада ҳуқуқшунос К. Давидовнинг таъкидлашича, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунни қабул қилишнинг ўзи етарли эмас. Судлар ҳам ўзгариши керак. Фақат “соф” қонунийлик нуқтаи назаридан эмас, балки маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий ҳуқуқнинг мақсадга мувофиқлик, оқилоналик, асосланганлик каби бошқа принципларига ҳам эътибор қаратилиши лозим¹¹.

Иккинчидан, маъмурий иш юритишнинг бошланиши, холисликни таъминлаш, аризани кўриб чиқиш муддатларига риоя этилаётгани, манфаатдор шахслар ҳуқуқларига риоя этилганлиги, маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш ва тиклаш билан боғлиқ бошқа процессуал қоидаларга риоя этилганлиги текширилади¹².

Таъкидлаш жоизки, суд томонидан текшириладиган муҳим масалалардан яна бири маъмурий актни қабул қилиш, асослантириш ва унинг ҳақиқийлигига оид процессуал қоидалардир.

Суд юқоридаги барча процессуал қоидаларга риоя этилганлигини текшириб бўлгач, маъмурий актнинг қонунийлигига ҳуқуқий баҳо беради. Бундай ҳолларда суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризаچининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади (Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси).

МТТ қонунни суд амалиётида қўллаш бугунги куннинг долзарб ҳуқуқий муаммоларидан бири ҳисобланади дейишимиз мумкин. Амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаги, мамлакатимиз маъмурий судлари шартли равишда айтганда, МТТ қонун нормаларини ўз амалиёти ва тегишли суд ҳужжатларида биринчи тоифа – фаол тарзда, иккинчи тоифа – эҳтиёткорлик билан ва учинчи тоифа – умуман қўлланмасдан келмоқдалар.

Биринчи тоифа – МТТ қонунни ўз амалиёти ва тегишли суд ҳужжатларида фаол тарзда қўллаётган маъмурий судлар қонуннинг 1, 4, 5, 9, 24, 59, 60-моддаларини ўз қарорларини асослантиришда фойдаланишган. Жумладан, ҳоким қарорига нисбатан келтирилган прокурор протестини ҳоким томонидан қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш жараёнида манфаатдор шахс иштироки таъминланмагани ва тегишли тарзда хабардор қилинмагани МТТ қонуннинг 9-моддасида “тинглианиш имкониятининг мавжудлиги принципи” бузилишига сабаб бўлгани қайд этилган. Бу эса ўз навбатида, манфаатдор шахснинг ҳуқуқларини жиддий бузилиши ва натижа ўлароқ маъмурий суд томонидан тегишли қарорнинг ҳақиқий эмас деб топиллишига асос бўлган.

Иккинчи тоифа – тегишли иш юзасидан МТТ қонун нормаларини кенг қўллаш имкони мавжуд бўлган ҳолда, МТТ қонуннинг 4-моддасидаги айрим тушунчаларга, жумладан, маъмурий орган, маъмурий-ҳуқуқий фаолият кабиларга мурожаат қилиш билан чекланган. Шунинг учун ҳам бундай маъмурий судлар МТТ қонунни амалиётда қўллашда эҳтиёткорона муносабатда бўлмоқдалар дейишимиз мумкин. Зеро, улар МТТ қонунни амалда қўллаш мумкинлигини ҳам инкор этмаган ҳолда, қонунни чекланган доирада қўллашни маъқул кўришмоқда.

Учинчи тоифа – гарчи МТТ қонун аксарият низоли ишларда, жумладан, “маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ” (МТТ қонуннинг 3-моддаси) этилишини билсалар-да, негадир МТТ қонунни суд амалиётида қўллашга шошилишмаяпти дейишимиз мумкин.

Бу эса мазкур органлар қарорларининг МТТ қонун талабларига номувофиқлигини келтириб чиқармоқда. Албатта, бундай шароитда маъмурий органларнинг аксарият қарорлари МТТ қонун нормаларига амал қилинмагани боис ноқонуний бўлиши эҳтимоли юзага келади. Шунга кўра, мазкур муаммоли ҳолатни маълум маънода бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сонли фармони билан бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилаб олинди.

Жумладан, фармонга мувофиқ, маъмурий тартиб-таомиллар соҳасини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида мунтазам равишда такомиллаштириб бориш; Адлия органлари ва муассасалари тизимини ривожлантиришнинг мақсадлари ва устувор йўналишларининг бири сифатида маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш белгилаб олинди. Фармон билан, шунингдек, Адлия вазирлигида янги бошқарма – “Маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва мониторингини юритиш бошқармаси” ташкил этилди ҳамда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар” тасдиқланди.

Бир сўз билан айтганда, Президент фармони билан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий принциплари ва нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шундай экан, бу борада маъмурий судлар ҳам МТТ қонуннинг амалиётда бир хилда ва тўғри қўлланилиши устидан тегишли суд назоратини амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги ишларни янада фаоллаштириш мақсадида Олий суд Пленумининг “Маъмурий суд ишларини юритишда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунни қўллаш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорини қабул қилиш таклиф этилади. Мазкур Пленум қарорида маъмурий судлар томонидан мақолада санаб ўтилган МТТ қонундаги бир қанча муҳим процессуал қоидаларнинг суд жараёнида текширилиши ва тегишли ҳуқуқий баҳо берилишига эътибор қаратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги УРҚ-457-сонли қонуни (Кучга кириш санаси 10.01.2019. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018. – 03/18/457/0525-сон).
2. Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования: Материалы межд. конф. (29–30 сентября 2007 года) / Отв. ред. М. Х. Рустамбаев и др. – Ташкент: Konsauditinform- nashr, 2008.
3. Қаранг.: Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил: Монография. – Т.: Lesson Press, 2018. – 333 б.; Nematov J. “O‘zbekiston Respublikasida ma‘muriy protseduralarni takomillashtirish. Ma‘muriy huquq asoslari: qiyosiy-huquqiy tahlil (ma‘muriy faoliyatni tashkil etish bosqichlari). (o‘quv qo‘llanma). – Т.: 2015. – В.163.; Нематов Ж. Некоторые вопросы применения принципов соразмерности и возможности быть выслушанным в административных процедурах Республики Узбекистан // Правосудие. – 2020. – № 5. – Б. 61–66.; Нематов Ж. Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принципларини суд амалиётида татбиқ этишнинг долзарб масалалари. // Одил судлов журналы. – 2019. – № 8. – Б. 42–47.; Нематов Ж. Ўзбекистон маъмурий процедуралар қонунчилик асосларининг таҳлили (маъмурий актни суд амалиётида қўллаш мисолида) // Ҳуқуқий тадқиқотлар журналы. – 2019. – № 9. – Б. 60–69.; Нематов Ж. Маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқ институтини сифатидаги илмий-назарий таҳлили // Ҳуқуқий тадқиқотлар журналы. – 2019. – № 7. – Б. 12–27.; Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар қонунчилик асослари вужудга келишининг умумий тавсифи // Ҳуқуқий тадқиқотлар журналы. – 2019. – № 4. – Б. 38–53.; Нематов Ж. Ўзбекистон ҳудудида маъмурий процедуралар ҳуқуқий асосларининг тарихий ривожланиш динамикаси (совет даври мисолида) // Ҳуқуқий тадқиқотлар журналы. – 2019. – № 2. – Б. 20–28.; Нематов Ж. Маъмурий акт қонунчилиги шартлари ва маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) даги хатолар // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2020. – № 2. – Б. 4–9.; Нематов Ж. Маъмурий суд иш юритувида судловга тааллуқлик // Одиллик мезони. – 2020. – № 6. – Б. 48–51.
4. Морозова О. В. Административные процедуры в РФ, США, ФРГ: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2010. – Б. 158.
5. Ефремов М. О. Административные процедуры как форма реализации компетенции органов публичной власти во взаимоотношениях с частными лицами: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – Б. 11–12.
6. Никольская А. А. Административные процедуры в системе публичного управления (проблемы административно-правового регулирования): Дис. ... канд. юрид. наук. – Воронеж, 2007. – Б. 69.
7. Саванович Н. Соотношение законодательства об административных процедурах и законодательства об обращениях граждан в Беларуси и в зарубежных странах // Ежегодник публичного права 2017: Усмотрение и оценочные понятия в административном праве. – М.: Инфотропик Медиа, 2017. – Б. 446.
8. Пуделька Й. Право административных процедур и административно-процессуальное право в государствах Центральной Азии – краткий обзор современного состояния // Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. – М.: Инфотропик Медиа, 2015. – С. 46.
9. Хамедов И. А., Цай И. М. Институт административных процедур в свете реформирования административно-процессуального права в Узбекистане // Ежегодник публичного права – 2014: Административное право: сравнительно-правовые подходы. – М.: Инфотропик Медиа, 2014. – С. 396.; Хван Л.Б. Принципы административных процедур в странах Центральной Азии (сквозь призму OECDchecklist) // Ежегодник публичного права 2018: Принципы административных процедур и административного судопроизводства. – М.: Инфотропик Медиа, 2018. – С. 165.
10. Каньязов Е. С. Эффективность и правовое качество административных процедур // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2018. – № 3. – С. 7.
11. Давыдов К. Административное усмотрение и законодательство об административных процедурах: проблемы теории и судебной практики (сравнительно-правовой анализ) // Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. – М.: Инфотропик Медиа, 2015. – С. 415.
12. Игнатенко В. В. Правовое качество законов об административных правонарушениях: теоретические и прикладные проблемы: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Екатеринбург, 1999. – С. 29, 79–138; Никольская А. А. Кўрсатилган асар. – Б. 158–161.

**Косим АБЕЗОВ,**

Тошкент вилояти Зангиота туманлараро иқтисодий судининг судьяси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Шерзод Гофуров,**

Навоий вилояти Зарафшон туманлараро иқтисодий судининг раиси

ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССДА АДВОКАТГА ИШОНЧНОМА ЗАРУР(МИ)?

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада иқтисодий суд иш юритувида вакиллик институти билан боғлиқ айрим баҳсли масалалар тўғрисида сўз юритилиб, иқтисодий процессда адвокатнинг вакил сифатида иштироки учун ордер ва ишончноманинг аҳамияти қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, иқтисодий процессда адвокатнинг ваколатларини аниқлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, миллий қонунчиликка муайян таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: иқтисодий суд, вакиллик, адвокат, ордер, ишончнома, юридик ёрдам.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены некоторые спорные вопросы, связанные с институтом представительства в экономическом судопроизводстве, и сравнительно анализируется важность ордера и доверенности для участия адвоката в качестве представителя в экономическом процессе. Также изучается опыт зарубежных стран в определении полномочий адвоката в экономическом процессе и даны конкретные рекомендации национальному законодательству.

Ключевые слова: экономический суд, представительства, адвокат, ордер, доверенность, юридическая помощь.

ANNOTATION

This article discusses some controversial issues related to the institution of representation in economic proceedings, and compares the importance of warrants and powers of attorney for the participation of a lawyer as a representative in the economic process. The experience of foreign countries in determining the powers of a lawyer in the economic process is also studied and specific recommendations are given to national legislation.

Keywords: economic court, representative office, lawyer, warrant, power of attorney, legal assistance.

Ривожланган давлатларда адвокатнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни анча юқори ҳисобланади. Юртимизда ҳам ҳуқуқий демократик давлатни куришга ҳаракат қилар эканмиз, адвокатура тузилмалари, унинг вакиллари фаолияти тўғрисида, шунингдек фуқаролик жамиятидаги роли ҳақида фуқароларда тўғри тасаввур шакллантирилиши лозим. Шунинг учун адвокатура фуқаролик жамиятининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади ва давлат бошқаруви органлари тизимига киритилмаган мустақил тузилмадир.

Иқтисодий судлар (бундан буён матнда суд деб юритилади)га даъво ариза, ариза ва далиллар тақдим этиш, низо доирасида турли мазмундаги илтимосномалар билан мурожаат қилиш, даъвони исботлаш ва унга қарши эътироз билдиришда вакиллик институтининг аҳамияти юқоридир.

Шартнома бўйича вакилликнинг бири ҳисобланган адвокатларнинг ўз хизмат вазифаларига профессионал равишда ёндашиб, суд мажлисларида малакали тарзда иштирок этиб келиши суд жараёнларининг жозибадорлигини оширади. Албатта, мазкур ижобий ютуқлар мамлакатимизда адвокатура институтига такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига кўра, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Таъкидлаш ўринлики, ўз устида доимий ишлайдиган, билимли, тажрибали ва низонинг моҳиятига нисбатан тўғри позиция танлай оладиган адвокатларнинг профессионаллиги даъво аризасини процессуал жиҳатдан тўғри расмийлаштириш, даъвонинг асоси ва предмети га нисбатан аниқ ёндашиш, илтимосномалар билан мурожаат қилиш, даъвони асослаш ёки унга қарши эътироз билдириш каби ҳаракатларда кўринади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан бўён матнда ИПК деб юритилади) 61-моддасида судда вакил сифатида ишларни юритиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкинлиги назарда тутилганлиги бежиз эмас, албатта.

Бироқ, тан олиш лозимки, бугунги кунда иқтисодий суд ишларини юритишда адвокатнинг иштироки масаласида айрим мунозарали ҳолатлар мавжудки, ушбу мақолада мазкур ҳолатлар юзасидан хулосалар билдирилади.

Хусусан, суд мажлиси жараёнида айрим ҳолларда адвокат суд муҳокамасида иштирок этиши учун процессуал ваколатлари борлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида фақатгина адвокатлик ордери тақдим этиб, барча ҳуқуқ ва ваколатлар адвокатлик ордери билан берилганлигини маълум қилади. Бунинг учун муайян асослар бор, албатта, чунки жиноят ишларида иштирок этганда мазкур ордернинг тақдим этилиши етарли эканлигини кўришимиз мумкин.

Хўш, адвокат учун иқтисодий иш юритишда барча процессуал ваколатлар адвокатлик ордери билан берилгани ёки уларга қўшимча равишда ишончнома расмийлаштирилиши зарурми, агарда зарур бўлса, унинг адвокат учун қанчалик аҳамияти бор, адвокатдан иқтисодий суд иш юритишда адвокатлик ордери билан бир қаторда ишочнома ҳам сўралиши уларнинг профессионал фаолиятига ва эркинлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмайдими?

Қуйида мазкур ҳолатларга атрофлича ва ҳолисона жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасида ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс эканлиги, ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкинлиги, адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилиши назарда тутилган бўлиб, бу орқали адвокатларга жиноят иши юритишнинг исталган босқичида ҳимоячи сифатида иштирок этиш механизмини соддалаштириш йўли билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имконини беради ҳамда ҳимоя остидаги шахсни бўлиши мумкин бўлган турли кўринишдаги тазйиқ ва босимлардан сақлаб қолади. Шунингдек, маълум бир тоифадаги ишлар борки, мазкур ишларда ҳимоячининг ишда иштирок этиши шарт эканлиги жиноят-процессуал қонунчилигида алоҳида белгиланган.

ИПК 61-моддасига мувофиқ, агар қонунда бу бевосита назарда тутилмаган бўлса, қуйидагилар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллар бўлиши мумкин:

- 1) адвокатлар;
- 2) юридик шахсларнинг ходимлари — шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича;
- 3) нотижорат ташкилотларининг ваколатли вакиллари — шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;
- 4) қонунда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларининг ваколатли вакиллари;
- 5) биргаликдаги процессуал иштирокчилардан бири бошқа биргаликдаги иштирокчиларнинг топшириғи бўйича;
- 6) ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига биноан суд томонидан рухсат берилган бошқа шахслар.

Судда вакил сифатида ишларни юритиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин.

Юқоридагилардан кўринадики, жиноят-процессуал қонунчилигидан фарқли равишда иқтисодий процессуал қонунчиликда адвокатнинг иқтисодий суд мажлисларида иштирок этиши мажбурий эканлиги назарда тутилмаган ва у ихтиёрийликка ҳамда тарафларнинг хоҳиш-иродасига асосланади.

Ишончноманинг расмийлаштирилганлиги адвокатга уни вакил қилган шахс номидан қандай процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилганлигини ҳамда судда иш юритиш ваколатлари мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, ИПК 62-моддасида вакилнинг (эътиборли жиҳати адвокатлар ҳам иқтисодий суд мажлисларида вакил сифатида иштирок этади) судда иш юритишга доир ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада кўрсатилган бўлиши кераклиги қайд этилган.

Мисол учун, иқтисодий иш муҳокамаси жараёнида даъвогарнинг жавобгарга нисбатан қарздорлик суммасини ундириш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш тўғрисида адвокат томонидан имзоланган ариза тақдим қилинганда суд, аввалам-



бор, мазкур вакилда даъводан воз кечиш ваколати ишончномада махсус назарда тутилганлигини текширади. Агарда мазкур ваколат ишончномада адвокатга берилган бўлса, ариза ваколатли вакил томонидан берилган ҳисобланиб, мазмунан кўриб чиқилади, агарда ушбу ваколат берилмаган бўлса, аризани қаноатлантириш рад этилади.

Худди, шунингдек, даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлик судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвони тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битими, медиация тартиб-таомилни амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёки медиатив келишувни тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризани имзолаш (суд ҳужжатининг мажбурий ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулкни ёки пулни олиш мустасно) каби ваколатлар ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши лозимлиги ИПК 63-моддасида назарда тутилган.

Бундан ташқари, ИПКнинг 62-моддасида шартнома бўйича вакил сифатида ҳаракат қилувчи шахс (бундан адвокат мустасно) ишончномадан ташқари судга шартнома бўйича вакил мақомини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши белгиланганлиги ҳам вакил сифатида суд муҳокамасида иштирок этаётган адвокат томонидан ишончнома тақдим этишлари шартлигини билдиради.

Ушбу ҳолатда адвокат шартнома бўйича вакил сифатида ҳаракат қилганда, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)ни тақдим этиши шарт эмаслиги белгиланмоқда, бироқ ишончнома тақдим этилишига оид талабнинг адвокат иштироки учун кераклиги масаласи бу ўринда яна очиқ қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 13-сонли қарорида белгиланишича, ҳуқуқий маслаҳатхона ёки адвокатлик ҳайъати (бюроси, фирмаси) томонидан берилган ордер адвокатга ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради, бироқ у ишончноманинг ўрнини босмайди ҳамда адвокатга ИПКнинг 63-моддасида махсус назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини бермайди.

Амалиётда Пленум қарори ушбу нормасининг ўзи ҳам икки хил талқин қилинади. Хусусан, судлар ордер адвокатга ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради, бироқ у ишончноманинг ўрнини босмайди деган ваз билан ордердан ташқари ишончнома ҳам тақдим этиш талабини

қўяди. Адвокатлар эса ўз навбатида, ишончнома фақат ИПК 63-моддасида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учунгина кераклигини таъкидлашади.

Демак, иқтисодий суд иш юритувида адвокат иштироки масаласида иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиларида турли хил ёндашув мавжуд.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига кўра, муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади. Адвокат, тараф сифатида, суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Мазкур қонуннинг 7-моддасига асосан адвокатлик фаолиятини амалга оширишда бирон бир махсус рухсатнома (ордер ва адвокат гувоҳномасидан ташқари) талаб қилиш ёки бошқа тўсиқлар вужудга келтириш ман этилади.

Фикримизча, фуқаролик ишлари бўйича судларда адвокат иштироки ва унинг процессуал ваколатлари чегараси бирмунча содда ва аниқ кўринишда тартибга солинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг 13-бандида баён этилишича, адвокат ишга киришуви учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлар тузилмаси томонидан берилган ордер тақдим этилиши кифоя бўлиб, у адвокатга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган шахс манфаатларини судда ҳимоя қилиш ҳуқуқини (ФПК 69-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари) беради.

Таҳлилларга чуқурроқ ёндашув ва миллий қонунчиликда муайян таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида хорижий мамлакатларда ушбу масалага қандай ёндашилганини ўрганиш мақсадга мувофиқ, наздимизда.

Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 61-моддасига асосан арбитраж суд иш юритувида адвокатнинг ваколатлари федерал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади. Россия Федерацияси “Адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги Федерал қонунининг 6-моддасига кўра адвокатнинг ваколатлари ордер билан тасдиқланади. Бошқа ҳолларда адвокат ишонч билдирувчига ишончнома асосида вакиллик қилади.

Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодекси 53-моддасининг бешинчи қисмига кўра, судда адвокатнинг вакил сифатидаги иштироки тегишли адвокатлик тузилмаси томонидан берилган ордер билан тасдиқланади. Бошқача қилиб айтганда, агар Россия Федерацияси Фуқа-

ролик процессуал кодексининг 53-моддасида ёзилгани каби аниқ тартиб белгиланган бўлмаса, арбитраж процессида вакил сифатида адвокат иштироки учун ишончнома зарур ҳисобланади¹.

Россия Федерацияси Олий арбитраж суди Пленумининг 2002 йил 9 декабрдаги “Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодексини амалга киритиш билан боғлиқ айрим масалалари тўғрисидаги” 11-сонли қарорининг 11-бандида тушунтириш берилишича, Россия Федерацияси “Адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги Федерал қонунининг 6-моддаси иккинчи қисмига асосан адвокат ишонч билдирувчига ишончнома асосида вакиллик қилади, федерал қонунларда белгиланган бошқа ҳолларда эса тегишли адвокатлик тузилмаси томонидан берилган ордер асосида вакиллик қилади.

Кўриб турганимиздек, Россия Федерацияси қонунларида арбитраж суд иш юритувида ҳам адвокатнинг процессдаги иштироки учун ордер ва ишончноманинг чегараси аниқ белгиланмаган. Хусусан, адвокатнинг тегишли равишда расмийлаштирилган ордери бўлган ҳолда ишончномаси йўқлиги сабабли суд процессига қўйилмагани амалиётда тез-тез учраб турадиган муаммолардан бири ҳисобланади².

Энг қизиғи, биринчи инстанциянинг ушбу ҳаракати назорат инстанциясида ҳам қўллаб-қувватланган ва судда адвокатнинг ваколатларини тасдиқловчи, тегишли равишда расмийлаштирилган ишончноманинг тақдим этилмаганлиги сабабли унинг иштирокига йўл қўйилмаганлиги асосли деб топилган³.

Аксарият ҳолларда, Россия Федерацияси Олий арбитраж суди адвокат томонидан ишончнома тақдим этилмаганда унинг суд мажлисида иштирок этишига йўл қўйилмаслигини асосли деб ҳисоблайди⁴.

Қонун нормаларининг ноаниқлигига эътибор қаратган Е.А. Трешёва арбитраж процессида адвокат ваколатларини тасдиқлаш учун ордернинг тақдим этилиши ноқонуний ҳолат деб баҳолайди ва адвокат ишда иштирок этиши учун ўз ваколатларини ишончнома билан тасдиқлаши лозимлигини таъкидлайди⁵.

Бу фикрларга қарши чиққан ҳолда Н.Г. Лившиц, агар адвокат арбитраж судига қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ордер тақдим этса, унинг вакил сифатидаги ваколатлари тасдиқланган деб топилши керак деб ҳисоблайди⁶.

Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 58-моддасига мувофиқ адвокатнинг мазкур иш бўйича вакиллигини тасдиқловчи ордер ва адвокатлик гувоҳномаси билан адвокат зарур бўлган барча процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли. Кодекснинг 60-моддаси биринчи қисмида саналган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун ушбу ваколатлар ишончномада кўрсатилган бўлиши керак.

Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 61-моддасига кўра муайян бир иш бўйича адвокатнинг ваколатлари Қозоғистон Республикасининг “Адвокатлик фаолияти ва юридик ёрдам тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда адвокатлик гувоҳномаси ва вакилликни тасдиқловчи ёзма маълумотнома (муаллиф изоҳи – ордер) билан тасдиқланади. Кодекснинг 60-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган процессуал ҳаракатларнинг адвокат томонидан амалга оширилиши ишончнома билан тасдиқланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал қонунчилигида иқтисодий судларда адвокатнинг иштироки билан боғлиқ масалалар аниқ ва лўнда тарзда баён қилинган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 13-сонли қарори 14-банди бешинчи хатбошисини қуйидаги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Ҳуқуқий маслаҳатхона ёки адвокатлик ҳайъати (бюроси, фирмаси) томонидан берилган ордер адвокатга ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради. Бироқ, ИПКнинг 63-моддасида махсус назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома талаб этилади”.

Ўйлаймизки, Пленум қарорида ушбу хатбошисининг таклиф этилган тахрирда баён этилиши, суд процессида адвокатнинг ваколатларини аниқлаш жараёнида мунозарали ҳолатларга барҳам бериш баробарида юридик ва жисмоний шахсларнинг малакали ҳуқуқий ёрдам олиш имкониятига янада кўпроқ замин яратади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, иқтисодий суд томонидан адвокатдан ишончноманинг сўралиши адвокатлик фаолияти эркинлигининг бузилиши ёки мазкур фаолиятга тўсиқ деб эмас, балки судда иш юритиш ваколатларининг аниқ белгиланиши ва суд жараёнларида процессуал ваколатлардан самарали фойдаланиш имконини бериш деб тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рыжаков А.П. Лица, которые не должны быть представителями в арбитражном процессе // ГЛАГОЛЬ ПРАВОСУДИЯ. 1 (3) / 2012. – С. 90.
2. Определение Высшего Арбитражного Суда РФ от 07 мая 2008 г. № 4347/08 по делу № А40-60782/06-114-368 // КонсультантПлюс.
3. <http://www.garant.ru/products/ipo/prime/doc/5399913/>
4. Рыжаков А.П. Лица, которые не должны быть представителями в арбитражном процессе // ГЛАГОЛЬ ПРАВОСУДИЯ. 1 (3) / 2012. – С. 90.
5. Трещева Е. А. Субъекты арбитражного процесса. Часть II: монография // – Самара. 2007. –386 с.
6. Комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу Российской Федерации / Под ред. Яковлева В.Ф., Юкова М.К. – М. 2003. – С. 189.



Бахтиёр МИРАЛИМОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Конституциявий
суди судьяси

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари конституциявий норма сифатида мустақкамланган. Шулар асосида амалда қатор қонун ҳужжатларининг мақсади юқорида айтилган конституциявий нормаларни амалиётга татбиқ этишдан иборат.



Камола ҲАМИДОВА,
Ўзбекистон
Республикаси
Конституциявий
суди эксперти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан умумий юрисдикция судларига шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Конституциянинг 108-моддасида эса Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўришга оид норма мавжуд. Ушбу Конституциявий нормага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судини ташкил этиш ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуни билан тартибга солинган. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламенти”, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Девони тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги низомилар билан ҳам белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда конституциявий назорат институтини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йил 31 майда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуни қабул

қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ Конституциявий суд таркиби тўлиқ янгиланди, ваколатлари янада кенгайтирилди. Шу билан бирга фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, уларни ишончли ҳимоя қилиш ишлари узлуксиз давом эттирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 14-бандида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 22-бандида қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш ва унинг субъектлари доирасини кенгайтириш вазифаси қўйилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 25-моддасига мувофиқ Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқи 11 та ташкилотга берилган бўлиб, булар:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман);
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси;



● *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи;*

● *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи;*

● *Ўзбекистон Республикаси Олий суди;*

● *Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;*

● *Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси, шунингдек, Конституциявий суднинг камида уч нафар судьяси ҳисобланади.*

Кўриниб турибдики, Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар фақат давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳисобланади. Бироқ, бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш сари барча саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани, амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади, авваломбор, фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш эканлиги боис, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда тутган ролини янада ошириш зарурати мавжуд. Юқорида номи қайд этилган Давлат дастурининг тегишли қисмида қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш вазифаси юклатилди.

Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутган қонун лойиҳаси тайёрланди.

Қонун лойиҳасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, шунингдек, агар қонун уларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузаётган ва муайян ишда қўлланган бўлиб, судда кўрилиши тугалланган бўлса, фуқаролар ва юридик шахслар қонуннинг конституциявийлигини аниқлаш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилиши назарда тутиляпти. Бу билан Конституциявий судга мурожаат қилувчи субъектлар доираси кенгайтирилмоқда.

Конституциявий шикоят институти амал қилиши юзасидан халқаро тажриба билан қиёслаганда, фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга масала киритиш (шикоят қилиш) амалиёти хорижий давлатлар, хусусан, Бельгия, Испания, Германия, Россия, Беларусь, Қозоғистон ва бошқа давлатларда мавжудлигини кўриш мумкин.



Шунингдек, қонун лойиҳасига Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал хусусиятларини – судга масала киритиш тартиби, суд муҳокамаси, муддатлари, суд қарорларининг ижроси ва бошқаларни тартибга солувчи нормалар ҳам киритилган.

Лойиҳада бир қатор янги боблар ҳам қўшилган бўлиб, жумладан, “Конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” бобида тарафлар, уларнинг вакиллари, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва конституциявий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари сифатида эътироф этилган.

Яна бир муҳим жиҳати, ишни кўриб чиқиш учун тайёрлаш бобида Конституциявий суд давлат органлари ва бошқа ташкилотларга, мансабдор шахсларга ишни суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрлаш билан боғлиқ бўлган сўровларни юбориши мумкинлиги назарда тутилган.

Қонун лойиҳасининг яна бир илғор янгилиги – Конституциявий судга электрон шаклда мурожаат юборилганда, махсус шаклни тўлдириш орқали электрон имзо билан имзоланган электрон ҳужжат шаклида юборилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилмоқда. Амалдаги таҳрирда бу имконият белгиланмаган. Бу янгилик, албатта, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ахборот-коммуникация технологиялари тобора ривожланиб бораётгани ва энг асосийси, масала киритиш истаги ва ҳуқуқи бўлган субъектга замонавий қулайлик, энгиллик яратиш ҳамда вақтни тежашга имкон беришдир.

Бугунги кунда мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинди. Албатта, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши конституциявий суд ишларини юритишни янги босқичга кўтаради. Буларнинг пировард мақсади инсон ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилишда ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасини миллий ҳуқуқ ва амалиётга имплементация қилиш бўлса, иккинчидан Конституциямизнинг 15-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳисобланади.



ВОЯГА ЕТМАГАН ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ЁКИ АЙБЛАНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШДА ПСИХОЛОГИК АЛОҚА ЎРНАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ойбек АЛЛАНАЗАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Академияси Дастлабки
тергов ва криминалистика
кафедраси бошлиғи
ўринборсари

АННОТАЦИЯ

Мақолада вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилишда психологик алоқа ўрнатишнинг аҳамияти, психологик тўсиқларни бартараф этишда қўлланиладиган тактик усуллар бўйича олимларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган. Шулар асосида ушбу жараёнда юзага келадиган типик вазиятларда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар тизими ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноят, вояга етмаганлар, тергов, тактика, сўроқ қилиш, психологик алоқа, психологик тўсиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи, тергов ҳаракати.

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы мнения ученых о значении установления психологического контакта при допросе несовершеннолетнего подозреваемого или обвиняемого, и тактические приёмы применяемые при устранении психологических барьеров. На их основе разработана система действий, осуществляемые при типичных следственных ситуациях возникающих в данном процессе.

Ключевые слова: преступление, несовершеннолетние, следствие, тактика, допрос, психологический контакт, психологический барьер, подозреваемый, обвиняемый, следственное действие.

ANNOTATION

The article analyzes the opinions of scientists on the importance of establishing psychological contact when interrogating a minor suspect or accused, and tactical techniques used to eliminate psychological barriers. On their basis, a system of actions was developed that is carried out in typical investigative situations arising in this process.

Keywords: crime, minors, investigation, tactics, interrogation, psychological contact, psychological barrier, suspect, accused, investigative action.

Баъзан ишни судга қадар юритиш босқичларида жиноят процесси иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқларини поймол қилиш, уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказиш ҳолатлари учраб туради. Қонунга хилоф ушбу ҳаракатлар, аксарият ҳолларда, шахсдан айбига икrorлик ёки иш ҳолатларини ойдинлаштирувчи бошқа кўрсатувларни олиш мақсадида содир этилади. Ваҳоланки, қонунчиликда шахсдан кўрсатувлар олиш учун сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш белгиланган бўлиб, уни ўтказишда сўроқ қилишнинг тактик ва психологик усулларидан тўғри фойдаланиб, шунингдек, мантйқ қоидалари ва қонунда белгиланган тартибга риоя қилиниши қонуний йўл билан иш учун аҳамиятли бўлган барча маълумотларни олиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли ҳамда 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармонлари қабул қилиниши натижасида суд-тергов органлари фаолиятида шахс ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан бўлган муносабат кескин ўзгарди. Бироқ, бугунги кунда ҳам гумон қилинувчи кўрсатув беришдан бош тортадиган ёки содир этган қилмишини тан олмасдан ёлғон кўрсатувлар берадиган вазиятларда улардан кўрсатув олиш учун қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш каби ғайриқонуний усуллардан фойдаланиш эҳтимоли йўқ эмас.

Айниқса, вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилишда улар билан зарур психологик алоқа ўрната билмаслик, уларнинг шахсига хос хусусиятларига етарлича эътибор бермаслик тактик усуллар нотўғри танланишига олиб келиши ва оқибатда зиддиятли вазиятни юзага келтириши ҳамда масъул шахсининг ғайриқонуний усуллардан фойдаланишга мурожаат қилишига таъсир этиши мумкин. Шу сабабли сўроқ қилишга пухта тайёргарлик

кўриш ҳамда ушбу жараёнда аниқланган маълумотларга асосланган ҳолда сўроқ қилиш жараёнида шахс билан психологик алоқа ўрнатишни тўғри амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда сўроқ қилишнинг ишчи босқичи гумон қилинувчи ёки айбланувчининг шахсига ойдинлик киритиш, тергов ҳаракати иштирокчиларига ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, қайси тилда кўрсатув берилишини аниқлаш ва шу каби бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан бошланиши қайд этилган.

Тактик нуқтаи назардан эса ишчи босқичдаги дастлабки энг муҳим ҳаракат сўроқ қилинаётган шахс билан психологик алоқа ўрнатишдир.

Психологик алоқа ўрнатишда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, вояга етмаган шахснинг руҳиятига таъсир ўтказиш усуллари ва ушбу жараёнда эътибор қаратилиши лозим бўлган бошқа масалалар ҳақида олимлар ва тадқиқотчилар томонидан бир қатор фикрлар билдирилган. Жумладан, психологик алоқа ўрнатиш вақтига алоҳида эътибор қаратилиб, вояга етмаган шахснинг анкета маълумотларини аниқлаш ва ҳуқуқларини тушунтириш жараёнида у билан психологик алоқа ўрнатиш ва сўроқнинг кейинги босқичларида уни сақлаб туриш лозимлиги баён этилган¹.

А.А. Усмонова, А.Н. Норбоев ва П.Р. Эдиловлар вояга етмаган шахс билан психологик алоқа ўрнатиш шакли муҳимлигини таъкидлаб, бу борада сўроқ қилинувчига жиноят ишига алоқадор бўлмаган саволларни бериш, жумладан, унинг ўқиши, қизиқишлари, дўстлари ҳақида суҳбатлашиш лозимлигини қайд этишган².

Л.Ю. Аксенова ва А.Т. Анешевалар эса вояга етмаганлар билан психологик алоқа ўрнатиш учун юзага келган психологик тўсиқларни бартараф этиш, шу орқали унда тергов билан ҳамкорлик қилиш истагини уйғотиш лозимлигини ҳамда ушбу жараёнда ёлғон, руҳий зўрлик ёки босим ўтказилиши мумкин эмаслигини таъкидлаганлар³.

С.М. Трашкова ва Л.Ю. Айснерлар ҳам психологик тўсиқларни бартараф этиш муҳимлигини таъкидлаб, сўроқ қилинувчи билан психологик алоқа ўрнатишда ундаги психологик ўзига хосликлар, терговчи билан бир-бирига мос келмайдиган характери ҳамда ҳиссиётга берилувчанлик даражасидан келиб чиқадиган тўсиқлар юзага келиши мумкинлигини, бундай ҳолатларда шахсга психологик билимлардан фойдаланган ҳолда тўғри таъсир ўтказиш зарурлигини баён қилганлар⁴.

Таҳлил қилинаётган масала ҳақида Е.В. Васкэ томонидан ўтказилган чуқур таҳлилларга асосан билдирилган фикрлар диққатга сазовордир. У вояга етмаганларни сўроқ қилишда психологик алоқа ўрнатиш жараёнини қуйидаги босқичларга бўлган: 1) муайян тергов вазиятида вояга етмаган шахс билан мулоқотга киришиш орқали унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш; 2) сўроқ қилинувчининг шахсига хос хусусиятлари, сўроқ жараёнига муносабати ва ушбу тергов ҳаракатида қатнашаётган бошқа иштирокчиларнинг хулқ-атворидан келиб чиқиб, вояга етмаган сўроқ қилинувчига



таъсир ўтказиш йўллари башорат қилиш; 3) вояга етмаган сўроқ қилинувчи билан руҳий алоқа ўрнатиш⁵.

Бизнингча ҳам вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчига эркин сўзлаб беришни таклиф этишдан олдин унинг психологик хусусиятлари ўрганилиши, сўроқ жараёнига ва терговчига бўлган муносабатига баҳо берган ҳолда психологик алоқа ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

Вояга етмаган сўроқ қилинувчининг шахсини ўрганиш, бизнингча, қуйидагича амалга оширилиши лозим: биринчидан, сўроқ қилишга тайёргарлик кўришда зарур маълумотларни олиб ўрганиш; иккинчидан, сўроқ бошланишидан олдин у билан мулоқот қилишда унинг ўзини тутиши, гап-сўзи ва хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали ўрганиш.

Ўрганиш натижасида олинган вояга етмаганнинг шахси ҳақидаги маълумотлар мазмунидан келиб чиқиб, психологик алоқа ўрнатиш усули танланиши мумкин. Мазкур жараёнда қуйидаги типик тергов вазиятлари юзага келиши мумкин:

1) дастлабки мулоқот натижасида вояга етмаган шахс билан психологик алоқа ўрнатиш учун ижобий муҳит юзага келган;

2) вояга етмаган шахснинг табиатига хос бўлган тортинчоқлик, терговчидан ётсираш ва шу каби хусусиятлари психологик алоқа ўрнатиш учун унчалик қулай бўлмаган вазиятни юзага келтирган;

3) терговчи ва вояга етмаган шахс ўртасида турли сабабларга кўра психологик алоқа ўрнатишда тўсиқлар юзага келган.

Биринчи вазиятда вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчига у берадиган кўрсатувларнинг аҳамияти тушунтирилиб, эркин сўзлаб бериш таклиф этилади ва сўроқнинг кейинги босқичларида психологик алоқа янада мустаҳкамлаб борилади.

Иккинчи вазиятда вояга етмаган шахс билан керакли психологик алоқа ўрнатиш учун ундаги тортинчоқлик, ётсираш ва шу каби хусусиятлардан келиб чиқиб, терговчининг муомаласи ва ҳаракатлари шунга мослаштирилиши мақсадга мувофиқ. Яъни, терговчи сўроқ қилинувчи билан тил топишиш учун ундаги психологик алоқа ўрнатишга ҳа-

лақит бераётган ҳисларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим.

Бунда умумий ва бетараф қизиқишлар доирасини (масалан, тангалар, маркаларни йиғиш, спорт, саёҳат, ҳайвонлар ва бошқа қизиқишлар) аниқлаш психологик муҳитни енгиллаштиради ва терговчи билан вояга етмаган шахснинг “мавқеи”ни тенглаштиради. Бу ўз-ўзидан мулоқотда сўроқ қилинувчини яқинлаштиради⁶.

Учинчи вазият сўроқ қилиш жойи, чақириш усули ва иштирокчилар доираси нотўғри танланиши ёки вояга етмаган шахсдаги қўрқув, қаттиқ ҳаяжонланиш каби ҳислар таъсирида юзага келиши мумкин. Шунингдек, вояга етмаган шахсга нисбатан катта ёшдагилар томонидан тазйиқ ўтказилиши, сўроқ қилишда “ўзини тутиш” бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилиши ҳам зиддиятли тергов вазиятини юзага келтиради.

Агарда терговчи билан вояга етмаган шахс муносабатларида психологик тўсиқлар юзага келса, дастлаб уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим. Бунинг учун С.М. Трашкова ва Л.Ю. Айснерлар таъкидлашганидек, психологик билимлардан фойдаланган ҳолда шахсга руҳий таъсир ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, сўроқнинг айрим босқичларида вояга етмаган шахс билан мулоқот қилишда юзага келган муаммоли ҳолатни бартараф этиш ва ижобий руҳий алоқа ўрнатиш мақсадида В.Н. Карагодин ва А.А. Казаковлар тавсия этишганидек, ташаббусни вақтинча психологга топшириш мумкин⁷.

Шахсга психологик таъсир ўтказишда вояга етмаган шахснинг руҳиятига хос бўлган айрим хусусиятлари инobatта олиниши керак. Жумладан, уларнинг билими ва ҳаётий тажрибаси камлиги, дўстлари ва жамоаси олдига ўзига нисбатан салбий фикр шаклланишидан қўрқиши, содир этган қилмиши ҳақида ота-онаси ва яқинлари хабардор бўлишидан хавфсираши ва шу кабилар.

Бироқ, Л.Ю. Аксенова ва А.Т. Анешевалар тўғри қайд этишганидек, психологик тўсиқларни бартараф этишда вояга етмаган шахснинг ушбу ожиз томонларидан фойдаланиб, уларни алдаш ва руҳий босим ўтказиш мумкин эмас. Бундай усуллар қўлланилиши, биринчидан, олинган далилларнинг но-

мақбул деб эътироф этилишига, иккинчидан, сўроқ қилишнинг кейинги босқичларида жиддийроқ психологик тўсиқларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Психологик тўсиқларни бартараф этиш учун вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчининг қонуний вакиллари, педагог ёки психологларнинг ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, вояга етмаган шахсда қўрқув, хавфсираш каби ҳислар таъсирида тушкунлик ҳолати юзага келганда, ушбу иштирокчилар ёрдамидан фойдаланишга эҳтиёж юзага келади. Бундай вазиятларда сўроқни бошлашдан олдин А.А. Усмонова, А.Н. Норбоев ва П.Р. Эдиловлар таъкидлашганидек, вояга етмаган сўроқ қилинувчи билан ўқиш ёки иш жойи, қизиқадиган спорт тури ва шу каби умумий мавзуларда гаплашиш орқали ишончли психологик алоқа ўрнатиш чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқ.

Агарда вояга етмаган шахснинг сўроқ бошланишидан олдинги хулқ-атворида ўзига нисбатан бўлган ишончи юқорилиги ва унга “бола”ларга қилинадиган муносабат маъқул эмаслиги сезилиб турса, сўроқ давомида у билан катталарга мурожаат қилинганидек муносабатда бўлиш ёки расмий оҳанг ва услубда гаплашган маъқул. Бундай вазиятларда вояга етмаган шахс билан мулоқот қилишнинг нотўғри усуллари танланиши сўроқ жараёнини жиддий қабул қилмаслик ва терговчига нисбатан хурматсизлик қилинишига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаган шахслар билан психологик алоқа ўрнатиш уларни сўроқ қилишнинг тактик жиҳатдан зарурий босқичи бўлиб, ушбу жараёнда уларнинг шахсига хос хусусиятлардан ва юзага келган тергов вазиятидан келиб чиққан ҳолда зарур бўлган психологик усуллар қўлланилиши ижобий психологик муҳит яратилишига ҳамда сўроқ жараёнида иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларнинг қонуний йўллар билан олинишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Криминалистик тактика: Дарслик./ Т.Б. Маматкулов, Ш.Т. Джуманов, У.Т. Тургунов ва бошқ. – Т., 2013. – Б. 97.
2. Қаранг: А.А.Усмонова, А.Н.Норбоев. Юридик психология: Ўқув қўлланма. –Т., 2006. – Б. 47-50.
3. Қаранг: Аксенова Л.Ю., Анешева А.Т. Тактические приемы производства допроса // Вестник Омской юридической академии. – 2019. – Том 16, № 1. – С. 82–83.
4. Қаранг: С.М.Трашкова, Л.Ю.Айснер. Некоторые психологические особенности проведения допроса // Общество: политика, экономика, право. – 2017. № 3. – С. 62–65.
5. Қаранг: Е.В.Васкэ. Психологические составляющие взаимодействия с несовершеннолетним при допросе. // Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского. 2014. №3 (2), С. 45.
6. Қаранг: Б.Н. Сирлиев, И. Соттиев ва бошқ. Дастлабки тергов фаолияти психологияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 217.
7. Қаранг: Карагодин В.Н., Казаков А.А. Тактико-организационные и процессуальные проблемы досудебного производства по фактам преступлений, совершенных в отношении несовершеннолетних. Lex russica (Русский закон). 2017; (6): 141-155. <https://doi.org/10.17803/1729-5920.2017.127.6.141-155> (Кириш вақти: 29.09.2020 йил)



ЭР-ХОТИННИНГ ВОРИСЛИКДАГИ ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ



Гулруҳ МАМАРАИМОВА,
ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва
ўқитисодий процессуал ҳуқуқи
кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мерос қолдирувчи билан қонуний никоҳи бекор қилинмаган, бироқ ўлимидан олдин амалда оилавий муносабатларни тугатиб, узоқ йиллар давомида бирга яшамаган ёхуд бошқа шахс билан амалда оилавий муносабатларни бошлаган тирик қолган эр ёки хотиннинг мерос ҳуқуқига боғлиқ муаммолар ва уларга ечимлар хусусида қолаверса мазкур масала бўйича Германия, Франция, Грузия қонунчилиги мазмуни билан танишишингиз мумкин.

Калит сўзлар: эр-хотин, ворислик, қонун бўйича биринчи навбат, мерос очилган вақт, мерос, васиятнома.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются проблемы и решения в отношении прав наследования пережившего супруга, чей законный брак с наследодателем не был аннулирован, но который не проживал вместе много лет до прекращения фактических семейных отношений или который фактически начал семейные отношения с другим лицом. А также можете ознакомиться с содержанием законодательства Германии, Франции и Грузии по этому вопросу.

Ключевые слова: супруги, наследование, открытие наследства, первая очередь наследников по закону, наследование, завещание.

Ўзбекистон Республикасининг ворисликка оид қонунчилигига асосан мерос васият ва қонун бўйича ворислик асосида эгалланади. Васият бўйича ворислик биринчи навбатда ҳисобланади, сабаби унда шахс ўзининг мол-мулкни ҳамда бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз эрки-иродаси билан вафот этганидан сўнг кимга қолишини белгилайди. Қонун бўйича ворислик эса, васият бўлмаган тақдирда, васият мерос таркибини тўлиқ қамраб олмаганда, васиятнома ҳақиқий эмас деб топилганда, васият бўйича меросхўр(лар) меросни қабул қилишдан воз кечганда ёхуд нолойиқ меросхўр деб топилганда вужудга келади. Қонун бўйича ворислик бу юридик қариндошлик¹ ҳамда боқимлик факторларига асосланган ворислик бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ворисликка оид қонунчилигида эр (хотин) вафотидан сўнг тирик қолган хотин (эр) мархумнинг меросига нисбатан қонун бўйича биринчи навбатдаги ворис ҳисобланади². Амалдаги қонунлар бугунги кунда эр ёки хотиннинг меросдан улуш олиши билан боғлиқ ҳуқуқи юзасидан қуйидаги муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Биринчидан, кўп кузатиладиган ҳолатлардан бири, эр-хотин қонуний никоҳдан ажрашмаган ҳолда узоқ йиллар бирга яшашмайди ва тирик қолган томон вафот этган томоннинг меросига нисбатан ворис ҳисобланиши кўпинча эътирозларга сабаб бўлади. Шунга оид бир фуқаролик ишини кўрадиган бўлсак, эр-хотин қонуний никоҳдан ажрашмаган ҳолда йигирма йил давомида бирга яшамаган ва эри вафот этгандан сўнг унинг қонун бўйича биринчи навбатдаги ворисларидан бири сифатида хотини ҳам мерос олишга чақирилган. Амалда эр-хотинлик муносабатларининг мавжуд эмаслиги жорий қонунчиликка кўра мерос олувчи сифатидаги эр ёки хотиннинг ҳуқуқларига умуман таъсир қилмайди.

Ушбу ҳолат бошқа мамлакатлар қонунчилигида қандай ҳал қилинганлигини кўриб чиқамиз. Хусусан, Германия Фуқаролик кодексининг 1933-моддасида эр-хотиннинг мерос олиш ҳуқуқини истисно қилиш асослари белгилаб қўйилган. Унга кўра, агар мерос қолдирувчи вафот этганида, ажралиш учун шартлар бажарилган бўлса ва мархум ажралиш учун ариза берган ёхуд розилик берган бўлса, тирик эр ёки хотиннинг мерос олиш ҳуқуқини истисно қилади. Шунингдек, мерос қолдирувчи никоҳни ҳақиқий эмас деб топилганда ариза бериш ҳуқуқига эга бўлса ва уни берган тақдирда ҳам мазкур қоида қўллани-

лади¹. Германия қонунчилигида кўриниб турибдики, ҳақиқатда эр-хотиннинг мерос олиш ҳуқуқини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлиб, буларни яхшироқ тушуниш учун Германиянинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қонунчилигини ҳам таҳлил қилишимизга тўғри келади. Германия Фуқаролик кодексининг 1564-моддасига мувофиқ никоҳдан суднинг қарори билан эр-хотиндан ҳар иккаласининг ёки бирининг аризасига асосан ажратиш мумкин. Германия Фуқаролик кодексининг никоҳдан ажратишга оид 1564-1568-моддалари таҳлилига кўра, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра никоҳдан ажратишга улар бир йилдан кам бўлмаган вақт давомида бирга яшамаётган бўлса ва эр-хотиннинг иккаласи ҳам ажралишга ариза берса ёхуд улардан бири ариза берган тақдирда иккинчиси розилик берса, йўл қўйилади. Шунингдек, эр-хотин уч йилдан кам бўлмаган муддат давомида бирга яшамаётган бўлса, бу ҳолда ҳам никоҳ бузилган деб ҳисобланиши, яъни, ажралишга асос бўлиши мумкин.

Агар эр-хотин бир йилдан кам вақт давомида алоҳида-алоҳида яшаган бўлса, бунда агар никоҳни давом эттириш бошқа тарафнинг шахсияти билан боғлиқ сабабларга кўра, ариза берувчига нисбатан чидаб бўлмас даражада шафқатсиз бўлган тақдирда йўл қўйилади. Германиянинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги нормалари мазмуни эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида яшашини ажралиш учун муҳим факторлардан бири деб ҳисоблайди.

Бундан хулоса шуки, бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида бирга яшамаган эр ва хотин никоҳдан ажратишга ариза берган ёхуд улардан бири ариза берган ва иккинчиси розилик берган ҳамда шу вақт оралиғида улардан бири вафот этган тақдирда, тирик қолган эр ёки хотин вафот этган хотин ёки эрнинг меросидан

улуш олиш ҳуқуқини йўқотади. Худду шунингдек, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу ҳолатлар бўйича судга ариза берган эр ёки хотин вафот этган тақдирда, тирик қолган иккинчи тараф ҳам ворис бўлиш ҳуқуқини йўқотади.

Грузия Фуқаролик кодексининг 1341-моддасида мерос очилишидан олдин амалда бирга яшамаган эр-хотин бирининг вафотидан сўнг меросдан маҳрум қилиниши мумкин. Яъни, мерос очилишидан камида уч йил олдин никоҳ ҳақиқатда амалда тугатилганлиги ва эр-хотиннинг бир-бирдан алоҳида яшаганлиги тасдиқланса, суд қарорига мувофиқ иккинчи тараф қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин⁵.

Шунингдек, Франция Фуқаролик кодекси⁶да ҳам мерос қолдирувчи билан бирга амалда оилавий муносабатларини тугатган ва алоҳида-алоҳида яшаган тирик қолган турмуш ўртоғининг ворисликдан маҳрум қилиниш масаласи суд томонидан кўриб чиқилади.

Эр-хотинларнинг узоқ йиллар давомида бирга яшамаса-да, қонуний никоҳлари бекор қилинмаганлиги ҳолатлари бўйича аниқ статистикани келтириш бироз мушкул. Бунинг учун бутун мамлакат бўйича сўров ўтказиш керак. Лекин, узоқ йиллар бирга яшамасдан кейин никоҳдан ажратишга ариза берилган ҳолатлар бўйича статистик маълумотлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан 2017 йилда ажримлар бўйича уларнинг сабаблари ўрганилган. 2017 йилда ФХДЁ органлари томонидан эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра 8011 та никоҳдан ажратиш ҳолати қайд этилган бўлса, шулардан 133 та ҳолатда (1,6 %) ажралиш сабаби эр-хотиннинг узоқ вақт давомида бирга яшамаслиги бўлган. Шунингдек, 2017 йилда судлар томонидан 23919 та никоҳдан ажратиш бўйича аризалар қаноатлантирилган. Судлар томонидан кўрилган мазкур ажрим ишларининг 695 та ҳолати бўйича ажралиш сабаби эр-хотиннинг узоқ вақтдан бери бирга яшамаслиги бўлган⁶.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Оила илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан 2019 йилда республикада фаолият юритаётган фуқаролик ишлари бўйича суд судьялари ўртасида сўровнома ўтказилган. Мазкур сўровномада улар томонидан кўрилган никоҳдан ажратишга оид ишларда ажримлар сабаблари ўрганилган ҳамда 1,8 % ҳолатда никоҳдан ажратишга эр-хотиннинг узоқ вақт давомида бирга яшамаслиги асос қилиб келтирилган.

Мазкур рақамлардан кўринадики, қонуний никоҳни бекор қилмаган ҳолда эр-хотин узоқ вақт давомида бирга яшамаслик ҳолатлари амалиётда мавжуд. Амалда оилавий муносабатлар-

*Индамас итдан, тинч оқар
суддан кўрқ.*

* * *

*Ўз устингдан ҳукмронлигинг
— энг олий ҳукмронлик.*

* * *

*Инсон ҳаёти — кураш
демакдир.*


Рим ҳикматлари

ни ҳақиқатда тугатган эр-хотиннинг ворисликка чақирилиш масалаларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Иккинчидан, эр ва хотин қонуний никоҳи бекор қилинмасдан туриб амалда бошқа оилавий муносабатни бошлаб юборган ҳолларни ҳам кўплаб кузатамиз. Бу бўйича ҳам реал ва тўлиқ статистикани қўлга киритиш мушкулроқ, бунинг учун бутун мамлакат бўйлаб сўровнома ташкил қилишга тўғри келади. Лекин, мавжуд статистикалардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Хусусан, 2017 йилда мамлакатимизда 31 930 та никоҳдан ажратишлар қайд қилинган бўлса, шундан 1629⁷ ҳолатда бу ажримларга сабаб қилиб эр-хотиндан бирининг ёхуд ҳар иккаласининг амалда бошқа шахс билан оила қуриб яшаётгани сабаб бўлган. 2019 йилда судлар томонидан ажрим ишлари бўйича қаноатлантирилган аризаларнинг 2.6 % бўйича никоҳдан ажратишга сабаб қилиб эр-хотиннинг ҳар иккаласи ёки бирининг шаръий никоҳдан ўтиб, бошқа шахс билан амалда оилавий муносабатларни бошлаганлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Демак, қонуний никоҳдан ажралмасдан туриб, эр-хотин амалда бошқа шахс билан оилавий муносабатларни бошлаб юбориш ҳоллари учраб туради. Бундай вазиятда амалда оилавий муносабатлар тугаган ҳисобланади. Амалда оилавий муносабатлар тугаган шахсларнинг фактик никоҳи мавжудлиги учун улар бир-бирига нисбатан меросхўр ҳисобланади. Қонунчилигимиздаги мазкур нормаларни қайта кўриб чиқишимиз лозим деб ҳисоблаймиз. Бу борада бошқа мамлакатларнинг қонунчилигини кўриб чиқадиغان бўлсак, хусусан, Германияда эр-хотиннинг бошқа шахс билан амалда оилавий муносабатларини бошлаб юборганлиги бошқа шахснинг никоҳдан ажратишга ариза бериш ҳуқуқини вужудга келтиради ва у бундай аризани берган бўлса, бироқ ҳали ажрим иши кўриб чиқилмасдан вафот этса, суд қарори билан бошқа амалда оилавий муносабатларни бошлаб юборган тараф меросдан улуш олишдан маҳрум қилиниши мумкин⁸.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига эр-хотиннинг мерос олиш ҳуқуқини истисно қилиш тўғрисидаги норма киритилишини таклиф этиш жоиз. Бугунги кунда мазкур кодекснинг янги лойиҳаси тайёрланмоқда, таклиф қилаётган нормамиз ворислик бўлимининг қонун бўйича ворисликка оид қоидалари қаторига киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, Ўзбекистон қонунчилигига кўра марҳумнинг эри ёки хотини унинг қонун бўйича биринчи навбатдаги меросхўри ҳисобланади.

Таклиф қилинаётган нормага мувофиқ суд қарорига асосан қуйидаги ҳолларда амалда оилавий муносабатларини тугатган тирик қолган эр ёки хотин вафот этган эр ёки хотиннинг меро-



сига нисбатан қонун бўйича ворислик ҳуқуқини йўқотган деб топилиши мумкин:

- мерос очилишидан олдин узлуксиз уч йилдан кам бўлмаган муддат давомида амалда бирга бир хўжалик бўлиб яшамаган бўлса;
- амалда бирга бир хўжалик бўлиб яшамаган ҳамда бошқа шахс билан амалда бир хўжаликда яшай бошлаган бўлса.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилдиган бўлсак, мерос қолдирувчи билан қонуний никоҳи бекор қилинмаган, бироқ ўлиmidан олдин амалда оилавий муносабатларни тугатиб узоқ йиллар давомида бирга яшамаган ёхуд бошқа шахс билан амалда оилавий муносабатларни бошлаган тирик қолган эр ёки хотиннинг суд қарори билан мерос ҳуқуқидан маҳрум қилиниши меросга оид қонунчиликнинг такомиллашувига ҳамда амалда оилавий муносабатларни тугатган ва кейинчалик вафот этган турмуш ўртоғининг меросига меросхўр сифатида чақирилганда вужудга келадиган амалиётдаги ҳақли эътирозларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тарафдан, туғишган қариндошларга тенглаштириладилар.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 113⁵-модда. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда.
3. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB) // <http://www.gesetze-im-internet.de/bgb/index.html>
4. Грузия Фуқаролик кодекси // <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/31702/75/ru/pdf>.
5. Civil Code of Franch // <http://www.fd.ulisboa.pt/wp-content/uploads/2014/12/Codigo-Civil-Franches-French-Civil-Code-english-version.pdf>
6. Х.Насимов, Г.Мамараимова. Никоҳ: миллий ва хорижий тажриба. Ахборот-таҳлилий материал. Тошкент, 2019 йил. –Б. 8-9.
7. Х.Насимов, Г.Мамараимова. Никоҳ: миллий ва хорижий тажриба. Ахборот-таҳлилий материал. Тошкент, 2019 йил. –Б. 8-11.
8. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB) 1933-§, 1564-1568-§. // <http://www.gesetze-im-internet.de/bgb/index.html>.



**Карима
РАЖАБОВА,**
ТДЮ 4-курс та-
лабаси

ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМАСЛИК ИНСТИТУТИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятни фош қилишда асос ва сабабларнинг етарлилигига таянишади. Бунда эса жиноят ҳақидаги хабар асосий устун вазифасини ўтайди. Демак, жиноятлар сонининг ўсишида жиноят ҳақида хабар бермаслик ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатиши тайин.

Тўғри, кўплаб давлатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам бунинг учун алоҳида жавобгарлик ўрнатилган, яъни амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 31-моддасига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар қилмаслик ушбу Кодекснинг 155¹ ва 241-моддаларида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади. ЖК 241-моддасига мурожаат қиладиган бўлсак, тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бундай жавобгарлик ўрнатилишига қарамай жиноят ҳақида хабар бермаслик даражаси ўсиб бормоқда.

Бунга сабаб нима? Қандай омиллар ушбу кўрсаткичларнинг ўсишига таъсир қилмоқда?

www.rainn.org сайтида эълон қилинишича, қуйидагилар 2005-2010-йиллардаги сўров натижасида шахслар томонидан берилган жинсий эркинликка қарши жиноятлар ҳақида хабар бермаслик учун сабаблар ҳисобланади:

- 20% жиноятчилар томонидан қасос олинишига ишонили;
- 13% ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончсизлик, яъни ушбу органларнинг порахўрлиги;
- 13% бу шахсий масала сифатида қаралиши, яъни уни ошкор қилишдан уялиш;
- 8% бошқа органга хабар бериш;
- 8% хабар бериш муҳим эмаслиги;
- 7% жиноят қурбони бўлишининг олдини олиш;
- 2% ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳеч қандай чора кўрмаслигига ишонили;
- 30% ҳеч қандай сабаб келтирилмаган.

2012-2014-йил Буюк Британия ва Уэльсда ўтказилган интервьюга кўра, иқтисодий жиноятлар ҳақида хабар бермасликка туртки сифатида қуйидаги фикрлар таъкидланган:

- 39% бундай жиноятларнинг хавфлилик даражаси паст эканлиги;
- 30% ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ушбу жиноятга қарши ҳеч қандай чора кўрмаслиги;
- 25% шахсий масала эканлиги;
- 2% бошқа органга мурожаат қилганлиги;
- 2% мазкур турдаги жиноятлар одатий ҳолга айланганлиги;
- 2% шароит мавжуд бўлмаганлиги.

2012 йилда Жанубий Африканинг Статистика қўмитаси томонидан олиб борилган сўров натижаларига кўра, фуқароларнинг жиноятлар ҳақида хабар бермасликларига энг асосий сабаб жиноятлар хабар қилиш учун унчалик жиддий эмаслиги, бошқача қилиб айтганда, улар уни ўзлари ҳам ҳал қила олиши мумкинлиги ҳисобланади.

Яна бир маълумотга биноан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги ва ушбу маълумотларнинг оммавий ахборот воситаларида намоён этилиши эвазига фуқароларнинг уларга нисбатан ишончи йўқолганлиги жиноят ҳақидаги хабарлар камайишининг сабаби ҳисобланади. Ҳа, ушбу фактни ҳам инкор этиб бўлмайди. Африкада олиб борилган 2010 йилдаги “Siegel” (Siegel, 2010: 59) номли тадқиқотга кўра, рецидив жиноятчиларнинг 1/3 қисми тергов ходимлари билан алоқа ўрнатган. Ўзбекистон миқёсида қарайдиган бўлсак, Республика ИИВ тергов тизимларида 2005 йилнинг январь-сентябрь ойларида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва доирасидан чиқиш билан боғлиқ жиноятлар сони 462 тани¹ ташкил этиб, улар орасида айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам мавжуд. Бу эса ўз-ўзидан фуқароларнинг ушбу орган мансабдор шахсларига нисбатан шубҳаланишига асос бўла олади.

Ушбу асосларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, фуқароларнинг етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслиги уларнинг жиноят ҳақида хабар бермаслик қандай юридик оқибатларга олиб келиши ҳақида бохабарлигини келтириб чиқаради. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, фуқароларнинг бундай хатти-ҳаракати пассив кўринишда бўлса-да жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 31-ва 241-моддалари; Россия Федерацияси Жиноят кодекси 205⁶-моддаси ва бошқа давлатлар).

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 323-моддасига биноан, жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят иши қўзғатиш учун сабаб бўлмайди. Ушбу норма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида айрим аҳоли қатлами томонидан бериладиган нотўғри маълумотлар каби тўсиқларнинг олдини олишда самарали саналишига шубҳа йўқ. Бироқ гувоҳ ўз шахсини маълум қилиши уни ҳам айрим жиноятчиларнинг қурбонига айланишига сабаб бўлмасми-кан? Айрим давлатларда гувоҳ жиноят ҳақида хабар беришда бундай чекловлардан ҳоли бўлиб, бу ҳам, ўз навбатида, ушбу давлатлар жиноят қонунчилигининг самарали механизмларидан бири дейишимиз мумкин. Масалан, Калифорния штатини оладиган бўлсак, ушбу ҳудудда амалда бўлган Америка Қўшма Штатлари кодексига кўра, фуқаролар жиноят ҳақидаги аризаларида ўз шахсини тасдиқлаши шартлиги қондаси келтирилмаган бўлиб, улар аноним тарзда ижтимоий тармоқлар орқали жиноят ҳақида хабар қилишлари мумкинлиги ва бу ҳам жиноят қўзғатилишига сабаб сифатида баҳоланиши белгиланган².

Бундан ташқари, фуқароларни жиноят учун хабар бермаслик сабабли жавобгарлик доираси чегараланган бўлиб, фақатгина оғир ёки ўта оғир жиноятларга нисбатан татбиқ этилиши белгиланган. Ахир ушбу жиноятларнинг асосини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этмайдими?! Француз астрономи Адолпхе Куетелетнинг Преториада жойлашган Хатфиелд оммавий судида олиб борган изланишлари натижасида олган таҳлилий фикрига кўра, хабар бермаслик институти жиноятнинг ижтимоий хавфлигига боғлиқ эмас.

Шулар билан бир қаторда энг кенг тарқалган иллатлардан бири бўлган лоқайдлик ҳам мана шундай жиноятнинг ўсиши учун бир омилдир, яъни фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бориш, судма-суд юриш каби овозгарчиликлардан қочиб атрофдаги ёвузликларга “қўлини силтаб” ўтиши жиноятларнинг сонини ўсишига, вақтлар ўтиб ўзининг ҳам жабрланувчи бўлиб қолишига олиб келади. Зеро, биринчи президентимиз Ислон Каримов ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида таъкидлаганларидек: “Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”.

Хўш, жиноят ҳақида хабар қилиш институтини такомиллаштиришда, келтирилган сабабларни камай-тиришда нималар қилмоқ даркор?

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва аҳоли ўртасида алоқаларни янада яхшилаш. 2002 йилда Секхоняне ва Лоув томонидан биринчилар қаторида илгари сурилган ушбу фикрга кўра, халқ ва жиноятга

қарши курашувчи ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг чекланганлиги омма ишончининг йўқотилишининг энг асосий омилларидандир. Халқнинг ортиқча овозгарчиликлардан халос қиладиган хизматлар билан таъминланиши, жумладан жиноят ҳақида хабар қилишнинг электрон тизими яратилиши мана шундай ҳамкорлик ўрнатилишининг бир воситаси бўлиши мумкин;

2. Гувоҳлар хавфсизлигини кафолатловчи қонун нормаларининг яратилиши ва уларнинг самарали ижро этилиши. Бундай кафолат дунё миқёсида кўплаб давлатлар амалиётида мавжуд бўлиб, ўзининг самарали таъсирини ўтказмоқда. Масалан, АҚШ “Marshals Service” – ноқонуний гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчилар, террорчилар, уюшган ва бошқа йирик жиноий гуруҳ иштирокчиларига қарши гувоҳлик берганликлари натижасида ҳаёти хавф остида бўлганларнинг қариндошлари билан биргаликда хавфсизлиги, саломатлигини таъминлаш дастуридир³. 1970 йилда асос солинган ушбу дастурга мувофиқ, гувоҳлар 24 соат давомида, шунингдек, суд мажлиси бошлангунча алоҳида турар-жой, асосий яшаш харажатлари, айрим пайтларда иш ва ўқиш шароитлари билан таъминланади. Кузатувларга кўра, ушбу дастур ҳимояси остидаги ҳеч бир гувоҳга зарар етказилмаган;

3. Жиноят қонунчилигида жиноят ҳақида хабар бермаслик учун жавобгарликни янада кенгайтириш. Бунда жавобгарлик жиноятларнинг ижтимоий хавфлигига кўра эмас, турига қараб белгиланиши оқилна йўл бўларди. Мисол учун Калифорния Жиноят кодекси 11164-11173.4- бўлимлари, Россия Федерацияси Жиноят кодекси 205⁶-моддаси айнан шу тартибда берилган, яна айнан қайси жиноятлар ҳақида хабар бермаслик жавобгарлик келтириб чиқариши мумкинлиги моддама-модда ўрнатилган;

4. Фуқаролар ҳуқуқий онгини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йил 9 январда “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизimini тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармон қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжат ижросини таъминлашда янада самарали усулларни қўллаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали қайси ҳолларда фуқаролар жавобгарлиги юзага келиши, унинг юридик оқибатлари ҳақида қисқача видео-маълумотлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, содир этилаётган ёки тугалланган жиноятлар ҳақида бир қанча омиллар таъсирида хабар бермаслик жиноий-ҳуқуқий муносабатларда тўсиқлар олиб келиб, ушбу омилларга қарши курашиш янада хавфсизроқ ҳаёт кафолати бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов идораларининг 2005-йил январ-сентябр ойларидаги ҳисоботи.
2. <https://www.wklaw.com/knowing-about-a-crime-and-not-saying-anything/>
3. <https://www.usmarshals.gov/witsec/>



Холмурод ИСАНОВ,
Судьялар олий мактаби
докторанти,
юрidik фанлар номзоди,
доцент

АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Адолат қонун устуворлигига таянадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган, маърифат ва илм-фан тараққиётига кенг йўл очиб берадиган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш халқимизнинг азалий орзусидир. Шу сабабдан ҳам буюк аждодларимиз бутун умрлари давомида адолат учун курашганлар ва уни ҳимоя қилганлар.

Буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий ўзининг “Хамса”, “Маҳбуб ул-қулуб” ва бошқа кўплаб асарларида адолат ва адолатсизлик ўртасидаги жиддий кураш сабаблари ва оқибатларини таҳлил этиб, бадий образларнинг ички олами, улар ўртасидаги тўқнашувлар орқали адолатни ҳимоя қилган, адолатсизликка қарши ўзининг чексиз нафратини баён этиб, жамиятда юзага келадиган адолатсизликлар кўпинча амалдорларнинг фаолияти билан боғлиқлигини, халқ эса ҳамма вақт адолат тарафдори бўлиб келганлигини, адолатсизликнинг марказида эса мансабдор шахсларнинг дунёқарашидаги чалкашликлар, дини исломнинг илоҳий талабларини билмаслик ёки уларга риоя этмаслик, айшу-ишратга берилиш ҳолатлари ётишини, хусусан, мансабпарастлик иллати барча адолатсизликларнинг бош омили эканлигини кўрсатиб берган.

Адолат тўғрисидаги ғоялар Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида ҳам ўз аксини топган бўлиб, элга раҳбар бўлиш учун киши покиза хулқли ва адолатли бўлиши шарт, дея таъкидланган. Шунингдек, эл учун икки нарса мустаҳкам таянч бўлса, унинг бири хушёрлик, иккинчиси адолат, деб кўрсатиб ўтилган.

Буюк саркарда — соҳибқирон Амир Темур ҳам тенгсиз адолатли ва ҳақиқатпарварлиги билан

ўз замондошлари орасида шуҳрат қозонган эди. Унинг адолатли ишлари ҳақидаги маълумотларни тарихий манбаларда кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, давлат муҳрида ёзилган “Рости – русти” (“Куч – адолатда”) шиори соҳибқироннинг бошқа давлатлар ҳукмдорларига битган кўплаб хатларида сақланиб қолган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш, озод ва обод Ватанда фаровон ҳаёт кечириш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ана шу мақсадлар йўлида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ташаббуси билан инсон, унинг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган ислохотлар янги босқичга кўтарилмоқда.

Фикримиз тасдиғи сифатида таъкидлаш кераки, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни қарор топтиришда мустақил суд ҳокимияти муҳим ўрин эгаллайди. Шундан келиб чиққан ҳолда 2020 йил 24 июлда қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони мамлакатимизда суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир.

Жумладан, фармон билан 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция



судлари ташкил этилади. Бу эса ҳудудларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, фуқаролар ва тадбиркорлар ортиқча овра бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.


Шунингдек, туман (шаҳар) маъмурий судлари ўрнида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади. Бу эса ўз навбатида, маъмурий судларнинг муайян тумандаги маҳаллий ҳокимият органларининг турли тазйиқларидан холи бўлишига, мустақил фаолият олиб бориб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан суд орқали ишончли ҳимояланишларига замин яратади.

Бундан ташқари, прокурорнинг судда иштирок этиш тартиби илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Янги амалиёт, яъни давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни чақириб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш назарда тутилмоқда. Бу эса судда тортишув ва тенглик принципларини амалда рўёбга чиқаришга замин яратади.

Фармоннинг яна бир эътиборга молик томони шундаки, ортиқча суд инстанцияларини бекор қилиш йўли билан “бир суд – бир инстанция” тамойили жорий қилинишидир. Мазкур тамойил халқаро тажрибада синалган ва дунёда энг мақбул тизим сифатида эътироф этилган. Бу билан ишларни кўриш биринчи инстанция – туманлараро, туман (шаҳар) судлари; иккинчи инстанция – апелляция (вилоят судлари) ва учинчи инстанция – кассация (Олий суд) билан яқунланади. Натижада, фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг низолари битта судда ҳал бўлишига эришилади.

Албатта, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг судларга бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат кўрғони”га айлантиришдан иборатдир. Яъни, судга мурожаат қилган ҳар бир шахс давлатда қонунлар устувор ва адолат борлигига ишониши керак.

Адолат жамиятда ижтимоий муносабатларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, улар орасидаги мувозанатни сақлаб туриш, жамиятдаги мулкчилик муносабатларини ва тадбиркорлик фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи восита сифатида хизмат қилиш, ижтимоий тараққиётга



тўсқинлик қилаётган муносабатларни бартараф этиш, келажакка ишонч туйғуларини уйғотиш каби вазифаларни бажаради. Жамиятда адолатни қарор топтиришнинг асосий мақсади ҳам ижтимоий тараққиётни таъминлашдир.

“Адолат” ўзининг мазмуни ва этимологиясига (келиб чиқишига) кўра (iustitia) ҳуқуққа (ius) бориб тақалади, ижтимоий ҳаётда ҳуқуқий асос мавжудлиги ва унинг тўғрилиги, императивлиги ва зарурлигини ифодалашни англатади. Фақат ҳуқуқни ифодалайдиган, ҳуқуққа мувофиқ келадиган ва унга амал қиладиган нарсагина адолатлидир. Адолат билан иш кўриш, демак, ҳуқуқий, умумий ва тенг ҳуқуқ талабларига мувофиқ иш кўришдир. Адолатлилик ҳуқуқдан ташқари қандайдир бошқача принципни ва ифодаланиш шаклини билдирмайди. Шундан келиб чиқиб айтганда, судлар фаолиятининг асосий принципларидан бири қонун устуворлигини таъминлаш бўлиб, унинг асосий мақсади ҳам адолатни қарор топтиришдан иборатдир. Яъни, фақат ҳуқуққа мос қабул қилинган ҳар қандай қарор адолатли ҳисобланади. Зеро, давлат бошқарувининг олий органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа идоралар ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга ваколатли бўлсалар-да, шахс, жамият ва давлат ҳаётида адолатни қарор топтириш учун юксак масъулият фақат судларга юклатилган.

Бугунги кунда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, аризаларни электрон тартибда қабул қилинаётганлиги, процессуал муддатларга риоя қилиниши устидан онлайн мониторинг қилиниши, ишларни инсон омили аралашмаган ҳолда автоматик тақсимлаш имкониятларини берувчи “Е-XSUD” ахборот тизими яратилганлиги, судларда видео-конференцалоқа тизими ишга туширилиб, суд мажлислари ушбу тизим орқали онлайн режимда ўтказилаётганлиги суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш орқали адолатни қарор топтириш каби мақсадларга йўналтирилган.



**Муҳаммадамин
КАРИМЖОНОВ,**
ТДҶОУ Меҳнат ҳуқуқи
кафедраси ўқитувчиси

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚАНДАЙ КАФОЛАТЛАР БЕРИЛГАН?

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1992 йил 14 октябрдаги қарорига асосан ҳар йили “3 декабрь – Халқаро ногиронлар куну” сифатида бутун дунёда, шу жумладан, республикамизда ҳам кенг нишонланиб келинмоқда. Бутун дунё аҳолисининг 1 миллиарддан ортиғида, яъни ўртача еттига кишининг камида биттасида муайян бир турдаги ногиронлик мавжуд.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари доимий диққат-эътиборда бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя сиёсати мунтазам кўриб келинмоқда. 2020 йилнинг 15 октябрида “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги ЎРҚ-641-сонли қонун эълон қилинди. У 3 ой ўтгач кучга киради. Ушбу ҳужжат 2008 йилда қабул қилинган амалдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ўрнини босади.

Меҳнат кодексининг 177-моддасида иш берувчининг бурчлари кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ушбу Кодексга мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шарт.

Шунга кўра, ногиронлиги бўлган шахс одатдаги меҳнат шароитларига эга ташкилотларда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи ихтисослаштирилган корхоналарда, цехларда ва участкаларда ишлашга, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Агар ходим унга топширилган ишни уддаласа, соғлигининг ёмонлашуви, шунингдек, ногиронлик берилиши, меҳнат шартномасининг Меҳнат кодекси 100-моддаси 2-қисмининг 2-банди (ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажарётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши) бўйича бекор қилиш учун етарли сабаб бўлиб ҳисобланмайди.

Ходимнинг нолойиқлиги ходимнинг бажариши шарт бўлган, топширилган ишни уддалай олмаётганлигини гувоҳлантирувчи аниқ фактлар (текширув актлари, бевосита раҳбарлик қилувчисининг билдириш хати, ҳисоботлар, аттеста-

ция ҳужжатлари ва ишнинг паст сифатлилигини, яроқсиз маҳсулот чиқараётганини, иш ҳажмини ҳамда ишлаб чиқариш нормасини бажармаётганлигини ва ҳоказоларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар) билан, соғлиғи ҳолатига кўра нолойиқлиги булардан ташқари тиббий хулоса билан тасдиқланиши шарт.

Ходим бажариши лозим бўлган ишни уддалашдан қатъи назар, агар тиббий хулосага кўра ходим ушбу ишни бажаришга тўғри келмаса ёки меҳнат жамоаси аъзолари ёхуд улар хизмат қиладиган фуқаролар учун хавф туғдирсагина, меҳнат шартномасининг соғлиғи ҳолатига кўра бекор қилинишига йўл қўйилади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқори-роқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди. Шунга кўра, меҳнат қонунчилигида ногиронлиги бўлган ходимларга қуйидаги бир қатор кафолат ва имтиёзлар берилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ходимларининг сони йигирма нафардан ортиқ бўлган ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун ходимлар умумий сонининг камида уч фоизи миқдорида иш ўринларининг энг кам сони белгиланади. Масалан, 100 нафар ходим ишлайдиган ташкилотда (мулкчилик шаклидан қатъи назар) камида 3 та иш ўрни ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилиб қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарорининг 1-иловасига кўра, ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони 20 нафар кишидан ортиқни ташкил этадиган ташкилотлар ҳар йили 1 августдан кеч бўлмаган муддатда лавозимларни ҳисобга олган ҳолда келгуси йил учун захирага қўйиладиган иш ўринларининг умумий сонини белгилайди; 15 августдан кеч бўлмаган муддатда келгуси йил учун иш ўринларининг захирага қўйиладиган умумий сони



тўғрисидаги маълумотларни тегишли шакл бўйича туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этади.

Меҳнат кодексининг 68-моддасида ногиронлиги бўлган шахслар учун ишга жойлашишда кўшимча кафолатлар белгиланган. Шунингдек, кодекснинг 220-моддасига кўра, иш берувчи белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибда маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, иш сўраб мурожаат қилган шахснинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб, уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, меҳнат қончилигида I ва II-гурӯх ногиронлиги бўлган шахслар учун куйидаги кафолатлар мустақамланган:

- меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади;
- 30 календарь кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади;
- йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади;
- таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади;
- уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил (“без содержание”) берилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб

қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан ногиронлиги бўлган ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чикимдор бўлмайдилар.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра, I ва II-гурӯх ногиронлиги бўлган шахслар даромадларидан қисман (даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) солиқ солишдан озод этилади. Масалан, I ва II-гурӯх ногиронлиги бўлган шахслар 3 миллион сўм ойлик олса, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдори (957 минг 855 сўм)дан 12 % даромад солиғи ушланмайди қолган 2 миллион суммадан эса солиқ ушланади.

Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳам қончиликда алоҳида эътибор қаратилган.

I ва II-гурӯх ногиронлиги бўлган шахсларга, кўзи ожиз I-гурӯх ногиронлиги бўлган шахсни кузатиб боровчи шахсга бепул санаторий-курорт йўлланмалари берилади.

Меҳнатда майиб бўлиш ва касб касаллиги туфайли I ва II - гурӯх ногиронлиги бўлган шахслар, I ва II - гурӯх болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар автомобиль бензини сотиб олишга харажатларнинг бир қисми учун ойлик пул компенсацияси тўланади.

I ва II - гурӯх ногиронлиги бўлган шахслар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар тиббиёт муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этилади.



Руфат БЕГИМОВ,
Каттақўрғон
туманлараро
иқтисодий суди
судьяси

“БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ” ДЕГАН ШИОРНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС!

Коррупция келтириб чиқараётган оқибатлар бугунги кунда барчамизни бирдек таъшишга солиши даркор. Ушбу турдаги жамият кушандаси сабабли мамлакат иқтисодиёти кескин ёмонлашади, ижтимоий-сиёсий адолатсизлик кўрсаткичи кундан-кун ўзининг мисли кўрилмаган даражасига етади. Мамлакат аҳолисининг саводсизлиги, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти кўрсаткичи эса ақлга сиймайди-ган даражада пасаяди. У шундай вайронкор кучки, биздан кейинги авлоднинг мислсиз эътирозига сабаб бўлади. Коррупцияга қарши самарали курашиш сиёсати етарли даражада олиб борилмас экан, фақатгина демократик ва иқтисодий эркинликнинг ўзига коррупциялашган жамият тизimini бутунлай йўқ қила олмайди.



Шаҳризода МАМАСОЛИЕВА,
ТДҶОУ талабаси

Коррупция аслида ўзи нима? Бу сўзни эшитганимизда ёки у билан боғлиқ ҳодисага дуч келганимизда, бизда қандай ҳис-туйғулар кечиши керак?

Кўпчилик инсонлар учун бу жиноятнинг бир тури ҳисобланади, холос. Аслида эса унга жамиятни парокандаликка олиб борувчи, уни бир заҳарли илон сингари бўғиб аста-секинлик билан бутун жамият танасини йўқ қилиб юбора олишдек қудратга эга бўлган кушанда сифатида қарашимиз лозим. У шундай кушандаки, инсонлар ҳеч қандай ядровий қуролсиз жамиятни йўқ қилиб юбора олади, улар ўз қўллари билан ўзларининг илдизига болта ураётганларини мутлақо англашмайди, англаган тақдирида ҳам жуда кеч бўлади.

Коррупцияга қарши кураш учун янги даврга қадам қўйишининг вақти келмадимикан? Нима деб ўйлайсиз?

Бугунги кунда коррупцияга қарши кураш олиб бориш халқаро миқёсда муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда, шунинг учун ҳам халқаро ташкилотлар ва бир қатор давлатлар томонидан коррупцияга қарши курашиш сиёсати ягона тизими ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида қабул қилинган ЭКОСОС (БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши)нинг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995 й.);
2. Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 й.);
3. Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997 й.);

4. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2003 йил 31 октябрь);

5. Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000 й.)

Тўғри, жамиятимизда тараққиёт кушандаси ҳисобланмиш коррупцияга қарши олиб борилган ҳаракатларда ўзгаришлар шабадаси сезилмоқда. Лекин, уни етарли даражада деб бўлмайди. Бу ўринда қуйидаги фактни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: Жаҳон Банкининг хабар беришича, коррупцияга қарши курашиш сиёсатини юритувчи мамлакат ялпи ички маҳсулоти бир йилда беш бараварга ошар экан. Кўпгина ҳолатларда қуйидаги сўзлар қулоққа чалинади: “Биздан олдин ҳам коррупция мавжуд бўлган ва бундан кейин ҳам мавжуд бўлаверади, биз ҳеч қачон коррупцияга қарши олиб борадиган курашда олдинги аждодларимиздан илгарилаб кета олмаймиз”. Шу ерда тўхтаган! Нега айнан ҳеч қачон? Ахир бундай фикр юритувчилар ҳаракати имитациядан бошқа ҳеч нарса эмас-ку, ахир. Уларга қараб шундай дегинг келади: “Коррупция содир бўлиш даражасини камайтириш аслида бизнинг қила олмайдиган, қўлимиздан мутлақо келмайдиган иш эмас, балки биз уни амалга оширишимиз мушкул, лекин шарт бўлган ишдан бошқа ҳеч нарса эмас”.

Коррупция содир бўлиш даражасини қандай қилиб кескин камайтириш мумкин? Бугунги кунда қайси йўналишларда коррупция “устунликка” эга? Ушбу саволларга жавоб топиш ва муаммони ҳал қилиш бир қатор давлатлар сиёсатининг “йўл харитаси”дан жой олиб улгурган. Шу ўринда қадимги юнон файласуфи **Аристотель** томонидан билдирилган қуйидаги фикрлар ўринлидир: “Ҳар қандай давлат

тузумида энг муҳими бу қонунлар ва тартиб-қоидалар воситасида ишни шундай ташкил этиш керакки, мансабдор шахслар қинғир йўл билан бойлик орттира олмасин”.

Япон халқида бир машҳур мақол мавжуд: **“Тобора қуюқлашиб бораётган зулматни қарғаб ўтиргандан кўра, битта шам ёқиб қўйган афзал”**. Шундай экан, мавжуд муаммоларни муҳокама қилиб ўтиргандан кўра коррупция даражасини пасайтириш бўйича тавсия ва уларнинг натижаларини муҳокама қилиш афзалроқдир.

Қуйида жамият кушандаси бўлмиш коррупцияни йўқ қилиш, унинг олдини олиш бўйича ривожланган ва коррупцияни енгиб ўтиш борасида муваффақиятга эришган хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда бир қатор тавсия ва фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилади.

Биринчидан, йирик коррупция ва пора учун қонунчиликда назарда тутилган санкцияларни озодликдан маҳрум этиш жазоси ўрнига кўпроқ катта миқдорда жарима жазолари қўллаш жамиятда коррупция кўрсаткичини пасайтириш учун имкон беради. Албатта, бу таклиф бироз ғалати туюлиши мумкин. Чунки, бунга кўпчилик жамият аъзоларининг жиноят учун қўлланиладиган жазо кучли бўлсагина унинг олдини олиш мумкинлигига ишониши сабаб бўлади деб ҳисоблаш мумкин. Юқоридаги таклифни ойдинлаштирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосини фуқароларни жазолаш эмас, балки уларни тарбиялаш, олдинги бутунлай эскирган тарбиялаш усулларини ўзгартириш ташкил этади.

Шу ўринда иқтисодчи **Гарри Беккер** томонидан ёзилган “Жиноят ва жазо” номли мақоласида ифодаланган фикрларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: *“Жиноят учун қўлга тушиш эҳтимоли кам, лекин жазо катта бўлса, жиноят содир этилиши, акси бўлса, содир этилмаслиги мумкин”*. Бундан ташқари князь **Вяземский**нинг ҳам қуйидаги фикрларини асосли деб ҳисоблаш мумкин: *“Россия қонунларининг қатъийлиги уларнинг амал қилмаслиги билан изоҳланади”*. Демак, жазонинг қатъийлик ва императивлик даражаси юқори бўлиши ҳар доим ҳам жиноят кўрсаткичини пасайтиришга хизмат қилавермайди. Шу ўринда хорижий мамлакатлардан **Хитой Халқ Республикаси** қонунчилигини таҳлил қилиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу мамлакатда иқтисодий ва сиёсий соҳада рўй берадиган коррупция ва порахўрлик учун қўлланиладиган жазо тури – ўлим жазоси. Сўнги статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Хитой коррупциячиларни қатл қилиш сони бўйича дунёда “етакчилик” қилиб келмоқда. Қизиқарли жиҳати шундаки, Хитойда коррупция билан боғлиқ жиноят содир этган шахслар бу мамлакатда қуйидаги учта турга ажратилади: йўлбарслар, пашшалар ва тулкилар. Йўлбарслар булар йирик турдаги коррупция, яъни партия билан боғлиқ коррупцияга

аралашувчилар, пашшалар майда турдаги коррупцияга, яъни ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасида содир этилган коррупцияга боғлиқ шахслар, тулкилар эса ўғирлашни уддасидан чиққан маҳсулотларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кета оладиган коррупционерлар тушунилади.

Энди эса ушбу саноати ривожланган мамлакатда коррупция учун қўлланиладиган санкция ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хитой қонунчилиги бўйича коррупция миқдори 463 минг доллардан юқори бўлган ва давлат мансабдор шахсларининг пул эвазига сотилиши учунгина ўлим жазоси қўлланилади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу қонун 2016 йилдан кейин амал қилишни бошлагандан буён ўлим учун отишга ҳукм қилинганлар сонининг кескин камайишига олиб келган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг маълум даражада таъминланишига сабаб бўлди.

Таклиф:

Коррупция ва пора бериш учун қўлланиладиган жазони либераллаштириш ва шу жиноят эҳтимоли мавжуд бўлган давлат ва хусусий сектор йўналишларини аниқлаш, коррупция содир бўлиш эҳтимоллик даражасини прогностлаштириш, яъни коррупционер ва порахўрни қўлга тушириш эмас, балки жиноятнинг содир бўлиш эҳтимолини камайитиришга аҳамият берилиши лозим.

Натижа:

1. Коррупция юзага келадиган соҳа ушбу турдаги жиноятдан сақлаб қолинади;
2. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари етарли даражада таъминланади;
3. Жиноят учун қўлланиладиган жазо турлари либераллашади.

Иккинчидан, давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларида ўз меҳнат фаолиятини олиб борувчи мансабдор шахслар учун тўланадиган ойлик маош миқдори оширилиши лозим. Мансабдор шахс тушунчаси қандай тушунилиши лозим? Шу ўринда мансабдор шахс тушунчасига тўхталиб ўтилиши масалага янада аниқроқ ёндашув имконини беради.





Демак, *Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодексид*а мансабдор шахс тушунчасига таъриф келтирилган бўлиб, уни куйидагича тушуниш мақсадга мувофиқ бўлар эди: мансабдор шахс доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс мансабдор шахс деб эътироф этилади.

Юқоридаги таклифни **Гонконг** тажрибаси асосида муҳокама қиладиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу мамлакат Хитой Халқ Республикасига яқин ҳудудда жойлашган бўлиб, ушбу мамлакатда 1974 йилда *“Коррупцияга қарши мустақил комиссия”* ташкил этилган. Хўш, шундан кейин Гонконгга коррупцияга қарши кураш қай даражада амалга оширилган деб ўйлайсиз?

Ушбу реформацияга мувофиқ бизнес соҳаси вакиллари, ҳарбийлар ва давлатнинг зиёли қатлами ҳисобланмиш олимлар ва кенг жамоатчилик вакиллари юқоридаги комиссияда ўз меҳнат фаолиятини олиб боради, уларнинг меҳнати учун тўланадиган иш ҳақи эса мамлакатда кескинлик билан кўтарилади. Натижа эса қандай бўлганлигига қизиқарасизми? Натижа жуда ҳам сенсацион кўрсаткични ташкил этган деб ҳисоблаш мумкин. Яъни, комиссия ишчилари учун тўланадиган ойлик маошнинг оширилиши натижасида 30 йил муддат давомида ушбу мамлакатда мавжуд бўлган коррупция кўрсаткичи 90 фоиздан 3 фоизга тушган. Албатта, бу дунё аҳолисини ҳайратга солган ҳодисалардан бири деб тан олиб келинмоқда.

Таклиф:

1. Коррупцияга қарши кураш олиб борувчи идоралараро комиссияси ҳамда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигида фаолият кўрсатувчи мансабдор шахслар учун тўланадиган ойлик маош миқдорини ягона тариф сеткасининг разряди бўйича энг юқори кўрсаткич бўйича белгилаш.

Натижа:

Коррупциялашган жамиятнинг ҳар қандай соҳасида чуқур илдиз отган мансабдор шахслар давлат томонидан тўланадиган ойлик маошни пора таклиф қилаётган шахснинг мансабдор шахсга таклиф қиладиган “маоши” ёхуд “совғаси”дан афзал деб билишига олиб келади. Табиийки, ушбу вазиятда пора ўз-ўзидан рад этилади ва мамлакатда коррупцияга қарши курашиш сиёсати кўлами мисли кўрилмаган даражага етади.

Учинчидан, технология ва инновациялар кейинги йилларда шаффофликни таъминлаш ва коррупцияни бартараф этишда ҳал қилувчи роль ўйнаши аниқ эканлигини эслатиб ўтиш лозим. Коррупцияга қарши кураш олиб бориш мақсадида ахборот технологиялари ролини ошириш коррупционерлик илдизига болта уришда самарали восита ҳисобланади. Биз яшаётган давр муҳитини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар қандай соҳада коррупцияга қарши курашиш сиёсатини изчил амалга оширишда кенг соҳа вакиллари жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу жумладан, жамият аъзолари ичида техника соҳаси вакиллари ушбу жараёнда фаол қатнашадиган бўлса, коррупционерлик ва порахўрлик кўрсаткичи кескин камайиши кейинги 10 йил ичида сезиларли даражада ўзгариши мумкин бўлади. Қандай қилиб дейсизми?

Демак, шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони** юқорида келтириб ўтилган таклифнинг ҳуқуқий асоси бўла олади деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу фармонга кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш

ҳамда баҳолаш имконини берувчи “E-Anticor.uz” электрон платформасини шакллантириш назарда тутилган бўлиб, бу Ўзбекистонда мавжуд бўлган ахборот-технология соҳасидаги барча имкониятларни ишга солишни талаб этади.

Таклиф: мамлакат коррупцияга қарши курашиш сиёсатини замонавийлаштириш, эскириб қолган усул ва воситалардан бутунлай бўлмаса-да, аста-секинлик билан воз кечиш, коррупциянинг “амал қилиш” доирасини қисқартириш борасида қотиб қолган фикр юритиш усулларида воз кечиш лозим. Бундай ёндашувни шакллантириш эса коррупция содир этилганлиги ҳақида хабар берувчи мобил дастурий таъминот орқали бевосита амалга оширилади.

Натижа: 10-12 йил ичида юқоридаги дастурий таъминот орқали авлодларга мутлақо бўлмаса-да, коррупция ва порахўрликсиз ёрқин келажак совға қилишимиз мумкин бўлади.

Тўртинчидан, давлат ва хусусий секторда ўз меҳнат фаолиятини юритувчи шахсларда коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш лозим. Хитойнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатига юзланадиган бўлсак, хитойликлар порага қарши курашиш мақсадида алоҳида ташкил этилган курсларга қатнашади, шунингдек, ушбу мамлакатда коррупционерларни йўқ қилиш билан боғлиқ ўйин ихтиро қилинган бўлиб, бундай турдаги ўйин турида улар коррупционер қариндошлари ва дўстларини аёвсиз “ўлдириш”лари лозим.

Бундан ташқари, 1965 йилда ўз мустақиллигини қўлга киритиб, қисқа давр мобайнида дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишга улгурган Сингапур давлати қандай қилиб коррупцияга қарши курашиш сиёсатида етакчиликка эриша олди? Сингапур давлат раҳбари Ли Куан Ю бошчилигида 1960 йилда коррупцияга қарши кураш стратегияси коррупциянинг олдини олиш ва коррупция тергови бўйича Бюрони алоҳида ваколатлар билан таъминлаш тўғрисидаги қонунда мустаҳкамлаб қўйиш орқали коррупцияга қарши курашиш сиёсатида бир қатор муваффақиятларга эриша бошлади. Чунки, давлат раҳбари ва мансабдор шахсларда коррупция ва порахўрликка қарши иммунитет шаклланган эди. Жумладан, Ли Куан Юнинг қуйидаги фикрлари фикримиз далилидир: “Жазонинг муқаррарлиги – коррупцияни тўхтатишнинг биринчи омили”. Эътиборли жиҳати шундаки, коррупцияга қарши курашиш сиёсатида улкан муваффақиятга эришган бу мамлакат давлат раҳбари, ҳаттоки, ўз қариндошларига ҳам аёвсиз жазо чораларини қўллаган, унда коррупция ва порахўрликка нисбатан иммунитетизми етарли даражада шаклланган. Порахўрлик ва қариндошлик кўплаб бюрократик тизимларнинг офати деб ҳисоблаган Ли Куан Ю **“Коррупцияни йўқ қилиш учун шафқатиз бўлиш керак, агар қариндошлар ва танишларингиз ҳам пора олсалар, уларни панжара ортига юборишга тайёр**



бўлишингиз керак”, – деб ёзади ўз китобида. Бундан ташқари, Ли Куан Ю томонидан билдирилган ўта радикал фикр ҳар қандай коррупцияга қарши курашиш учун бел боғлаган инсонни ўзига оҳанграбодай тортмасдан қўймайди. *“Коррупцияга қарши курашмоқчимисиз? Учта дўстингизни қамоққа тиқишдан бошланг. Бунинг сабабини сиз аниқ биласиз ва улар ҳам бунинг сабабини билишади”* каби сўзлар Сингапур халқининг “отаси”га тегишлидир.

Таклиф: мансабдор шахслар давлат муассасалари, ташкилотлар ва хусусий секторларда фаолият кўрсатувчи шахсларни коррупция ёмон иллат эканлиги, коррупция учун жазо муқаррарлиги ва бу жиноят учун, ҳаттоки ўз қариндошлари ва яқинларини ҳам аяб ўтирмаслик борасидаги фикрлар билан “тарбия қилиш” лозим. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасаларининг “йўл харитаси”дан жой олишига, шунингдек, педагоглар томонидан ўқув дастур ва режаларнинг ўзгартирилишига олиб келади.

Натижа: мансабдор шахсга пора таклиф қилинган ҳолатда унда мавжуд бўлган “ҳалоллик вакцинаси” орқали у ўз-ўзидан муайян ишни ёки ҳаракатни амалга ошириш эвазига таклиф қилинган порани рад эта олишдек даражага эриша олади.

Юқорида келтирилган таклиф ва таҳлиллар асосида шундай **хулоса қилиш мумкин:** юртимизда олиб борилаётган коррупцияга қарши курашиш сиёсати учун ишлаб чиқилган тизим самарали ишлаши фақатгина мансабдор шахсларга боғлиқ бўлмай, кенг жамоатчилик вакилларига ҳам улкан масъулият юклайди. Шу ўринда инглизларда машҳур бўлган бир мақолни келтириб ўтиш лозим: **“Rome was not built in a day”,** яъни Рим бир кунда қурилган эмас. Шундай экан, коррупцияга қарши олиб борилаётган кураш аста-секинлик билан ўз натижасини беради. Фақат бир даъватни эсдан чиқармаслик лозим: **коррупцияга қарши олиб борилаётган курашда фақатгина “Биз коррупцияга қаршимиз” деган жумланинг ўзи етарли эмас.**

БУНИ УМР ДЕРЛАР...

Фалсафа илмида “олами кабир”, “олами сагир” деган тушунчалар бор. “Олами кабир” – бу коинотимиз, яшаб турган дунёмиз бўлса, “Олами сагир” — ҳар бир инсоннинг ўзи, ҳаёти, ижоди ва ҳоказоларидир. Агар муайян бир инсоннинг умри бошқа одамлар учун ибрат мактаби бўлса, унинг ҳаёт йўли ўз халқи учун биттагина ҳикмат яратишга хизмат қилса, у одам, шубҳасиз, ҳурматга лойиқ зотдир.

Парахат Айтаниязов ана шундай инсонлардан бири. У киши 1950 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида туғилган. Зиёли оилада илмга меҳр билан камол топган Парахат ака 1979 йил Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг ҳуқуқшунослик факультетини, 1993 йил эса Россия Бошқарув Академиясини тамомлаган.

Улуғ аждодларимиз, буюк олимларимиз вақтларини беҳуда сарфлашмаган. Зеро, инсон умри бекорга берилмаган, у ҳуда-беҳуда ишлар билан зое кетиш учун эмас, балки хайрли амаллар, элу юртга манфаат келтирадиган буюк ишларни амалга ошириш учун инсониятга берилган энг бебаҳо неъматдир. Ўз олдига улкан эзгу мақсадларни қўйган Парахат ака меҳнат фаолиятини 1980-1981 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг маслаҳатчиси, Нукус шаҳар судининг иш ўрганувчи судьяси вазифасидан бошлади. Сўнгра, Нукус шаҳар судининг судьяси, Қўнғирот туман судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси партия қўмитаси маъмурий бўлими йўриқчиси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари, Москвада Собиқ Иттифоқ Адлия вазирлигининг катта маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси партия қўмитаси давлат ҳуқуқ бўлими мудир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қонунчилик ва ҳуқуқ тартибот қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий су-



дининг фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармасининг бошлиғи лавозимларида самарали фаолият юритди. Ўз касбининг масъулиятини қалбан ҳис қилган Парахат Айтаниязов нафақат бутун фаолиятида, балки, бугунги кунда ҳам изланишда давом этмоқда.

Ўтаётган ҳар дақиқа-ю сония, соат, кун, инсон умрининг хатосиз ўлчовидир. Вақт шундай маблағки, уни эртанги кунга ғамлаб қўйишнинг имкони йўқ. Парахат ака шу ёшга кирибдики, бирор лаҳзасини ҳам беҳуда ўтказмасликка интилиб яшайди ва шу вақтда энг афзал сўзу амалларни қилишга ҳаракат қилди. Унинг нияти мудом яхшиликда қоим бўлиш ва бажариладиган амалларда сусткашлик қилмасликдир.

Ҳамма қаердандир, кимдандир адолат излайди: раъият подшоҳидан, ходим раҳбаридан, хотин эридан, ожиз кучлидан, мазлум золимдан, фақир давлатманддан адолат истайди. Узоқ йиллар давомида адолат излаб суд оstonасига келган инсонларнинг хизматида бўлган Парахат Айтаниязов ҳозирги кунда Ўзбекистон Судьялари

Ассоциацияси раисининг ўринбосари лавозимида юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини химоя қилиш йўлида меҳнат қилмоқда.

Парахат Айтниязов суд ишини кўради, оиласи, фарзандлари, шогирдлари, дўстлари ёки бошқа яқинлари билан муносабатда бўладими, доимо адолат йўлини танлади.

Бугун кўплаб ёш судьялар Парахат акани ўзларига устоз деб билишади. Шунингдек, барча ҳамкасблари суд тизимини ривожлантириш, судлов жараёнида доимо адолатни юзага чиқаришга умрини бағишлаган инсонлардан бири сифатида ҳурмат қилишади. Дарҳақиқат, Парахат аканинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар солиб, сабр-қаноат, покдиллик, ҳалоллик, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўта босиқлик билан иш юритиш унинг доимий шiori бўлганлигига кўплаб ҳамкасблари ва шогирдлари шохид бўлишган. Устоз илм истаган юзлаб ёшларга йўл-йўриқ кўрсатган, улардан маслаҳатини, кўмагини асло аямаган.

Парахат ака Халқаро Юристар Иттифоқи раисининг ўринбосари сифатида Москва шаҳрида Халқаро Юристар Иттифоқининг мувофиқлаштирувчи кенгашларида ва унинг ижроия кўмитаси йиғилишларида, шунингдек, Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси номидан бир қанча хорижий давлатларда бўлиб ўтган судьялар уюшмаларининг халқаро анжуманларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Бугунги кунда ҳам судьялар ҳамжамиятида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган орган – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзоси сифатида энг муносиб номзодларни судьялик лавозимларига танлаш ва тайинлашдек мураккаб жараёнда фаол иштирок этиб келмоқда. Тажрибали мутахассиснинг кўп йиллик ҳаётини ва иш тажриба бунда амалий аҳамият касб этади.

Шу билан биргаликда у киши Ўзбекистон Судьялари ассоциациясидаги меҳнат фаолияти билан судьяларимизнинг мустақиллигини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда

судьяларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга ўзининг ҳиссасини қўшиб келаяпти.

Парахат Айтниязов Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби ва унга “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони берилган.

Вақтнинг бошқа нарсалардан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятлари бор. Вақт тез ўтади. Хоҳ шод-хуррамлик ва қувонч билан ўтсин, хоҳ қийин, машаққатли бўлсин, у булут тезлигида юриб, шамол тезлигида ўтади. Бизга хурсандлик кунла-



римиз бирмунча тезроқ, қайғули кунларимиз секин ва оғир ўтаётгандек кўринади. Аслида, ундай эмас, лекин инсонга шундай туюлади, холос.

Шоир айтади:

Бахту саодатга тўла ойларим
Гўё давом этди кундан ҳам қисқа,
Ва лекин ҳижронга тўла кунларим
Йиллардек кўринди менинг кўзимга,
Наҳот энди ўтди йиллар, дўстларим,
Ҳайрат-ла боқаман бу кун ўзимга.

Дарҳақиқат, устоз бу йил 70 ёшга кирдилар. Эндиликда мамлакатимизнинг илмфан, суд-ҳуқуқ соҳаси ходимлари, олимлари фидойи бу инсонни катта ҳурмат билан тилга оладилар. У киши кўпчиликнинг қалбида иқтидорли ҳуқуқшунос, камтарин инсон, кўнгли дарё педагог, ташаббускор раҳбар сифатида муҳрланиб қолган.

Шаҳбоз САИДОВ,
“Odillik mezoni” мухбири



Зафар БАБАКУЛОВ,
юрidik фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

МУТЛАҚ ҲУҚУҚЛАР ГАРОВИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНING ТАҲЛИЛИ (ТОВАР БЕЛГИЛАРИ МИСОЛИДА)

АННОТАЦИЯ

Мақолада товар белгиларига нисбатан мутлақ ҳуқуқни гаровда қўллашнинг айрим масалалари миллий ва халқаро қонунчиликка мувофиқ ўрганилган ва таҳлил қилинган. Хусусан, товар белгиси гаровини қўллашда хорижий давлатлардаги қонунчилик талаби, гаров ҳуқуқининг пайдо бўлиш асослари ва шартлари, товар белгисидан фойдаланишда маҳсулот сифатига талаб ҳамда унга амал қилишга нисбатан тарафларнинг мажбурияти, гаров шартномаси шартларини бажармаганлик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар илмий жиҳатдан ёритиб берилган. Тадқиқот давомида ўрганилган илмий назариялар ва олиб борилган тизимли таҳлил асосида мутлақ ҳуқуқлар гаровини қўллаш бўйича назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: мутлақ ҳуқуқлар гарови, гаровга олувчи, гаровга қўювчи, кредитор, қарздор, товар белгиси, товарнинг сифати, бренд, рақобат, АҚШ, Хитой, лицензия шартномаси.

АННОТАЦИЯ

В статье исследованы и проанализированы некоторые вопросы по применению исключительного права на товарные знаки в залоге, в соответствии с национальным и зарубежным законодательством. В частности, научно освещены требования законодательства зарубежных стран при применении залога на товарный знак, основания и условия возникновения права залога, требования к качеству товара при использовании товарного знака и обязательства сторон по его соблюдению, правовые последствия несоблюдения условий договора. На основе изученных в ходе исследования научных теорий и проведенного систематического анализа разработаны теоретические и практические рекомендации по применению залога исключительных прав.

Ключевые слова: залог исключительных прав, залогодержатель, залогодатель, кредитор, должник, товарный знак, качество товара, бренд, конкуренция, США, Китай, договор лицензии.

ANNOTATION

It has been researched and analyzed some issues of using exclusive right to trademarks on pledge, in accordance with national and foreign legislation. Particularly, it was highlighted legal requirements and legislation of foreign countries to pledge of trade marks, basis and condition of pledge rights, requirements for the quality of goods when using a trademark and duties observation parties of contract, legal consequences of non-compliance with the terms of the contract. It has been carried out theoretical and practical studies on the basis of the systematic analysis, offered some recommendations of using the pledge of exclusive rights on during the research.

Keywords: pledge of exclusive rights, pledgee, pledger, creditor, debtor, quality of product, brand, competition, USA, China, license contract.

Давлатнинг иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий интенсив технологияларни саноатга кенг жалб этишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Агар ишлаб чиқаришга асосланган бизнес жараёнлари интеллектуал капитал асосида қурилган бўлса, бозорда рақобатлашиш муҳити ортиб, инновацион ғояларнинг тижоратлашуви ривожланади. Фақат самарали илмий-техник ишланмалар ва бошқа интеллектуал мулк объектлари компаниянинг устун рақобатини таъминлашга хизмат қилса, бошқа томондан унинг фаолияти моддий-техник жиҳатдан модернизациялашади ва сезиларли даражада даромадларининг ошишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда кўплаб замонавий корхоналар ўз капиталларини номоддий активлар ҳисобига кенгайтириб, хўжалик фаолияти ва савдо айланмасига ноёб технологияларни замонавий тил билан айтганда, товар белгилари ва бошқа шахсийлаштириш воситаларини фаол жалб этмоқда. Бизнес вакиллари интернет тармоғида ўз фаолиятини жадал кенгайтириш ҳисобига ўз мижозларининг ишонч ва садоқатини қозонган ҳолда сезиларли диверсификацияга эришмоқда.

Шахснинг ўзига тегишли мулкдан фойдаланишининг энг кенг тарқалган турларидан бири гаровдир. Пайдо бўлиши ва ривожланиши бир неча юз йиллик тарихга бориб тақаладиган мазкур муносабат иқтисодий ривожланиш жараёнларини тезлаштириш хусусиятига эга. Зеро, Қадимги Рим иқтисодий муносабатларида қарз институтини қўллаш заруриятининг оммалашуви ўз навбатида гаровнинг ҳам янада ривожланишига туртки бўлган [1].

Гаров шартномаси бўйича гаровни таъминлаш воситаси дастлаб моддий ашёлардан иборат бўлиб, кейинчалик иқтисодий жараёнларнинг тезлашуви натижасида гаровнинг мутлақ ҳуқуқий усуллари пайдо бўлди. Айниқса, мазкур муносабат АҚШ, Европа, Япония, Корея, Хитой каби давлатларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Чунки, ушбу давлатлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги капиталнинг асосий улуши интеллектуал мулк объектлари ҳисобига тўғри келади. Хусусан, интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини ташкил этади [2].

Таъкидлаш лозимки, айрим брендларнинг қиймати шу даражада юқорики, унинг даромад келтириши ва баҳоланиши баъзи давлатларнинг ялпи ички маҳсулотидан ҳам кўп. Масалан, дунё товар белгилари рейтингига бир неча йиллардан буён пешқадам бўлиб келаётган "Apple" компанияси 322,999 миллиард АҚШ долларига баҳоланган. Шундай юқори қийматга эга брендларга "Amazon" (200,667 млрд. АҚШ дол.), "Microsoft" (166,001 млрд. АҚШ дол.), "Google" (165,444 млрд. АҚШ дол.), "Samsung" (62,289 млрд. АҚШ дол.), "Coca-cola" (56,894 млрд. АҚШ дол.), "Toyota" (51,595 млрд. АҚШ дол.), "Mercedes-Benz" (49,268 млрд. АҚШ дол.) [3] мисол қилиб келтириш мумкин.

Интеллектуал мулк гаровини қўллашда АҚШ амалиёти шу даражада илгарилаб кетганки, ҳаттоки у ерда махсус банк-молия саноати фаолият юритиб, улар асосан венчур компаниялар ва стартапларнинг номоддий активларини гаровга олиш эвазига кредитлар тақдим этади. АҚШда интеллектуал мулк гарови муносабатларида етакчи ўринни компьютер дастурлари, маълумотлар базалари эгаллайди. Маълумот ўрнида таъкидлаш мумкинки, АҚШ дастурий таъминот саноати мамлакат иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи асосий воситалардан бири бўлиб, унинг Америка ялпи ички маҳсулотига улуши 1 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Қиёслаш учун Россиядаги унинг улуши 12 миллиард АҚШ доллари [4].

Мулкый ҳуқуқлар туркумига кирувчи ва ҳозирги кунда гаров муносабатларида эркин муомалада бўлган ва кенг оммалашиб бораётган ҳуқуқлар гарови, хусусан мутлақ ҳуқуқлар гарови Буюк Британия, Германия, Франция, Канада, АҚШ ва бошқа давлатларда алоҳида қонунчилик даражасида тартибга солинган [5] фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқа давлатлар банк соҳасида мажбуриятни таъминлаш доирасида интеллектуал ҳуқуқдан фойдаланиш йилдан йилга ортиб бориши билан бир вақтда ушбу шартномавий муносабатни тартибга солувчи қонунчилик ҳам ривожланмоқда [6].

Хитой Миллий интеллектуал мулк ташкилотининг қайд этишича, Хитойнинг кичик ва ўрта бизнес вакиллари интеллектуал мулк гарови эвазига молиявий кўмак олишга нисбатан талаб ортиб бормоқда. Натижада, бу ташкилот балансидаги капитал камомadini сақлаш ва бир вақтнинг ўзида интеллектуал мулк ҳуқуқи бозорини трансформация жараёнини тезлаштириш имконини яратмоқда [7].

Мутлақ ҳуқуқлар гаровини қўллаш орқали шахс ўзининг моддий капиталини бошқа мақсадларга йўналтириш учун замин яратади. Ҳаракатдаги ҳуқуққа нисбатан гаровни қўллаш товар белгисини тижоратлаштиришда энг мақбул йўл бўлиб, бу билан корхона фаолияти сезиларли рентабелликка эришади. Мутлақ ҳуқуқлар тижорат фаолиятида доимий ҳаракатда бўлганлиги сабабли унинг қиймати шу асосда ошиб боради. Ушбу қиймат аввало товар белгисидан интенсив фойдаланиш натижасида пайдо бўлади. Бу эса гаров билан таъминланган ҳуқуқнинг ишончлилигини, олинган кредит мажбурияти бўйича гаровга олувчи олдидаги мажбуриятни бажариш имконини янада оширади.

Интеллектуал мулк – монополиянинг алоҳида тури [8] бўлиб, унинг тижорат қиймати шундан иборатки, ундан чекланмаган доирадаги шахслар фойдаланиши мумкин. Лекин, бу унинг заиф томони ҳамдир. Сабаби, чекланмаган доирадаги шахсларнинг товар белгисидан фойдаланиши ҳар доим ҳам унинг эгаси талаблари асосида бажарилмайди. Кимнингдир сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариши оқибатида товар белгиси обрўсининг тушиб кетишига сабаб бўлади. Товар белгисининг эгаси ҳар доим ҳам товар белги-

сидан фойдаланаётган бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларини, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари сифатини назорат қилиш имконига эга бўлмайди. Бунга вақт ёки макон каби омилларнинг таъсирини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мутлақ ҳуқуқлар гаровида гаров нарсаи моддий ашёлар гаровидан фарқли ўлароқ эгалик қилувчида қолади. Гаровга кўювчининг товар белгисига нисбатан мазкур ваколоти гаровга олувчининг талаби билан белгиланмаслиги мақсадга мувофиқ. Лекин, гаровга кўювчи ёки у рухсат берган шахслар томонидан товар белгиси мақсадга мувофиқ фойдаланмаётган ҳолатларда гаровга олувчининг товар белгисидан фойдаланишни чеклаш талаби ҳам гаровга кўювчига, ҳам товар белгисидан фойдаланиш ваколоти эга бошқа шахсларга нисбатан татбиқ этилиши мумкин.

Мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномасида қарздорнинг бошқа шахсларга товар белгисига бўлган ҳуқуқни фойдаланишга тақдим этишда гаровга олувчидан розилик олиниши талаб этилмайди. Лекин, ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга нисбатан кредиторнинг розилиги олиниши шарт. Товар белгисидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳуқуқисиз гаровга кўйиш амалиётини татбиқ этиш товар белгисининг тижорат қиймати йўқолишига олиб келади. Бу эса келажакда гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан ижро этилишини қийинлаштиради.

Мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномасининг муҳим шартлари бўлиб гаров предмети, унинг баҳоси, олинган мажбурият ва унинг ҳажми, мажбуриятни таъминлаш муддати [9] ҳисобланади. Мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномасининг ҳақиқий саналиш шарти унинг давлат рўйхатидан ўтганлиги билан белгиланади.

Товар белгилари соҳасидаги деярли барча мутахассислар интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан гаров шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлигини таъкидлашади [10]. В.Е. Евдокимова “мутлақ ҳуқуқлар гарови давлат рўйхатидан ўткази-

лиши лозим бўлган шартномалар рўйхатига кирмаслиги лозим” [11]лигини қайд этади. Мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари пайдо бўлганлигини белгилаб берувчи асосий шарт унинг давлат рўйхатидан ўтказилишидир. Мутлақ ҳуқуқлар гаровини ҳақиқий саналишига нисбатан кўйилган ушбу талаб, биринчидан, фуқаролик муомаласининг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади, иккинчидан, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги манфаатдор шахснинг мутлақ ҳуқуқ тўғрисидаги маълумотларни эркин олиш имкониятини яратади [12].

Мутлақ ҳуқуқлар гаровини рўйхатдан ўтказиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигида тўғридан-тўғри белгиланмаган. Шу сабабли ҳам шартнома мазмуни ва предметининг хусусияти, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда мутлақ ҳуқуқлар гаровига нисбатан фуқаролик қонунчилигидаги ўхшаш нормаларни қўллаш мумкин. Шунга кўра, Фуқаролик кодексининг 270-моддаси, “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси ва “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Мутлақ ҳуқуқлар гарови шарномаси бўйича товар белгисига бўлган ҳуқуқ мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун агар шартномада бошқача шарт назарда тутилмаган бўлса, кредитор ҳуқуққа нисбатан фақат эгалик қилиши мумкин. Кредиторнинг учинчи шахсларга товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномасига кўра тақдим этиш қарздорнинг розилигисиз амалга оширишга йўл қўйилмайди. Кредиторда мутлақ ҳуқуқни тасарруф этиш ҳуқуқи гаров билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан ижро этилмаган ҳолатларда йўл қўйилади.

Мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномасида гаров нарсаи бўлган товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар гарови у рўйхатга олинган товарларнинг бир қисмига ёки барчасига нисбатан жорий этилади. Гаров билан таъминланган мажбуриятда қарздор шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли гаров нарсаи бўлган товар белгисининг қиймати кредиторнинг мулкый талабини қондиришга мос бўлиши лозим. Агар товар белгисининг қиймати гаровни таъминлаш бўйича кредитор талабини қондиришга етарли бўлмаса, кредитор гаров нарсаини алмаштиришни қарздордан талаб қилишга ҳақли (Фуқаролик кодексининг 276-моддаси). Кредиторнинг гаров нарсаини алмаштириш талаби товар белгиси рўйхатга олинган маҳсулотларнинг барчасига ёки бир қисмига тегишли бўлиши мумкин. Мазкур шарт гаров шартномасида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар йўл қўйилади. Қарздор эса кредиторнинг ушбу талабини бажаришга мажбур.

*Бу оламда йўқотишлар
ичидаги энг оғир йўқотиш
инсоннинг ўзлигини йўқоти-
шидир. Одамзод тафаккур
ва эҳтирос, руҳият ва имон
дунёсида яшайди. У юраги-
даги эътиқод билан, ишонч
билан тирик ва бутун.*

Эркин Воҳидов
хикматларидан

Мутлақ ҳуқуқларнинг қиймати моддий ашё каби барқарор хусусиятга эга эмас. Товар бозорида янги рақобатбардош маҳсулотларнинг пайдо бўлиб бориши, ўз навбатида, товар баҳосининг ўзгаришига ҳам таъсир этади. Чунки, истеъмолчида бозорда бир турдаги товардан ташқари бошқа худди шу турдаги маҳсулотларни танлаш ва сотиб олиш имкони пайдо бўлади. Бу эса ўз-ўзидан гаровга қўйилган товар белгиси қийматининг пасайишига олиб келади.

Мутлақ ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли товар белгисига нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқи аниқ муддат билан чегараланган бўлиб, уни узайтириш мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан амалга оширилади. Бу ҳам қайсидир маънода гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилишини заифлаштиради. Агар қарздор товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддатини навбатдаги муддатга узайтирмаса, Фуқаролик кодексининг 283-моддаси 1-қисмига кўра гаровга қўйилган мутлақ ҳуқуқ бекор бўлади. Яъни, товар белгисининг гаров нарсага сифатидаги ҳуқуқий мақоми йўқолади. Қарздорнинг гаровга қўйган ва бекор бўлган мутлақ ҳуқуқдан бошқа мулк бўлмаса ёки мавжуд бошқа мулк(лар)нинг қиймати ҳам гаров мажбуриятини бажариш учун етарли бўлмаса, кредиторнинг талаби қондирилмасдан қолади. Бу эса мутлақ ҳуқуқ гарови шартномасини тузиш, унга бўлган ҳуқуқни амалга ошириш, мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилишни нисбатан чеклайди.

Моддий ашёлар гаровида эса эгалик қилиш ҳуқуқи маълум муддат билан чегаралаш талаби мавжуд эмас. Шу сабабдан ҳам мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномасида гаров билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан адолат мезонига кўра таъминланмагунга қадар мутлақ ҳуқуқнинг муддатини бекор қилмаслик лозим. Мазкур қоида, ўз навбатида, тегишли қонун ҳужжатларида акс этиши лозим.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасига кўра, мутлақ ҳуқуқ эгаси товар белгисини уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда ўрвида товар белгисининг эгаси томонидан ёки лицензия шартномаси асосида бошқа шахсга фойдаланиш учун бериши мумкин. Фуқаролик кодексининг 1036-моддасига кўра лицензиатнинг ўзи ҳам мутлақ ҳуқуқдан фойдаланишни бошқа шахсларга сублицензия шартномаси асосида бериш ваколатига эга. Лицензия шартномасининг муҳим шартларидан бири лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги ҳақидаги қоидадир. Агар лицензия шартномасида ушбу шарт кўрсатилмаган бўлса, шартнома шартлари ҳақиқий ҳисобланмайди ва давлат рўйхатидан ҳам ўтказилмайди.

Гаров шартномасида гаровга қўювчи томонидан агар ўзига тегишли товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланмаган бўлса, белгиланган мақсадларда фойдаланиши мумкин. Мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномасининг ўзига хослиги шундаки, гаровга олувчи гаров нарсага бўлган товар белгиси остида ишлаб чиқа-



рилаётган маҳсулот сифатининг тегишли талабларга жавоб беришини кузатиб бориши мумкин. Одатда мазкур шарт лицензия шартномасига кўра лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қоидадир. Лицензиат товар белгиси эгасидан фойдаланиш учун олган товар белгиси остидаги маҳсулот лицензиар товарлари сифатидан паст бўлса, лицензиар шартномани бир тарафлама бекор қилишга ҳақли.

Товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар гаровга қўйилганда товар белгиси остидаги маҳсулотнинг сифати қандай бўлса, гаровга қўювчи ҳам худди шу сифатдан тушиб кетмаслигини таъминлашга мажбур. Агар маҳсулотнинг сифати бузиладиган бўлса, бу ўз навбатида товар белгиси қийматининг пасайишига олиб келади. Натижада гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бажара олмаслик хавфини келтириб чиқаради. Кредитор маҳсулот сифатининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни қарздордан олиб туриши гаров нарсага қийматини кузатиб бориш имконини беради. Бу билан кредитор келажақда ўзини зарар қўриш хавфидан ҳимоя қилади.

Гаровга қўювчи товар белгисидан нафақат ўзи томонидан фойдаланиши, балки лицензия шартномасига мувофиқ учинчи шахсларга фойдаланиш учун бериши ҳам мумкин. Агар гаров шартномасида гаровга қўювчига тегишли товар белгисини бошқа шахсга фойдаланиш учун бериш ваколати чекланмаган бўлса йўл қўйилади.

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ товар белгисини бошқа шахсга фойдаланиш учун бериши лицензия шартномаси асосида тартибга солинади. Бошқа шахсларга товар белгисидан фойдаланишга берган ҳолда маҳсулотнинг сифати учун гаровга олувчи олдидан гаровга қўювчи жавобгар бўлади. Лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати лозим даражада бўлмаса, ҳаттоки кредитор қарздордан лицензия шартномасини бир тарафлама бекор қилишни талаб қилишга ёки гаров шарномасини қарздор томонидан жиддий бузилган деб топган ҳолда бир тарафлама бекор қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 277-моддаси 4-қисмига мувофиқ гаровга олувчи товар белгисидан шартномада назарда тутилган ҳоллардагина фойдаланишга ҳақли ва бу ҳақда гаровга қўювчига мунтазам ҳисобот бериб туради. Мазкур фуқаролик-ҳуқуқий муносабат мазмунига кўра, тарафларнинг мақоми шартнома шартларига кўра ўзгаради. Яъни, қарздор чекланган ваколат доирасида (фақат маҳсулот сифатини ўзаро бир хил бўлишга

нисбатан талаб) гаровга олувчига нисбатан кредитор мақомига эга бўлади.

Гаровга олувчи гаров нарсаи бўлган товар белгиси-га нисбатан мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботда товар белгиси остида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми ва уни сотиш баҳоси, товарнинг сотилиш ҳудуди, маҳсулотнинг сифати тўғрисидаги маълумотлар акс этади. Маҳсулотнинг сифати гаровга қўювчи (ҳуқуқ эгаси) товарининг сифати билан гаровга олувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ўзаро бир хил бўлмаса, гаровга қўювчи гаровга олувчидан товар белгисидан фойдаланишни тўхтатишни талаб қилишга ҳақли. Бунинг натижасида гаровга қўювчи ўзига етказилган зарарни қоплашни ёки гаров билан таъминланган мажбуриятдан тегишли зарар суммасини чегириб ташлашни талаб қилишга ҳақли.

Гаровга олувчи ҳам товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга бериши мумкин. Мазкур ваколат гаров шартномасида тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса йўл қўйилади. Амалдаги фуқаролик қонунчилигида мутлақ ҳуқуқларни гаровга олувчи томонидан бошқа шахсларга фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солувчи аниқ қоидалар белгиланмаган. Лекин, мазмунан олганда, Фуқаролик кодексининг 1036-моддаси талабларини юзага келган муносабатга нисбатан қонун ўхшашлиги бўйича қўллаш мумкин.

Лицензия шартномаси талаб бўйича лицензиат маҳсулотининг сифати лицензиарники билан бир хил бўлиши лозим. Гаров шартномаси бўйича гаровга қўювчи нисбатан заиф томон ҳисобланади. Қарздор мажбуриятни қандай усулда бўлса ҳам гаров мажбуриятини бажаришни таъминлашга ҳаракат қилади. Бунинг учун кредитор фаолиятини назорат қилиш ва товар белгисидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботни талаб қилмайди, маҳсулотнинг сифатига кўз юмади ва ҳ.к. Бу эса маҳсулот сифатининг бузилишига олиб келиб, истеъмолчига ҳам моддий, ҳам маънавий зарар этади. Шу сабабли ҳам тегишли қонунчиликда гаров шартномаси бўйича гаровга олувчи товар белгиси остида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини доимий назорат қилиб бориш бўйича ваколатли давлат органи мақомининг қонуний асосларини белгилаш талаб этилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мутлақ ҳуқуқлар гаровида товар белгисининг амал қилиш муддатини белгилаш унга эгалик қилувчи шахс билан бевосита боғлиқлиги гаровга олувчининг гаров мажбурияти бўйича талаб қилиш ҳуқуқини чеклайди. Оқибатда кредиторга моддий зарар етишига олиб келади. Шу сабабли ҳам гаров ҳуқуқини қўллаш билан боғлиқ қонунчилик нормаларини мутлақ ҳуқуқлар гаровини амалга оширишни чеклайдиган қоидаларни такомиллаштириш мақсадида “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасига қуйидаги мазмунда қўшимча киритиш таклиф этилади:

“Интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар гаровга қўйилганда гаров шартномаси бўйича қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада

бажармаган муддатга қадар мутлақ ҳуқуқларни бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатини узайтириш гаровга олувчининг талаби бўйича ваколатли орган томонидан ёки суд қарорига кўра амалга оширилади”.

“Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасига қуйидагича қўшимча киритиш таклиф этилади:

“Мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномаси бўйича гаровга олувчи томонидан ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотларининг сифати товар белгиси эгаси (гаровга қўювчи) маҳсулотининг сифати билан ўзаро мувофиқлигини ўрганиш Интеллектуал мулк агентлиги томонидан амалга оширилади.

Агар товар маҳсулотларининг сифати ўзаро мувофиқ бўлмаса, Агентлик гаровга қўювчининг манфатларини ҳимоя қилган ҳолда гаровга олувчи томонидан товар белгисини фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишни сўраб судга мурожаат қилишга ҳақли”.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига қуйидагича қўшимча киритиш таклиф этилади:

“Товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномасига мувофиқ гаровга олувчи бошқа шахсларга товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга йўл қўйилмайди”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жарова Е.В. Залог исключительного права на результат интеллектуальной деятельности или средство индивидуализации. Дисс. ... канд. юр. наук. М.: – 2010. – С.18.
2. <https://president.uz/uz/lists/view/3887>
3. <https://interbrand.com/best-global-brands/>
4. Гаранина И. Г., Логинова Д. А. Проблемные вопросы регулирования залога исключительных прав на результат интеллектуальной деятельности или средств индивидуализации // Марийский юридический вестник. 2017. № 1(20). – С. 83.
5. Масленкова О.Ф. Правовая жизнь: научно-практические заключения, комментарии и обзоры // Вестник Санкт-Петербургского университета. Право. – 2017. – Т. 8. Вып. 1. – С.109.
6. Федоров С.П. Правовые интересы сторон залога исключительных прав // Право и государство: теория и практика. 2018. №8 (164). – С. 100.
7. Официальный сайт Национального управления интеллектуальной собственности Китая. URL. <http://www.sipo.gov.cn/> (дата обращения: 11.07.2020).
8. Рахматуллина Р.Ш. Залог интеллектуальных прав: Проблемы регулирования и правоприменения // Законы России: Опыт, анализ, практика. – М., 2014. – № 11. – С. 41-45.
9. Баттахов П.П. Залог исключительных прав на объекты промышленной собственности. Международный двуязычный научный журнал. 2014. №7. – С. 10.
10. Калажатин В.О. Залог исключительных прав // Патенты в лицензии. 2001. № 6. – С. 48. Городов О.А. Интеллектуальная собственность: правовые аспекты коммерческого использования // Дисс. док.юр.наук. СПб., 1999. – С. 244.3
11. Евдокимова В.Н. Правовая квалификация договоров о передаче технологий: проблемы и решения // Патенты и лицензии. 2004. № 8. С. 32-44.
12. Демьянченко Д.А. Государственная регистрация залога исключительного права на товарный знак в современном российском законодательстве // Северо-Кавказский регион. Общественные науки. 2014. № 6. – С. 107.

ЭТИКА СУДЬИ И ЕГО ПСИХОЛОГИЯ

Видом юридической этики является профессиональная этика судьи. Это те требования, которые предъявляются обществом к людям, наделенным судебскими полномочиями. Само профессиональное сообщество также поддерживает эти этические положения.

Этика судьи – набор специфических норм и правил, регулирующих поведение судьи, включая все сферы его жизни и деятельности.

Судебная деятельность не может реализовываться без соблюдения судебной этики судьями, поскольку основу этой деятельности составляют устоявшиеся правовые и нравственные требования. Особенность этики судьи в том, что она обязательна к исполнению. Ее норм и принципов должны придерживаться судьи всех инстанций. Обязательность выполнения требований судебной этики остается актуальной и для судей, находящихся в отставке.

Конечно, этические нормы судей тесно связаны с нормами законодательства. Важнейшие принципы этики часто находят свое отражение в законодательных нормах. Безусловно, есть различия в правовом и этическом регулировании.

Правовые и этические требования имеют много общего и тесно переплетены между собой. Однако воздействовать на поведение судьи с этих сторон можно по-разному. Вопросы практического характера решают правовые регулирующие документы, обеспечивая эффективное осуществление правосудия. Судейская этика разработана профессиональным сообществом, это нормы и ценности идеального судьи, которые отражают значение и важность этого института.

Нормы и принципы профессиональной этики судей разрабатывались с учетом основных документов. Например, VII Конгресс ООН в 1985 году принял "Основные принципы, касающиеся независимости судебных органов". Европейская хартия о законе "О статусе судей" была принята на Совете Европы в 1998 году. Бангалорские принципы поведения судей были утверждены на международном совещании судей в Гааге в 2002 г.

Все вышеперечисленные документы содержат стандарты деятельности судей и отражаются в законах, а существеннее всего в кодексах судебной этики.

"Основные принципы, касающиеся независимости судебных органов" и Европейская хартия обращены к руководителям стран, которые поддержали принятие этих документов. Бангалорские принципы поведения были разработаны судебским сообществом и адресованы непосредственно судьям.

В стандартах указывается на этические принципы универсальной направленности, они могут применяться в любой сфере современного судопроизводства. Благодаря существованию таких принципов становится возможным определить этические нормы, которые регулируют поведение судьи в конкретной ситуации. Принципы отличаются общезначимостью, то есть они важны в работе любого юриста, но для судей они имеют особое значение.

В Бангалорских принципах выделены:

- независимость, категория, обеспечивающая правопорядок и справедливость;
- объективность, определяющая степень доверия человека к судье и суду;

- честность и неподкупность возможны только при безукоризненном выполнении судьей своих обязанностей;

- соблюдение этических норм является обязательной составляющей в работе судьи и его поведения вне работы;

- обеспечение равенства сторон. Участники процесса должны быть равны в своих правах, только так можно достичь справедливого и беспристрастного рассмотрения дела в суде;

- компетентность и старательность характеризуют судью как профессионала, имеющего необходимые для данной профессии личностные качества.

В Республике Узбекистан сегодня действует Кодекс этического поведения судей, в новой редакции, который был утвержден постановлением Высшего судебного совета Республики Узбекистан 29 января 2018 года.

Соблюдение статей кодекса должно быть прежде всего внутренним убеждением, правилом жизни судьи.

Благодаря соблюдению Кодекса должно укрепляться доверие общества к судебной системе в целом. Члены общества должны иметь полную уверенность в том, что правосудие является независимым и беспристрастным.

В Кодексе содержится глава "Принципы и правила этического поведения судьи при осуществлении профессиональной деятельности". Главными здесь определены принципы объективности и беспристрастности, равенства, компетентности и добросовестности. В этой же главе сформулированы правила для судей, наделенных организационно-распорядительными полномочиями, и прописаны нормы, которых судья должен придерживаться при работе со СМИ. Отдельная глава посвящена правилам поведения судьи во внеслужебное время.

Каждый сформулированный принцип носит универсальный и абстрактный характер. Поэтому необходимо интерпретировать его, для этого существует юридическая герменевтика. На практике обосновывать этические принципы общезначимого характера сегодня не требуется. Очень часто провозглашается традиционный набор принципов, нет обращения к смыслу и содержанию провозглашаемого. А между тем, этические принципы продолжают оставаться актуальными.

Этика судьи – это нравственные установки, основанные на этических принципах. В принципах отражена общая идея правосудия.

Подчиняясь этой идее, формулируются конкретные требования к судье: к личностным качествам, поведению. Структурными компонентами судебной этики являются нравственные качества судьи, поведенческие основы и, регулирующие их, нормы и правила, оценка того, насколько полной является реализация норм, наличие эффективного контролирующего механизма.

Фаррух ТУРАХОДЖАЕВ,

судья Мирзо Улугбекского районного суда по уголовным делам



**Баходир
Исмаилов,**
начальник
Научно-обра-
зовательного
центра про-
тиводействия
коррупции Ака-
демии Генераль-
ной прокурату-
ры Республики
Узбекистан,
д.ю.н.

ВОПРОСЫ УСИЛЕНИЯ МЕР ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ КОРРУПЦИИ В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



**Азизбек
Атажанов,**
самостоятель-
ный соискатель
Высшей школы
судей при
Высшем суде-
ском совете
Республики
Узбекистан

*Одним из важных направлений реализуемых в Узбекистане системных реформ является судебно-правовая реформа на-
правленная на обеспечение подлинной независимости судей,
совершенствование организационно-правовых основ функ-
ционирования судебной системы, повышения уровня доступа
граждан к правосудию, усиление судебного контроля за след-
ствием, дальнейшую специализацию судов, укрепление аппа-
ратов судов, внедрение современных информационно-комму-
никационных технологий в деятельность судов, повышение
эффективности и качества отправления правосудия, совер-
шенствование процессуальных основ административного,
уголовного, гражданского и экономического судопроизвод-
ства, сокращение дублирующих полномочий и инстанций,
укрепление гарантий надежной защиты прав, свобод и закон-
ных интересов граждан и др.*

Противодействие коррупции в судах, усиление неза-
висимости судей — одна из важнейших задач государ-
ства и общества. В сфере правосудия противодействие
коррупции предполагает дальнейшее обеспечение не-
зависимости судей, расширение доступа населения к
правосудию, его подконтрольность гражданскому об-
ществу. Одним из направлений противодействия кор-
рупции является профилактика, под которой понима-
ется деятельность, направленная на предупреждение
коррупции, выявление и устранение ее причин.

В целях коренного повышения эффективности про-
водимых реформ, создания условий для обеспечения
всестороннего и ускоренного развития государства и
общества, реальных и приоритетных направлений по
модернизации страны и либерализации всех сфер жиз-
ни Указом Президента Республики Узбекистан утвер-
ждена “Стратегия действий по дальнейшему развитию
Республики Узбекистан на 2017–2021 годы”.

В Узбекистане предпринимаются действенные
меры по укреплению подлинной независимости судеб-
ной власти, повышению статуса, уровня материально-
го стимулирования и социального обеспечения судей,
укреплению материально-технической базы судов,
принятию действенных мер по недопущению неправо-
мерного воздействия на судей, всемерной реализации
принципов независимости и беспристрастности суда,
состязательности и равноправия сторон судебного
процесса, а также искоренению коррупции в судебной
системе, реализованы комплексные меры, направлен-
ные на повышение эффективности деятельности су-
дебной системы, совершенствование порядка отбора и
